

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗ ҚИЛИШ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ.Н. АБИРҚУЛОВ, А.Н. ҲОЖИМАТОВ,
Н.Р. РАЖАБОВ

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
олий ўқув юрглариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юргларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

**ABIRKULOV K., HOJIMATOV A.N.,
RAJABOV N.R.**

PROTECTION OF THE ENVIRONMENT

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



Абирқұлов Қ.Н., Ҳожиматов А.Н., Ражабов Н.Р. Атроф-
мухитни мухофаза қилиш (ўқув құлланма). – Т.: ТДИУ, 2003.
- 128 бет.

Күлланмада «Атроф-мухитни мухофаза қилиш» фанининг
назарий асослари, инсойият ва унинг яшаш мұхити, табиатта
антропоген таъсир, атроф-мухитни ифлословчи асосий манба-
лар, Ўзбекистон Республикасидаги атроф-мухит мухофазасыга
оид тәдбиrlар, алоҳида мухофаза килинадиган худудлар түгри-
сида батағсил маълумотлар берилган.

Табиат компонентлари, улардан фойдаланиш, табиат ком-
понентларининг инсон ҳастидаги ахамияти, ифлосланиши, дег-
радацияси, мухофаза қилиш чора-тәдбиrlарининг ижтимоий-
иқтисодий жиҳатлари атрофлича ёритилган.

Күлланма олий ўқув юртлари талабаларига мүлжаллан-
ган. Үндан ихтисослашган лицей ва колледжлар ўқувчилари,
шунингдек, атроф-мухит мухофазаси масалаларига қизиқувчи
барча фуқаролар фойдаланышлари мумкин.

Масъул мұхаррир: и.ф.д., проф.,
Ш.Р. Холмұминов.
Тақризчилар: акад. Қ. Ҳасанжөнов,
доц. Т.Ж. Жұмаев,
доц. Ш.А. Азимов,
кат. ўқ. Ҳ.А. Аллаберганов,
проф. Ҳ. Ваҳобов,
доц. Б.Ч. Муртазаев.

Abirkulov K., Hojimatov A. N., Rajabov N. R. Protection of the environment (Manual) – T.: TSEU, 2004. – 128 pages.

The manual is about theoretical bass of the course of “Protection of the Environment”, human and his living conditions, antropogen effects to nature, main waste sources that effects to nature. Event about the protection of the nature of the Republic of Uzbekistan, also information is given about specially protected regions.

It also covers nature components, their usage, the essence of these components to the human life, wastening and protecting events of social-economical life are explained.

The manual is designed for the students of Higher Educational Establishments. Also for the students of lyceums and colleges majoring in the protection of environment.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh. R.

References: academician Hasanjanov Q.
senior lecturer Jumaev T.J.
senior lecturer Azimov Sh.A.
senior teacher Allaberganov H.A.
prof. Vahobov H.
senior lecturer Murtazaev B.Ch.

КИРИШ

Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни барқа-рорлаштириш ҳамда атроф-мухит муаммолари ўтган аср мобайнида счимини топмади. Демак, улар янги асрда ҳам долзарб-лигича қолмоқда.

Таниқли кулги усталаридан бири ўз чиқишлиаридан бирида атроф-мухит мухофазаси ҳакида шундай деган эди: «Биз душманимизни учратиб қолдик, бу душман – биз».

Бутунги кунда атроф-мухит мухофазаси масалалари сезиларли даражада мураккаб ва счими жуда кийин бўлган муаммолардан бири эканлиги эътироф этилмоқда. Шу туфайли муаммонинг счими учун оддий хайдовчи ҳам, мамлакат президенсти ҳам мастьулдир. Яна шуни эътироф этишимиз лозимки, биз муаммони счсак, бу муаммо ҳам «биз» бўламиш.

Мазкур ўкув кўлланма «Иқтисодиёт (экология)» таълим йўналиши ўкув дастури асосида ёзилган бўлиб, мукобил варианти йўқ. Шу туфайли уни ёзишда А.С. Степанковскихнинг олий ўкув юртлари учун ёзилган «Прикладная экология» (М.: ЮНИТА-ДАНА, 2003), В.И. Коробкин, Л.В. Передельскийларнинг «Экология» дарслклари (Ростов н/Д: Феникс, 2003) ва П. Бараповнинг “Габиатни мухофаза қилиш” ўкув кўлланмаси (– Т.: “Ўқитувчи”, 1991) асос қилиб олинди.

Кўлланма юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни самимият билан қабул қиласиз ва аввалдан миннатдорчиллик билдирамиз.

Ушбу кўлланмани нашрга тайёрлашдаги беназир ёрдамлари учун Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Иқтисодиёт ва статистика” факультети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Ш.Р.Холмуминовга ўз ташаккуrimизни изхор этамиз.


«АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Атроф-мухит муҳофазасига оид асосий тушунчалар

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш – инсоният олдида турган энг долзарб муаммодир. Чунки у инсон хўжалик фаолиятининг барча турлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, биосферанинг тараккиёти, ундаги табиий-экологик ҳолатдаги мувозанат сақланишига чукур, кўпинча эса ҳалокатли тарзда таъсир кўрсатмоқда.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ёритишни аввало унга таалуқли бўлган: «табиат», «атроф-мухит», «табиий шароит», «табиий мажмуалар», «табиий ресурслар», «табиатдан фойдаланиш», «табиатни муҳофаза қилиш», «атроф-мухит муҳофазаси», «табиатни ўзгартириш» ва бошқа тушунчаларни аниқлаб олишдан бошлаган маъқулроқидир.

Табиат. Енг маънода табиат – бутун моддий – энргетик ва ахборотлар дунёсидир. Табиат- кишилик жамияти кун кечирадиган, инсон бевосита ва билвосита таъсир этадиган, хўжалик фаолияти билан ўзаро боғланган табиий шароитлар ий-финисидир (1-чизма)..



1-чизма. «Табиат», «географик қобик», «жамият географик муҳити», «табиий ресурслар», «инсон атроф-мухити» тушунчалари нисбати.

Табиий мухит. Атроф-мухит табиатнинг барча элементларини ўзида намоён этади. «Атроф-мухит» тушунчасига инсон томонидан бунёд этилган нарсалар (бинолар, автомобиллар ва ҳ.к. лар) кирмайди, чунки улар бутун жамиятни эмас, фақат, алоҳида кишиларни ўраб туради. Бироқ, инсон фаолияти натижасида ўзгартирилган табиат бўлаклари (шахарлар, экинзорлар, сув омборлари, иҳотазорлар) атроф-мухит таркибига киради, чунки улар жамият мухитини яратади. Бундай ўзгартирилган табиий мухитга инсон аралашиб турмаса, у табиий ҳолатига қайтишга мойил бўлади.

Табиий шароит. Табиий мухитнинг барча элементлари кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир этади, бироқ моддий ишлаб чиқаришда иштирок эта олмайдиганлари табиий шароит, деб аталади. Шуни қайд этиш лозимки, мутахассислар ўргасида ҳали хам «табиий шароит» ва «табиий ресурслар» тушунчалари ни аннеклашда яқдиллик йўқ.

Табиий мажмуалар. Инсонни ўраб турган табиат ўзига хос тизим ҳисобланади. Табиатнинг ўзаро таъсир этиб ва бир-бирини тақозо қилиб, ягона тизим ҳосил қилиб турувчи компонентлари, яъни рельеф, иқлим, срости ва срости сувлари, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёсининг қонуний ўйғунлигин табиий (табиат) мажмуасидир. Табиий мажмуанинг энг кичиги жой (масалан, соёй, жар, ботқоқлик ва ҳ.к) бўлса, энг каттаси ландшафт, географик минтаقا ва географик қобиқдир.

Табиий ресурслар. Табиатнинг иқтисодиётда фойдаланиладиган, инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган барча элементлари, энергия манбалари табиий ресурслар деб аталади.

Табиий ресурслар қўйидагича таснифланади:

а) фойдаланиши бўйича: ишлаб чиқарувчи, соғломлаштирувчи, илмий, нафосатли ва ҳ.к;

б) табиат компонентларининг у ёки бунисига алокадорлиги бўйича: минерал, ср, ўрмон, сув, энергетика ва бошқалар.

Табиий ресурслар инсон таъсири характеристери бўйича, одатда, икки туркумга ажратилади: тутайдиган ва тутамайдиган.

Тутайдиган табиий ресурслар ўз ўрипида тикланмайдиган, нисбатан тикланадиган ва тикланадиганларга бўлинади. Тикланмайдиган табиий ресурсларга қазилма бойликлар мансуб бўлиб, улар қазиб олиш ва фойдалангandan сўнг тутайди. Тунроқ нисбатан тикланадиган табиий ресурс ҳисобланади, чунки ундан онгли равишда фойдаланилганда унумдорлиги, экинлардан юқори ҳосил олиш қобилияти сақланади. Тикланадиганларига ўсимлик ва ҳайвонот олами мансуб. Улар фойдаланиши мобайнида тикланиши мумкин.

Тугамайдиган табий ресурсларга коинот (куёш радиацияси, денгиз тұлқынлари ва бошқалар), иқдим (атмосфера ҳавоси, атмосфера иссиқелігі ва намлық, шамол энергиясы), сув киради.

Кейинги даврларда табий ресурсларниң туталланиши бүйіча бўлинишида бироз ўзгариш содир бўлди (2-чизма).



2-чизма. Табий ресурслар таснифи.

Табиат тұхфаси. Ҳозирғи даврда фойдаланиласттан ёки келажакда фойдаланиши мүмкін бўлган табий ресурслар ва жамият ҳасти табий шароити йиғиндиси табиат тұхфаси, деб аталади. (3-чизма).

Инесон томонидан
фойдаланилади-
ган табий мұхит
қисми

ТАБИАТ



3-чизма. Табий мұхит түшүнчеси түзилмаси
(Н.Ф. Реймерс бўйича, 1990.).

Табиатдан фойдаланиш. Табиий ресурс салохиятини эксплуатация қилишнинг барча шакллари ва уни сақлаш бўйича тадбирлар йигитидиси табиатдан фойдаланишидир. Хар бир жойнинг табиий шароити ва ресурсларнинг хусусиятларига қараб улардан фойдаланиш шакллари ҳам туртича булади. Уларнинг беъзи бирларига нисбатан муҳофаза қилиш лозим бўлса, беъзиларини ўзгартириш керак.

Табиатдан оқилона фойдаланиш учун табиий жараёсларнинг ўзаро таъсири, табиат компонентлари, улар ўргасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда табиий (экологик) мувозанат тўғрисидаги билимлар жуда зарур. Табиатдан тўғри фойдаланиш учун унда вакти-вакти билан рўй бериб турадиган жараёсларни (куроқчилик, камсувлик, тошқинлар, зилзила ва бошқалар) ҳам ҳисобга олмоқ даркор. Табиатдан фойдаланишинг тўғри ёки нотурилигини белгиловчи мезонни аниқлаш ҳам жуда мушкил масала ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш. Табиатнинг маҳсулдорлигини, мусаффолигини ҳамда гўзаллигини сақлашга қаратилган барча тадбирлар табиатни муҳофаза қилиш, демақдир. Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш – инсоният ҳаётини шартли чексиз муддатда сақлаш бўйича тадбирларнинг глобал тизимиdir.

Атроф-муҳит муҳофазаси эса инсон хўжалик фаолияти билан атроф табиий муҳит ўртасидаги оқилона ўзаро алоқадорликни қўллашга йўналтирилган, табиат бойликларини сақлаш ва тиклашни таъминловчи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатга ва инсон саломатлигига жамият фаолиятининг бевосита ва билвосита зарарли таъсири натижаларидан огоҳлантирувчи тадбирлар тизимиdir.

Табиатни ўзгартириш. Табиатни ўзгартириш дейилганда муҳит шароитини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, табиий мажмуалар манзарасини ва унинг соғломлаштириш хусусиятини яхшилаш, бузилган табиий мажмуаларни қайта тузиш, табиий ресурсларнинг миқдорини қўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш тушунилади. Табиатни ўзгартиришинг умумий вазифаси геомажмуалар маҳсулдорлигини ошириш ва инсон ҳаёти экологик шароитини яхшилашдир. Табиатни ўзлаштириш аввало, юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлиши ҳамда инсоннинг яшаш муҳитини юқори сифатга кўтариши лозим.

1.2. «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» фанининг тадқиқот объектни, вазифалари, тамойиллари ва қоидалари

Табиатдан фойдаланиш дейилганда, табиий шароит ва табиий ресурслардан инсон фаолиятида мунтазам фойдаланиш ёки уларга таъсир этиш тушунилади.

Атроф-мухит муҳофазасининг объекти табиий ресурслар, табиий шароитнинг жамият хаёти ва унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўзаро муносабатлар мажмуасидир. Табиий ресурслар «Атроф-мухитни муҳофаза қилиш» фанининг бош обьектидир.

«Атроф-мухитни муҳофаза қилиш» фанининг асосий предмети эса табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш, инсоннинг яшаш муҳитини сақлаш ва тиклашдан иборат.

Оптималлаштириш – кутилган натижага эришишда мумкин бўлган кўпласбарианлардан энг муқобилини танлашдир.

Табиатдан фойдаланишнинг асосий вазифалари:

1. Табиий ресурсларни кавлаб олиш ва қайта ишлаш, уларни тиклаш ва такрор ишлаб чиқариш;

2. Ҳаёт муҳити табиий шароитидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш;

3. Кишилик жамияти ривожланишининг табиий-ресурс салоҳиятини сақлаш асоси бўлган табиий тизимларнинг экологик мувозанатини сақлаш.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг биринчи ва муҳим вазифаси – кишилик жамияти ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсирдаги сабаб-оқибатлар боғлиқлигини очишдан иборат. Яна мураккаб вазифаларидан бири – инсон фаолиятининг номақ-бул оқибатларини ёки сабабларини бартараф этиш чораларини топишдир. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш муаммолари миллӣ, халқаро ва жамоатчиликнинг мажмуали тадбирларидан иборат бўлиб, унинг амалга оширилиши турли мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий тузилиши ва техник имкониятларига тӯғридан-тӯғри боғлиқдир.

Табиатдан оқилона фойдаланиш табиий (экологик) жарәслар ва инсоннинг хўжалик фаолиятини «ишлаб чиқариш – атроф-мухит» ягона биоиктисодий тизим, деб қарашни тақозо этади.

Табиатдан фойдаланишнинг оқилона ёндашуви асосли тамойилларга суюнмоғи лозим: биринчидан, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, иккинчидан, ишлаб чиқаришдаги фойдаланилмаган чиқиндилар шундай ҳолатга келтирилиши лозимки, охир-оқибат улар экологик тизимларга сингдирилиб юборилсин.

Табиатни муҳофаза қилиш тамойиллари. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш кўйидаги асосий тамойилларга асосланиши лозим: тарихийлик, тизимлилик, биосферизм, адаптация, сайдеравий яхлитлик, экологик хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва х.к. (В.А. Красилов, 1992).

Тарихийлик тамойили. Табиатни мұхофаза қилиш фаолияти табиий обьектлар ва геотизимларнинг тарихини ўрганишиң тақозо қиласы. Бу борада Каспий бүйіндеги аяңчы экологик ҳолатни күрсатыш мүмкін, чунки худуддаги хұжалик фаолияти Каспий денгизи сатхини пасайышыга мүлжалланған эди. 1978 йылдан денгиз трансгрессиясининг бошланышы (5 йил мобайнида денгиздеги сув сатхи 2 м. га күтарилды) катта зарап стказды. Сув тошган минтақалар заарарлы чиқындылар ташланадиган жой бұлғанлығы туфайли уларнинг нефть билан ифлосланиш даражасы ортды.

Тизимлилік тамойили. Табиатдеги биз фаолият күрсатадын тизимлардеги компонентлар үзаро таъсир ва изжобий ҳамда салбий алоқалар билан боғланған. Табиат обьектларининг тизимлилігі ҳар бир муаммонинг бирор-бир тарқибий қисмими ташкил этган тизим, деб билишни тақозо этади.

Иқлиминг глобал исиши углерод оксид гази мікдорининг ортиши натижаси бұлыб, нафақат жиddий сиёсий ва иқтисодий оқибатлар, балқы бутун биосфераның ягона тизим сифатидаги фаолиятига салбий таъсир күрсатыши мүмкін.

Биосферизм тамойили. Инсон ҳам күплаб биологик турлардан бири бұлыб, факат биосфера тизимида сақланиши мүмкін. Биосфераны сақлашнинг құммати – биосферизм тамойили, тизимлилік тамойили қаби назарий жиҳатдан мұхим бұлыбина қолмаі, табиий мұхитни сақлаш шарты нұктан назаридан амалы жиҳатдан ҳам зарурдір.

Адаптация тамойили. Биологик эволюция назариясининг марказий үрнида турларнинг улар яшайдын мұхитта адаптация тамойили турады. Адаптация турлар хусусиятini билдириб, табиий мұхит ресурсларидан янада самаралыроқ фойдаланышига ёрдам беради. Адаптация эволюцион жарабыннинг ҳаракатланырувчи күчи саналади, ҳаёт ривожланиши эса адаптив характерга әгадір.

Сайёрсавий яхлитлик тамойили. Биосфераны яхлит тизим, деб қаралса, сайёрсавий яхлитлик тизими атроф-мұхит мұхофазасы соҳасыда халқаро фаолият учун асослы ақамиятта эга. Дүнән халқлардың түрлі сиёсий ва иқтисодий гурұхтарда бұлишига қарамай, экологик манбаат бүйіча үзаро боғланғандылар. Масалан, бир қанча давлаттар худудидан оқиб үтүвчи дарёлар уларни экологик мақсад жиҳатидан бирлаштырады. Атмосфера ва оксанлардаги циркуляцион тизим ҳарактерлари ҳам сайёрсавий күч намунасыдір. Биосферадаги моддаларнинг айланма ҳаракатына маҳаллік таъсир, жойдеги манбадан узоқтарда ҳам табиий мұхитда үзгаришы – ифлосланишы олиб келиши мүмкін (масалан, «ишқорлы ёмғирлар»).

Экологик хавфсизлик тамойили. Экологик хавфсизликни таъминлаш – табиий мухит омиллари ҳолатининг қулайлиги – жамият ривожланиши муваффақияти натижаси сифатида эътироф этилиши лозим. У табиат муҳофазасига оид қонунлар, хўжалик фаолияти ва экологик экспертизани тартибга солиш хамда қатъий қўллаш туфайли юзага чиқади.

Барқарор ривожланиш тамойили. Ҳозирги жамият жуда тезкорлик билан танглик чегарасига яқинлашмоқда. Ҳозирги ва келажак авлод қизиқишилари ўртасидаги низони йўқотиш учун барқарор ривожланиш стратегияси, дастури зарур. Барқарорлик келажакда жамиятни сақлаш ва ривожланиш истиқболларини кенгайтиришини билдиради. Барқарор ривожланиш стратегияси куйидагиларни ўз ичига олади:

- сифат кўрсаткичларининг (ҳаёт сифати) микдорий кўрсаткичлардан (аҳоли сони, талаб) устунлиги;
- жараёнлар қарама-қаршилиги (иктисодиётни милитаризациялаши, чиқиндиларнинг қўнайиши, маданий бойликларнинг талон-тарож бўлиши ва бошқалар);
- биологик ва маданий хилма-хилликни сақлаш;
- табиий жараёнлар эволюцион даврий лигининг табиатдан фойдаланиш дастурлари билан мослаштирилиши;
- ривожланиш дастурларини танлашда энг юқори фойда келтирувчиларини танлаган барқарорликни афзал кўрмок.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қоидалари. Бутун олам алоқадорлиги қонунидан келиб чиқиб, унинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишида муҳим эканлигини қайд этиш лозим.

Биринчи қоида шундан иборатки, табиатдаги барча ҳодисалар кўп томонлама аҳамиятга эга ва турли нуқтаи назардан баҳоланиши лозим. Ўрмон биринчи навбатда ёроч манбай ва кимёвий хомашё сифатида қаралади. Бироқ, ўрмон сувни тартибга солиш, тупрокни муҳофаза қилиш, иклим ҳосил қилиш аҳамиятига ҳам эга. Ўрмон кишиларнинг дам олиш жойи сифатида ҳам муҳим. Бу жиҳатдан ўрмоннинг саноат аҳамияти иккиласми мавқейга тушиб қолади.

Дарё бир томондан транспорт қатнови воситаси бўлса, бошқа томондан саноатда ишлатилган оқава сувларни оқизувчи хисобланади. Гидроэнергетиклар агар дарёда электростанция курилмаган бўлса, дengizga оқаётган сувни «бефойда», деб ҳисоблайдилар. Ҳар ким ўз нуқтаи назари билан фикр қилади ва дарёдан ўзича фойдаланишга ҳаракат қилади. Афсуски, дарё яна бошқа кўплаб жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли. Дарё бефойда оқмайди, дengizga биоген моддаларни келтиради, унда органик ҳаёт мавжуд, шунингдек, балиқ бойликлари бисёр.

Иккинчи қонда табииттің ресурслардан фойдаланышида ва мұхофаза қилишінде мағаллій шароиттің қатыншылығы олиш заруриеттің иборатынан. Бу худудийлік (минтақавийлік) қонунң деб атапади. Бу айниексе, сув ва ўрмон бойлікларынға тааллуқты.

Үчинчі қонда табиатта нареса ва ҳодисаларнинг мустаҳкам алоқадорлығынан көлемді чиқады. Табиатта бирор обьекттің мұхофаза қилиш, бир вакттің ўзінде у билан алоқадор болып табиаттің қам мұхофаза қилишін эканлығын билдіреді.

Сув ҳазвасиниң ифлосланишдан мұхофаза қилиш – бир вакттің ўзінде ундаги балиқтарни мұхофаза қилиш демек. Бирор табиатта аксиянча қам бұлыши мүмкін, бирор обьекттің мұхофаза қилиші бошқасында заарар келтириш ҳоллари қам учрайди. Масалан, бұғуларнинг мұхофаза қилинішинде үларнинг тарқалишига тәъсір күрсатады, оқыбатда худуддаги ўрмон заараланады. Демек, бирор табиий обьект мұхофаза қилингандан болып табиаттің мажмуаларын мұхофаза қилиш манфаатларынға мос тарзда амалта оширилиши лозим.

ІОқоридагилардан холоса шуки, атроф табиий мұхиттің мұхофаза қилиш мажмуалынан. Жәми алоқида табиий ресурслар әмас, табиий мажмұа мұхофаза қилинішиң керак.

Табиий ресурсларни мұхофаза қилиш ва фойдаланыш – бириңчи қарашда инсон тәъсирининг иккі қарама-қаршы ійүналиши. Бу ерда антогонистик қарама-қаршиликтер жүйе. Бу бир ҳодисаның иккі томони – инсоннаның табиатта мұносабаты. Савол туғылады: «Табиаттың мұхофаза қилиші керакми еки ундан фойдаланыш?» Табиаттың мұхофаза қилиш қам, ундан фойдаланыш қам керак. Бусиз кишилік жамиятты тараққайтты мүмкін әмас. Фақат ундан фойдаланғанда ва мұхофаза қилишда ма-салага онгли тарзда ғындашиши лозим.

1.3. Атроф-мұхит мұхофазасының асосий жиһатлары

Атроф-мұхит мұхофазасы инсон томонидан қадимдан амалға оширилиб келинеді қамда узлуксиз ривожланыш ва такомиляништа. Авваллары табиат мұхофазасының асосий тарқибий қисметтерінде мөддий хотиржамалық тұғрисида қайғуриш бүлгін бүлса, хозирғи вактта атроф-мұхит мұхофазасынан мансаддары жуда кенг ва түрлі-тумандыр. Атроф-мұхит мұхофазасының күйінде асосий жиһатларынан ажратылған мүмкін: ижтимоий-сийесий, хуқуқий, экологик-иктисодий, ижтимоий-гигиеник, техник-технологик, тарбиявий, нафосат, илмий-тажрибавий ва бошқалар.

Ижтимоий-сийесий жиһат. Инсоният міннесінде атроф-мұхиттің мұхофаза қилишін мұаммолары ечими түрлі ижтимоий ти-

зимлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Глобал масштабда табиий ресурсларнинг тугаши ва табиий мухитнинг ифлосланиши бўйича биринчидан, биосферанинг бўлинмаслиги билан боғлиқ табиий мухит ифлосланишини, уни содир бўлган мамлакат худудий чесгарасида тўхтатиб қолиш мумкин эмас; иккинчидан, алоҳида мамлакат қанчалик кучли иқтисодий ва илмий техник салоҳиятга эга бўлмасин, у шундай мураккаб ва кўп қиррали муаммони тўлиқ еча олмайди. Зарур тадбирлар нафақат миллий, балки халиқаро даражада қабул қилиниши талаб этилади.

Хукукий жиҳати. Атроф-муҳит муҳофазасининг хукукий асосларини қонунлар тизими тадбирлари асосида шакллантириш, улар атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, бу бойликларни тиклаш ва қўпайтиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги ижтимоий муносабатларни бошқариш қонуннинг бундай тизим тадбирларини белгилаш натижаси – табиат муҳофазаси хукукий алоқадорлик йигиндисининг вужудга келишидир.

Экологик-иқтисодий жиҳати – атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш бу тадбирларнинг нафақат ўтмишда, балки ҳозирги вақтда ҳам мухим таркибий қисмидир. Унинг вужудга келиши ва ривожланиши ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши ва илмий-техникавий инқилоб билан боғлиқдир. Ушбу жиҳатнинг мухимлиги иқтисодистда табиий ресурсларнинг ўрни беназирлигидан далолатdir. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодисти шароитида турли хил табиий ресурсларнинг хўжалик ишлаб чиқаришига жалб этилиши, кўпларининг захираси камайиш йўналишига ўтган бозор иқтисодистининг ҳозирги шароитида атроф табиий мухит муҳофазаси экологик-иқтисодий жиҳатининг аҳамияти янада ортмоқда. Шуни унутмаслик лозимки, «Иқтисодист – муҳит» тизимида атроф-муҳит олдида иқтисодистни, иқтисодист олдида эса атроф-муҳитни афзал кўришга интилиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришни кенг кўламда ривожлантириш, иқтисодий ўсиш ва халқнинг фаровонлигини орттиришдаги шундай алоқадорликни таъминлаш лозимки, унда атроф-муҳитни сақлаш ва узлуксиз яхшилаш ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилиш талаб этилади.

Ижтимоий-гигиеник жиҳати. Бизнинг мамлакатимизда атроф-табиий мухитни муҳофаза қилишининг ижтимоий-гигиеник жиҳати саломатликни муҳофаза қилиш ва аҳолининг энг қулаги гигиеник ҳаёт шароитини сақлашдаги ҳаракатларда намоён бўлади. Саноатлашган шаҳарлар минтақасида табиатдаги кескин салбий ўзгаришлар: сув, ҳаво, тупроқнинг саноат корхоналари чиқиндилари билан ифлосланиши, кимёвий ва радиация манбаалари аҳоли саломатлигига ва ҳатто унинг наслига ҳам

хавф туғдиради. Шундан келиб чиққан ҳолда атроф-мухитни соғломлаштириш унинг сифат ҳолати тұғрисида миқдорий санитар-гигиенік күрсаткычларни ишлаб чиқышни тақозо этади. Организм билан атроф-мухит ўртасидаги ўзаро алоқадорлыкни үрганиш соҳасидаги муҳим тамойил организмларнинг адаптация имкониятлари биологик месъерларини ҳисобга олишdir. Күриласттан жиҳатнинг эңг муҳим томони ахоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун атроф-мухит ўзгаришидаги келажак ҳолатни ижтимоий-гигиеник башорат қилишdir.

Техник-технологик жиҳати. Атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг бу жиҳати ишлаб чиқаришни ташкил этишда чиқиндисиз тамойиллиға қаратылғандыр. Яңғы технологик жарағыларни яратиш, улар асосида чиқиндисиз ишлаб чиқаришнинг вужудға келиши, нафақат юқори техник-иқтисодий күрсаткычларни, балки табиий ресурслардан мажмұалы фойдаланишин таъминлады. Технологияларни экологиялаштиришининг ҳақиқиي йүли – ишлаб чиқарищда аста-секин кам чиқытлы, кейин эса чиқиндисиз берік даврга үтишки, қайсики, табиатдан оқылона фойдаланиш ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш имкониятларини орттиради.

Тарбиявий жиҳати. Табиатнинг тарбиявий аҳамиятини баҳолаш қиін. Табиат билан алоқа кишини ювошликка, әз-гулиқка ва ахлоқлылыққа үндайды, яхши сифатларини ривожлантиради. Айниқса, болалар тарбиясида табиатнинг ўрни бес-қиёссеидір. Табиатта муҳаббат, уни авайлаш күнікмалари тирик мавжудотларға қайғуриш, меҳр-оқыбатлилық, ватанпарварлық каби эң яхши фазилатларни шақллантиради. Шунинг учун хам атроф табиий мухитни муҳофаза қилишнинг тарбиявий жиҳати катта аҳамиятта молидір.


Нафосат жиҳати. Инсон доимо табиат гүзәллігінде маҳлиәт бўлиб келган. У бетакрор төғ манзаралари, ажойиб шаршаралар, мафтункор ер ости форлари, мовий денгиз, шўх дарёлар, ажойиб хайвонот олами, чиройли дарахт, бута, гулу майсаларни кўриб, лол қолган ва уларни севган. Табиат қадимдан кишиларга илҳом баҳш этган. Инсон гүзәлликка чанқоқ. Табиатдаги ўша гүзәллик инсонда турли туйғулар уйғонишнега туртки, ижобий илҳомланиш ажойиб мусиқа асарлари ва шеърлар ёзилишига, гениал суратлар чизилишига асос бўлган.

Илмий-тажрибавий жиҳати. Кейинги даврда атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг фан учун аҳамияти тобора ортмоқда. Шу сабаб табиий мажмұалар ва улардаги барча организмларнинг ҳамма турини сақлаб қолиш зарурати муҳимдир. Табиат қанчалик бутун- яхлитлигича ва унинг табиий хилма-хиллиги сақланса, инсон томомнидан қилинадиган ўзgartиришлар

қонуниятларини аниқлаб олиш ва башоратлар қилиш ҳамда атроф табиий мухитни мұхофаза қилиш бүйічә амалий чоралар іштеб өзіншілдегін сипаттауда.

1.4. Атроф-мұхитни мұхофаза қилишнинг экология ва бошқа фанлар билан алоқаси ҳамда илмий асослари


«Атроф-мұхитни мұхофаза қилиш» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси турлича (4-чизма).



4-чизма. Атроф-мұхит муаммоларининг фанлараро характери (Р. Лапко бүйічә, 1979).

Табиат ва уни мұхофаза қилишга бұлған кенг зытибор түрли фан намоңдалары – олимларни атроф-мұхитни мұхофаза қилиш масалалары билан шуғулланишга жалб этди (5-чизма).

Атроф-мұхитни мұхофаза қилиш аввало үсімлік ва ҳайвонларни мұхофаза қилишдан бошланғанлығы туфайли күпроқ у билан «Биология» фаны шуғулланади ва ривожлантиради.



КИЛОМЕТР

5-чизма. Атроф-мухит омиллари ва уларни тадқикот қилиувчи фанлар

Тирик табиатни мұхофаза қылышнинг итмий асослары экология ва маҳсус биоценология матдүмнотларига таянади. Шунинг учун атроф-мухитни мұхофаза қылышнинг итмий тамойилларини ризоэкспансионда экология алохыда ўрин әгалтайтын. Атроф-мухитни мұхофаза қылыш құпинчы амалын экология сипатида қаралади.

«Атроф-мұхиттің мұхофаза қилиші» фанининг ўзига хос хусусияти табиат ва жамиятдаги түрлі ҳодисаларни тәдқиқ этишни қамраганлығы боле, күпілаб фанлардаги маълумотларни хуло-салаш ва очиш мажбuriятини юклайди. Бу хусусияти уни маж-муали фанга айлантируди.

Барча ижтимоий ва табиий фанлар маълумотлари ҳамда хуносалари ривожланишида мухим турткандир. «Астро-мұхиттің мұхофаза қылиш» «Биология» ва экологиядан ташқары «Астрономия», «География», «Геология», «Геотиббіст», «Физика», «Математика», «Химия», қиынлоқ хұжалик ва техник фанлар билан чамбарчас алоқада фаолият күрсатади.

Атроф-мухитини мухофаза қылыш тәдқиқотларыда XX аспаннинг 80-90- йилларидан боштаб социологлар, иқтисодчилар ва файласуфлар ҳам фаол қатниашылар. Атроф-мухитни мухофаза қылыш усуллари орасида бирдан бир мұхим табиатта заразлы болған инсон фаяниятиниң бошқаришининг хүкүккій асосларидір. Бу үз-үздін атроф-мухит мухофазаси масалаларыда хүкүкшүнослик файлары зиямасынан ҳам старлы масъулият юклейді.

Атроф-мухитин муҳофаза қилишининг илмий асослари табият ва жамиятда нарса ва ходисаларниң ўзаро алоқадорлигига ва ўзаро тобелиги түғрисидаги таълимотdir.

Табиат ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро тобеликка оид алоҳида далиллари жуда қадимдан тұтспанан, бирок

муаммони факат XIX асрдагина қатор табиатшунослар ишларидан илмий ёритишга эришилди. Г. Марш (1866) Беббеджанинг фикрини келтиради: табиатдаги энг кичик ўзгариш ҳам Коинотга таъсир этиши турган гап.

Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, хусусан, табиат ва жамият ўртасидаги, борлиқ - Олам мавжудлиги хусусиятини ташкил этади. И.П. Лантев (1975) алоқадорлик: физик, механик, кимёвий, биологик ва ижтимоий, шунингдек, вақт ва макон фазо орқали бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Физик алоқалар ўзаро тортилиш, ҳарорат таъсири, ўзаро электр алоқалари, нурланиш ва товуш тебранишлари орқали намоён бўлади.

Механик алоқаларга қўйидагилар киради: табиатда бир элементнинг бошқасига кўчирилиши (сув - , шамол - тупроқ заррачалари, музлик - тош), бирор жисмнинг бошқасига босими (юқоридаги тоғ жинслари - қўйидаги тоғ жинсларига, сув - унинг остидаги организмларга, ҳаво - организмлар ва сайёра юзасига), бирор жисмнинг бошқаси туфайли емирилиши (сув оқими - ўзан ва қирғоқ, қумли шамол - қоялар).


Кимёвий алоқалар жуда хилма-хил бўлиб, табиат элементларининг кимёвий ўзаро алоқадорлигига, кўпинча моддаларнинг маҳаллий ва сайёравий айланма харакатида намоён бўлади. Бунда организмлар ҳам фаол геокимёвий кучга айланади.

Биологик алоқалар организмлар учун характерлидир (турлар ичидаги ва турлар ўртасида). Бунга жонсиз табиат элементлари ҳам қўшилади (ўсимлик ва ҳайвонларнинг минерал озуқалар билан озиқланиши, ҳаво организмлар учун муҳит сифатида ва х.к.). Организмлар орқали сув ҳавзалари ва куруқлик, куруқликнинг бир қисми билан бошқа қисми, атмосфера билан литосфера ўртасида ўзаро таъсир рўй беради. Организмлар литосферанинг қатор элементларини ҳосил қўлмоқда (оҳак, бир қанча рудалар ва бошқалар).

«Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ни ўрганишда энг йирик алоқалар тизими жамият, жонсиз ва жонли табиатнинг ўзаро муносабати ҳисобланади (6-чизма).

Ҳар бир ўзаро муносабатдаги элементлар бошқалари билан боғланган.

Шундай қилиб, нафақат жамият табиатга таъсир кўрсатади, балки жонли ва жонсиз табиат ҳам жамиятга таъсир этади, баъзан кучли даражада, жамият тараққиётини секинлаштириши ёки теззатиши мумкин, қадимда давлатларни ҳалокатга мубтало қилгани ҳам маълум. Инсоният бешиги тақдири - табиат - бугун унинг ўз қўлидадир.



6-чиама. Табиат ва жаһиятиның ўзаро таъсирини умумлаشتырылған модели.

Табиатда алоқалар вақт ва маконда рүй беради.

Вақт (замон)даги алоқалар – табиатдаги жаһаёнларнинг юз бериши ёки түрли жисемларнинг вүјудга келиши бир вақтнинг ўзида қонунағытлы тоқса бўлиб, ҳодисаларнинг кетма-кетлиги билан аниқланаади. Кундан сўнг тун, туңдан сўнг кун келади. Барча тирик мавжудотлар ана шу ёруғлик ва қоронгулик вақтнига мослашаади.

Макон (фазо) орқали алоқалар жонли табиатда яққол кўринаади. Ҳар қандай тирик организм учун майдум макон талаб этилади. Бир турнинг бир-биридан узоклаштырилши уларнинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсири кўрсатади.

Ҳозирги даврда табиат элементлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва таъсирии ўрганиш нафакат миқдорли, балки сиғатли таҳлилни хам талаб этади. Табиатта инсон томонидан киритилган янги элемент (жисм, ҳодиса, жаһаён), бирданнiga мумкин бўлган алоқаларни ўрнага олмайди, шу туғайти уларнинг рӯбога чиқиши учун (бевосита ва воситали алоқалар) муайян, кўпичча анга вақт талаб этилади.

Инсоннинг табиии жаһаёнларга ишлаб чиқариш фаолияти орқали аралашуви уни айрим элементлари ўртасидаги алоқаларни яхшилашты имкон туғдириши мумкин. Масалан, туроқнинг ҳайдалиши ва аралаштирилиши уни атмосфера ҳавоси билан боғланыш ва ўзаро алоқларини яхшилайди.

Табиат ҳодисаларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро тобелиги тўғрисидаги таълимот атроф-мухитни муаммоли муҳофаза қилишининг илмий асоси ҳисобланыб, табиатдан фойдаланиши ва уни ўзгартириш бўйича барча тадбирларни пухта илмий асослашга ундаши билан аҳамиятлиdir.

Қисқача холосалар

Атроф-мухитни муҳофаза қилишда «табиат», «атроф-мухит», «табиий шароит», «табиий мажмуалар», «табиий ресурслар», «табиий кулайлик», «табиатдан фойдаланиш» каби тушунчалар маъносини билдиш лозим.

«Атроф-мухитни муҳофаза қилиш» фанининг тадқиқот объекти табиат билан жамият ўртасидаги таъсирнинг сабаб-оқибатларнинг боғлиқлиги ҳамда инсон фаолияти номақбул оқибатлари сабабларини бартараф этиш чораларини топишдири.

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш қатор тамойил ва қоидаларга таянмоғи лозим.

Атроф-мухит муҳофазасининг ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий, экологик-иқтисодий, ижтимоий-гигиеник, техник-технологик, тарбиявий, нафосат, илмий-тажрибавий жиҳатлари мавжуд.

«Атроф-мухитни муҳофаза қилиш» фани кўплаб фанлар билан ўзаро алоқада ривожланади.

Атроф-мухитни муҳофаза қилишининг илмий асослари табиат ва жамиятда нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги таълимот бўлиб, у табиатдан фойдаланиш, уни ўзгартиш ва муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқишида муҳим ўрин тутади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. «Атроф-мухит муҳофазаси» фанидаги асосий тушунчаларнинг мазмун, моҳиятини тушунтириб бера оласизми?
2. «Атроф-мухит муҳофазаси» фани нимани ўрганади?
3. Фанининг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Атроф-мухит муҳофазасида қандай тамойил ва қоидаларни билдиш лозим?
5. Атроф-мухит муҳофазасининг қандай жиҳатлари мавжуд?
6. «Атроф-мухит муҳофазаси» фани қайси фанлар билан алоқада бўлади?
7. Фанинг илмий асосларини ёритиб бера оласизми?

Асосий адабиётлар


1. Лантев И.П. Сельское хозяйство и охрана природы. – М.: Колос, 1982.
2. Миллер Т. Жизнь в окружающей среде. – М.: Панти, 1994.
3. Небел Б. Наука об окружающей среде. Как устроен Мир? / Пер.с анг. Т., 1-2. – М.: Мир, 1993.
4. Родзевич Н.Н., Пашканч К.В. Охрана и преобразование природы. –М.: Правещение, 1986.
5. Розанов Б.Г. Основы учения об окружающей среде. - М.: МГУ, 1984.

ИНСОНИЯТ ВА УНИНГ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЯШАШ МУХИТИ

2.1. Инсонинг ҳаёт мухити

«Атроф мухит», «яшаш мухити» тушунчалари экологик шароит жамламаси сифатида кўп қўлланилади. Бунда аввало инсониятнинг яшаш мухити англанади.

Н.Ф.Реймерс (1994) бўйича инсонни ўраб турган мухит тўртта ўзаро боғланган компонентлар – тизимчалардан иборат: а) табиий мухитнинг ўзи; б) вужудга келтирилган агротехник мухит – «иккинчи табиат»; в) сунъий мухит – «учинчи табиат» ва г) социал (ижтимоий) мухит (7-чизма).



7-чизма. Ижтимоий мухит, сунъий мухит («учинчи табиат»), ривожланиши мухити («иккинчи табиат»), инсонга қўлланиладиган биологик ва абиотик мухитлар туннучаси иисбати (Н.Ф.Реймерс бўйича, 1990).

Инсонни ўраб турган табиий мухит тоза табиий ёки табиий-антрапоген тизим омилларидан вужудга келгани бўлиб, онги ёки онгиз тарзда алоҳида инсонга ёки кишилар жамоасига таъсир этади. Бу омилларга қуйидагилар киради: мухитнинг энергетик ҳолати (иссилик ва тўлқин, магнит ва гравитацион майдон); атмосферанинг кимёвий ва динамик характеристи; сув компоненти (хавонинг намлиги, яшил юза, сувнинг кимёвий таркиби, унинг физикаси, қуруқликдаги жонзодлар таркибидаги ва ҳ.к.); ср юзасининг физик, кимёвий ва механик характеристи (геоморфологик тузилмалар – текислик, ўрмон-қирлик, тоғлик ва ҳ.к.); экологик тизимлар биологик қисмларининг қиёфаси ва таркиби (ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроблар) ва уларнинг ландшафт бирикмалари, шунингдек, ҳайдалмаган қишлоқ ҳўжалик ва ўрмон ҳўжалиги ерлари табиий экотизимлар билан бирга; компонентларининг кирим-чиқим даражаси ва турғуллиги, қайсики ишлим ва манзара шароитини вужудга келтиради ҳамда табиат ҳодисаларидағи маълум ритмийликни таъминлайди, жумладан, стихияли – вайроналик ва бошқа характеристидаги фалокатли бўлгандарни ҳам (ср қимираши, сув тошқинлари, ураган, табиий-манбали касалликлар ва ҳ.к.); ахоли зичлиги ва одамларнинг ўзларини биологик омил сифатидаги ўзаро таъсири.

Табиий мухит кишилар ўзлаштириши учун нокулай бўлгани жойлардагина ўз ҳолича сақланган. Қуруқлик юзасининг умумий майдони 48051840 km^2 бўлгани ҳолда шуни $1/3$ қисми инсон таъсирига учрамаган деса бўлади, жумладан, Антарктида 100% атрофида, шимолий Америкада 37,5%, Россия ва МДХ мамалакатларида 33,6%, Австралия ва Океанияда – 27,9%, Африкада – 27,5%, Жанубий Америкада – 20,8%, Осиёда – 13,6%, Европада – 2,8% қуруқлик. Бу асосан мутлақо совуқ, инсон ҳаёти учун нокулай бўлган худудлардир.

«Иккинчи табиат» мухити ёки квози-табиий мухит инсон томонидан сунъий ўзгартирилган, ўз-ўзини тиклаш тизими бўлмаган хусусиятлари билан характеристланади, яъни инсон томонидан таъсири этиб, бошқарив борилмаса аста-секин тузилмаси бузилиши муқаррар, булар: ҳайдаладиган ерлар, маданий ландшафтлар ва ҳ.к.; грунд йўллар; яшил хиёбонлар (хиёбонлар, ландшафтли боғлар, майсазорлар, ўрмон боғлар, боғлар).

Бу барча ўзгаришларнинг келиб чиқиши табиий бўлиб, табиий мухитнинг ўзгартирилган ҳолатидир.


«Учинчи табиат» ёки артетабиий мухит – барча сунъий дунё бўлиб, инсон томонидан бунёд этилган ва модда-энергия жиҳатидан табиатда эналогига эга эмас. Бунга ҳозирги шаҳарлардаги асфальт ва бетон, ҳаёт ва иш ўринларининг ички мако-

ни, хизмат күрсатыши соңасында транспорт ва корхоналар, техник жиһозлар, транспорт объектлари, мебель ва бошқа нарасалар, барча синтетик маҳсулотлар ва ҳақозолар киради.

Хозирги замон кишисини асосан атоф-мухит ўраб туради (8-чизма).

Инсонни ўраб турған муҳит

- 1- яшаш муҳити
- 2- ин мухити
- 3- рекреация муҳити



- табиат
- сұнъий муҳит
- бошқа кишилар

8-чизма. Атоф-мухит ва уннің инсонга таъсири.

Социал (ижтимоий) муҳит – шахс, ижтимоий гурұхдар ва жамикин инсоният учун онғли ва онғыз, атайш-билиб-бильмай бүнёд әтилған маданий-психологик муҳит.

Ижтимоий муҳит табиат, квазтабиий ва арттабиий муҳитлар билан мужассамлашған ҳолда инсонни ўраб түрүвчи муҳит ҳосил қылади. Күриб үтилған ҳар бир муҳит бир-бири билан үзаро боғланған ва ҳаёт муҳити сипатини, уннің объектив ва субъектив томонларини белгилайди.

2.2. Инсон эҳтиёжлари

Инсон эҳтиёжлари унинг биоижтимоий тузилмасидан келиб чиқади.

Инсон ва бутун инсоният тизимли тузилмадан иборат. Н.Ф. Реймерс (1994) қўйидагиларни таъкидлайди.

- инсон бир тур сифатида генетик ва фенотеник анномик-физиологик хусусиятлардаги адантация характеристига эга, қайсики бу унинг организмига табиий мухитнинг таъсир даражаси билан белгиланади, масалан, механик тарзда негрлар ва эскимосларнинг популяция сифатида «ўрнини алмаштириш» мумкин эмас;

- иқтисодий-хулқий жиҳатдан инсон кичик ва кичик бирлашмаларга хосдир. Оилада энг юқори иқтисодий даромад келтирувчи бошлиқни ажратиш осон. Психологик-руҳий жиҳатдан бошилиқ иқтисодийси билан мос келмаслиги мумкин.

- тарихий-эвалюцион жиҳатдан инсоннинг этник хусусиятлари шакллана боради (скандинавиялик этник жиҳатдан германиялик ёки британияликдан кескин фарқ қиласди, монголиялик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас);

- ижтимоий жамоалар бир-биридан фарқланади (зиёли, ишчи, дехқон);

- одамларнинг иқтисодий интилиши уларнинг қайси гурӯҳдан эканлигидан келиб чиқсан ҳолда турличадир (инсоннинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий тавсифи ҳар хил, иқтисодий таъминланганлиги ижтимоий статуси билан тўлиқ мос келмайди);

- бирон-бир антропотизим ташкилот бирлашмасининг иерархик мақсад даражаси, бошқа иерархик даражажа мақсадлари билан мос келмаслиги мумкин, шахсий ижтимоий эҳтиёжлар ва оила эҳтиёжлари, айниқса, йирик бирлашмалар билан.

Юқорида қайд этилган омилларга асосланиб олтита ўзаро чамбарчас боғланган тизимли инсон моделини яратиш мумкин (9-чизма).


Анатомик – физиологик тузилма энг қадимиyllиги аниқ, бу инсон эволюцияси давомида экологик – хулқий тавсиф билан тўлашборган. Кейинчалик (гоминид давридаёқ) меҳнат зарурати туфайли анатомик-физиологик ва экологик-хулқий тизимлар ўзгарди. Меҳнат шаклларининг турли-туманли ва унинг турли табиий обьектларда кечиши ирқларнинг шаклланиши билан бирга кечди, «инсон-табиат» ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимининг турли-чалиги этник гуруҳларни келтириб чиқарди. Бир вақтнинг ўзида бирламчи ижтимоий тузум ва механизmlар вужудга келди. Бутун мураккаб ижтимоий дунёда инсоннинг барча эҳтиёжларини қондириш механизми сифатида эҳтимол интилиши пайдо бўлган.



Ташкил этапы



Моддий энергетик



Нафосатли эҳтиёжлар



Ахборотли


9-чиизма. Олтита ўзаро чамбарчас боғланган тизимли инсон модели
(Н.Ф.Реймерс бўйича, 1994).

Инсон эҳтиёжлари муаммоларини ўрганиш етарли дара-жада кенг. Эҳтиёжларни асосли равишда элементар ёки асосли ва иккиламчиларга ажратилади. Элементарларни инсонга зарур, уларсиз шахс нобуд бўлиши мумкин бўлган нарса ва шароитлар киритилади (барча озиқ-овқатлар, кийим, уй-жой). Иккиламчиларга эҳтиёжларни қондириш учун зарур бошقا барча нарсалар киритилади. Л.А.Баранова (1984) томонидан шахсий эҳтиёжларнинг қўйидаги гурухлари ва турлари ажратилади:

- характери ва келиб чиқиш табиати бўйича: табиий, ижтимоий, интелектуал;
- ҳаёт фаолияти соҳаси бўйича: материал ва манавий;
- иқтисодий миқдор аниқлиги бўйича: мутлақ, ҳақиқий ва тўлов қобилияти;

- аниқлашиши даражаси бүйича: умумий ва аниқ;
- таъминланиш даражаси бүйича: таъминланган, таъминланмаган ва тұлғы таъминланмаган;
- зарурат даражаси бүйича: жуда зарур, зарурати кам, кераксиз;
- объектлари бүйича: материал бойлик, хизматлар ва манавий қимматлиқ;
- фаоллик даражаси бүйича: фаол ва паст;
- мақсадға мувофиқтігі бүйича: маңызул ва номаңызул;
- ҳақжонийлігі бүйича: ижтимоий-истиқболли ва ижтимоий истиқболсиз.

Күпчилик шахсий әхтиёжнинг юқори даражаси саломатлик билан чегараланади. Әхтиёжнинг қуи чегараси ҳам саломатникнинг ёмонлашуви ва шахснинг үлими билан белгиланаади. Н.Ф.Реймерс (1994) инсон әхтиёжларини бүлишининг қуидаги умумий схемасини тавсия этади (10-чизма).



10-чизма. Инсон әхтиёжларининг умумий чизмасы
(Н.Ф.Реймерс бүйича, 1994)

Киинилар ҳаёт фаравонлигини күтариши эхтиёжларни таъминлаш тизимида барча тизимчалар (подсистема)ни ва элементтер гурухини оптималлаштиришини тақозо этади.

Инсон ва табиат шерикчилеги ўргасидаги ўзаро муносабат ҳеч вақт булутсиз бўлмаган. Тирик табиатдаги мувозанат қонуниятининг бузилиши Ерда аҳоли сони кўпайиш билан боғлиқ. Тахминан XVIII аср бошлирагача одамзоднинг кўпайиши аста-секундлик билан рўй берган, ўргача 100 йил мобайинида кўпайиши 1 %ни ташкил этади. 1800 йилга келиб, аҳоли сони бир млрд.га стдан. Кейинги млрд бўлиши орадан 130 йилдан сўнг, яъни 1930 йилда рўй берди. Учинчи млрд эса 30 йилдан кейин (1960 й.), тўртинчиси-15 йилдан сўнг (1975 й.), бешинчиси – 12 йыл ўтиб (1987 й.), олтинчи млрд.га ҳам 12 йилда (1999 й.) эришиштди. 1969 йилда дунё аҳолиси йилига 2 %га кўпайди, ўсии 70 млн. кишига стди, бу дағица мобайинида 150 кишига кўпайиш, демакдир. 1989 йилда ўсиш йилига 1,8 %, йиллик кўпайиш кўрсаткаичи 90 млн. нафарни ташкил этди. (дақиқасига 179 киши). 1992 йили дунё аҳолиси сони 5,6 млрд бўлган бўлса, 2000 йилда 6,0 млрд кишидан ортди. Аҳоли сонининг ортиб бориш тенденцияси барча кўринишлар бўйича XXI-XXII асрларда ҳам сақланади. Турли баҳолашлар бўйича 2025 йилда Ерда 7,6 дан 9,4 млрд гача аҳоли яшаши мумкин.

Биринчи йигирмatalик таркибиغا кирувчи мамлакатларда аҳоли сонининг 2050 йилгача бўлган башпорати қўйидаги жадвалда берилган:

I-жадвал

Биринчи йигирмatalик таркибиغا кирувчи мамлакатларда аҳоли сонининг 1998 йилги ҳолати ва 2050 йилгача башпорати

Ўрни	1998 йил		2050 йил	
	Мамлакатлар	Аҳоли, мли. нафар	Мамлакатлар	Аҳоли, млн. киши
1.	ХХР	1255	Ҳиндистон	1533
2.	Ҳиндистон	976	ХХР	1517
3.	АҚШ	274	Покистон	357
4.	Индонезия	207	АҚШ	348
5.	Бразилия	165	Индонезия	339
6.	Россия	148	Бразилия	318
7.	Покистон	147	Бангладеш	243
8.	Япония	126	Эфиопия	218
9.	Бангладеш	124	Эрон	213
10.	Нигерия	122	Конго	170
11.	Мексика	96	Мексика	165
12.	Германия	82	Филиппин	154
13.	Въетнам	78	Въетнам	131
14.	Эрон	73	Миср	130
15.	Филиппин	72	Россия	115
16.	Миср	66	Япония	114
17.	Туркия	64	Туркия	110
18.	Тигзанд	62	ЖАР	98
19.	Франция	60	Танзания	91
20.	Эфиопия	59		89

С.П. Капица (1998) томонидан яратилган қуйидаги формула ёрдамида Ер шари аҳолисининг юз йил ва ҳатто қўп минг йиллар мобайнидаги сонини ҳисоблаб чиқиш мумкин:


$$N = \frac{C}{T_1 - T} = \frac{200 \cdot 10^9}{2025 - T}$$

Бу ерда: С – давр (боскич), маълум вақтдаги (Т) дунё аҳолиси (N).

Т.Мальтус (1766-1834 йил) биринчи бўлиб аҳолининг ўсиши билан бирга кишлоқ хўжалик срлари, озиқ-овқат ва бошқаларда стишмовчилик рўй беради, деган фикрни билдирган. Бу фикр ҳозирда тасдигини топмоқда.

ХХ аср мобайнида 20 % атрофида маҳсулдор тупроқлар йўқотилди. 1950 йилдан 2000 йилгача ғалла майдонлари аҳоли жон бошига 0,23 га.дан 0,12 га.гача қисқарди.


Марказий Африка ва Фарбий Европа аҳолиси ўртасида ресурслар истеъмолида номутаносиблик яқъол сезилмоқда.



ХХ аср охири XXI аср бошида дунё бўйича йилига 841 млн. киши тўйиб овқатланмайди, 35 минг киши очдан ўлади, 1,2 млрд одам ичимлик сувидан маҳрум, 2 млрд киши электрдан фойдаланмайди, 1,6 млрд киши саводсиз.

Қашшоқ аҳолининг тарқалиш географияси (кунгга 1 АҚШ долларидан камга яшовчилар; 2000 й. – 1,2 млрд киши)

Аҳоли сони ўсишининг оқибатлари турли-туман (чиズма). Шуни қайд этиш лозимки, аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ жараёнлар амалда ҳаёт соҳасининг барчасини қамраб олиши муқаррар.




Alxoxin contains **ryandamycin mytaxolic acid** and **frinipina** abbreviations:

2.3. Ижтимоий модда алмашуви

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсир одам найдо бўлиши жараёни билан боғлиқ тарзда, энг аввало, моддаларнинг биологик алмашинувига асосланган. Тарихий даврлар мобайнида бу алмашинув ижтимоий алмашина борди.

Шунга боғлиқ тарзда кўрилаётган тизим ўзаро алоқадорлигининг характеристири ҳам ўзгара борди.


Н.М. Мамедов, И.Т.Суравегина (1996)лар фикрича, социоэкотизим (ижтимоий экотизим) хусусияти уни ташкил этган гео-, эко- ва социотизимларнинг ўзаро таъсир ва боғлиқлиги билан белгиланади. Бу билан социотизимлар мутлақ тобеслик ва бир хил аҳамиятли ҳисобланмайди. Шунингдек, социотизимлар эко- ва геотизимларсиз, экотизимлар эса геотизимларсиз мавжуд бўла олмайди. Гео- ва биосфера жамиятга нисбатан ташки мухит вазифасини бажаради. Экологик ёндашув тамойилларидан келиб чиқкан ҳолда жамият бу ўринда гео- ва биосфера – ташки (табиий) мухитнинг марказий тизими сифатида тасвирланади. (11-чизма).



11-чизма. Социоэкотизимлар элементларининг ўзаро таъсири
(Н.М.Маметов, И.Т.Суравегина бўйича, 1996).

Меҳнат жараёни ва меҳнат муносабатларининг пайдо бўлиши билан туғилаётган жамиятнинг ўзаро таъсир характеристи тезда ўзгарди. Кишилардаги талабга таъсир этиш жамоатчилик ташкилотлари ва кишилар томонидан яратилган номақбул омиqlардан

химияланиши воситалари, масалан, кийим-бөш, уй-жой, йицтүкчилар билдиң курашында ҳакозолар орқали амалга оширила бошланди. Кипиларниң табиат ривожига таъсири маҳаллий характерга эга бўлиб, кучсиз бўлган (14-чизма). Жамиат муносабатларининг муроккаблашуви, рухий ва меҳнат фаолиятиниң тезкор ривожланиши табиатнинг кипилар ва жамиятта бевосита таъсирини секинлатди, бироқ жамиятнинг табиатта таъсири бекиёс тарзда оғзиши улар ўргасидаги модда ва энергия алмашинувини зўрайтириди.



Шартли белгилар:

- | | | | | | |
|------|-----------|-----|-------------------|-----|------------|
| (A) | Атмосфера | (O) | Одам | (Y) | Ўсимликлар |
| (C) | Сув | (X) | Ҳайвонлар | (И) | Иқлим |
| (T) | Тупроқ | (М) | Микро
организм | | |
| (T*) | Тоғ жинси | | | | |

- ←..... - кучсиз таъсир
- ←— — - кучли таъсир
- ←— — - кучли таъсир

12-чизма. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришининг турли босқичларида инсонниң табиатта таъсири

I авлоддан фойдаланишгача бўлган давр; II авлоддан фойдаланиш бошланган давр, бирламчи меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши ва такомиллашиши (эрамизгача бўлган 100-10 минг йил); III дехқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш даври (эрамизгача 10 минг йил – XIV аср); IV хунармандчиликнинг ривожланиш даври, мануфактуранинг вужудга келиши ва ривожланиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг кенгайиши (XV-XVIII асрлар); V машина индустриаси даври; хўжалик турли тармоқларининг ривожланиши (XIX аср – XX асрнинг 1-ярми); VI илмий техник инқилоб даври (XX асрнинг 2-ярми).

И.П. Лаптев бўйича (1975) жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсири натижасида, моддаларнинг ижтимоий алмашинувини таъминлаш учун қатор маҳсус тизимларни яратган: забт этувчи, қайта ишловчи, ажратувчи ва ташувчи, қайсики жамиятнинг барча тузумларида ҳам ўз хусусиятини сақлаб келмоқда.

Забт этувчи тизим тоғ-кон корхоналарини, тирик табиат маҳсулотларини терувчи ва ов қилувчи корхона ҳамда ташкилотларни, хаво ва сувни тутувчи курилмалар, қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз ичига олади. Улар модда ва энергияни машина ва қуроллар ёрдамида ҳамда элитиб қўювчи ташкилотлар орқали забт этади. Забт этувчи тизим табиатдан модда ва энергияни олиб ташишга қулай ҳолатга келтиради.

Қайта ишловчи тизим барча қайта ишловчи ва кимё саноати турларини, хаво ва сувдан фойдаланишдан олдин тозаловчи корхона ва курилмаларни ўз ичига олади. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси – забт этилган модда ва энергиядан жамиятнинг фойдаланиши учун имкон яратишdir.

Ажратувчи тизим турли шамоллаштирувчи ва канализация қурилмалари, тозаловчи иншоатлар, маҳсус хўжалик, чинқинди ва бошқа элементларни ўзида мужассамлаштиради. Бу тизимнинг асосий белгиси – жамият ва муҳитга ҳамда унинг ҳаётига ўзлаштирилмаган модда ва энергияларнинг заарли таъсирини бартараф этиш. Истиқболда у қайта ишловчи тизим билан ягона мајкумга ҳосил қилиши мумкин.

Ташувчи тизим барча транспорт, хусусан сув, қувур транспорти, конвер каби моддаларни забт этилган жойидан қайта ишлаш ва ўзлаштирили жойига етказишини бирлаштиради. Ташини мобайнида йўқотилишининг қисқариши ва етказишининг тезлашиши ташувчи тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Моддаларнинг ижтимоий алмашинуви тизимини таҳлил қилган вақтда ресурслар миграцияси (атмосфера, сув, кўчириб юрувчи организмлар) ва ҳаракатдаги ресурслар туғайли жами-

йт учун кераксиз бўлган модда ва энергиянинг келиши мумкинигини ҳисобга олиш лозим.

Табиат билан жамият ўртасидаги моддалар алмашинуви жадаллиги модда ва энергиянинг миқдори маълум худуд учун бир кинига бир йилда йўқотилиши орқали намоён бўлиши мумкин.

Моддаларнинг ижтимоий аралишуви бир қанча турларга ажратилади: муҳтор (мустақил), таъминловчи, зарурий ва қайта ишловчи.

Моддалар алмашинувининг муҳтор тури ўта қадимий бўлиб, ташишсиз амалга оширилган. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан модда алмашинувининг таъминловчи, зарурий ва қайта ишловчи турлари вужудга келди.

Таъминловчи тур модда ва энергиянинг жадал забт этилиши, унинг асосий миқдорини жамиятнинг бошқа бўлақлари учун ўзлаштиришга ташиши билан боғлиқдир; зарурийси – модда ва энергияни табиатдан забт этишининг чегараланганилиги, бироқ асосий миқдорни жамиятнинг бошқа қисмидан йўналтирилганлигинидир; қайта ишловчи тур табиатдан модда ва энергиянинг муҳим тарзда забт этилиши, бошқа қисмларда катта миқдордаги узлуксиз оқими, бошқа қисмлардан келтирилган модда ва энергиянинг қайта ишланиши ва ташилиши билан боғлиқ.

Моддаларнинг ижтимоий алмашинуви тури алмашинув жараёснининг жадаллиги билан ҳам фарқланади. Паст жадаллик муҳторликка хос, юқориси – зарурийсига, энг юқориси – модда алмашинувининг қайта ишловчи турига тааллуқлидир.

Қисқача холоса

Инсоннинг яшаш мұхити ўзаро боғланған тизимлардан иборат. Бу мұхит қатор табиий ва табиий-антропоген омыллардан вужудың көлгөндегі орындарынан созылады.

Инсон эхтиёжлари унинг биоижтимоий түзилмасидан кесиб чықады. Бутун инсоният тизимли түзилмадан иборат. Инсон эхтиёжлари элементар ёки асослықта иккиламчиларга ажратылады.

Табиатдаги мувозанатнинг бузилиши күп ҳолларда Ерда ахоли сонининг ўсиши билан бөлгөлөнген. Шунингдек, қуруқликнинг айрым минтақаларыда ахоли ўртасида ресурслар истемелінде номутаносиблиқ ортмоқда. Ҳозирда Ер шары ахолисининг 1/3 қисмининг ҳаёт тарзи жуда паст.

Ахоли сонининг ўсиши түрли номақбул оқибатларни келтириб чықармоқда. Хусусан, табиатда модда ва энергия алмашинувини бузмоқда.

Моддаларнинг ижтимоий алмашинувини таъминловчи қатор тизимлар мавжуд. Улар ўзининг құрнашының жадаллығы билан фарқланады.

Назорат ва муҳокама үтүн саволлар

1. Инсоннинг ҳаёт мұхитиниң қандай түшунасиз?
2. Инсон ҳаёт мұхити омылларига нималар киради?
3. Инсон эхтиёжларининг мазмун-моҳияти нимада?
4. Инсон шахсий эхтиёжларининг қандай түрларини биласиз?
5. Ахоли сонининг ўсиши нималарда акс этади?
6. Ижтимоий модда алмашинуви нима?

Адабиёттар றүйхаты

1. Красилов В.А. Охрана природы: принципы, проблемы, приоритеты. М., 1992.
2. Лаптев И.П. Теоретические основы охраны природы. – Томск: ТомГУ, 1975.
3. Никитин Д.П. и др. Научно-технический прогресс, природа и человек. М.: Наука, 1997.
4. Реймерс Н.Ф. Экология (теории, законы, правила, принципы и гипотезы). М.: Россия молодая, 1994.
5. Ревель П., Ревель У. Среда нашего обитания. В 4-х книгах. Кн. 1. Народонаселение и пищевые ресурсы. М.: Мир, 1994.

ТАБИАТГА АНТРОПОГЕН ТАЪСИР

3.1. Моддаларнинг айланма харакати ва энергия оқимига антропоген таъсир

Сўнгти аср мобайнида иккита муҳим силжиш рўй берди. Биринчиси, ср ахолисининг сони кескин кўпайди. Иккинчидан, саноат ишлаб чиқариши, энергия ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш янада тез суръатда ўеди. Натижада, инсон фаолияти билан боғлиқ модда ва энергия оқими барча биоген айланма харакатда сезиларли мавқега эга бўлиб, инсоният биосферанинг фаолиятига сезиларли таъсир кўрсата бошлади.

Бир одамга тош асрда энергия сарфи 4 минг (ккал/сутка) атрофида бўлган бўлса, агарар жамиятда бу – 12 минг, саноат босқичида – 70 минг, ривожланган мамлакатларда XX аср охири XXI аср бошларида – 230-250 минг ккал/суткани ташкил этди, бу қадимги аждодларимизнидан 58-62 марта кўп, демакдир.

Аҳоли сонининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаринини кенгайтиришни тақозо этади.

Саноат цивилизацияси учун техник тизимлар ва технологик жараёнларнинг шиддатли ўсиши ва глобал тарқалиши характерли бўлиб, жамият ҳаёт соҳаларининг барчасини ўзгартиromoқда.

Хозирги технологик тизимлар миллий чегаралардан ташқарига чиқди ва инсон саломатлиги учун, Ер биосфераси учун хатарга айланиб бўлди. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишида техногенез ва техносфера каби тушунчаларни кўллаш кенгтус олди.

Техногенез – табиатдаги ва инсонни ўраб турган муҳитда ўзаришга олиб келувчи моддий маданият ва техниканинг ривожланиш жараёнидир.

Техносфера – бутун ландшафт қобифи, ср қобифи коинотгача қамраб олинган инсоннинг техник фаолияти таъсиридаги макон. Техносфера «сунъий» характердаги қобик, «технос» – сунъий дегани бўлиб, «техногенез» билан мантиқан боғланган.

Техносферанинг ўсиш тезлиги ва миқёси тўғрисида аниқ тушунчани 2-жадвал орқали кўриш мумкин.

ХХ асрда техносферанинг ўсиши
 (Т.А. Алимова, А.П. Кузьмин, В.В. Хаскин бўйича, 2001)


Кўрсаткич	Аср боини	Аср охирни
Ялни маҳсулот, млрд доллар йиллига	60	25000
Техносферанинг энергетик салоҳияти, Твт	1	14
Аҳоди сони, млрд кини чучук сув зарурияти, км ³ /йил	1,6	6
Чучук сув зарурияти, км ³ /йил	360	5000
Биотопининг бирламчи маҳсулоти зарурияти, %	1	40
Урмои билан контактга ҳудудлар, млн.км ²	57,5	50
Чўл майдонининг ортини, млн.км ²	—	1,7
Турлар сонининг қисқарини, %	—	20
Куруқлик майдонининг техносфера билан банд қисми	20	60

Мутахассислар маълумотича, сайёра юзасида инсон томонидан йиллига тўрт триллион тонна моддалар бир жойдан бошқа жойга кўзғатилади.

XIX аср охирни XX аср бошига келиб Ердаги барча аҳоли учун кунига 2 млн. тонна атрофида озиқ-овқат, 10 млн. м³ ичимлик сув, нафас олиш учун 2 млрд м³ кислород талаб этилмоқда.


Инсон учун зарур барча табиий ресурсларнинг 70% дан ортиги қазилма бойликларга тўғри келади. Бироқ табиий ресурсларнинг ушбу турини туташни назарда тутилса, кам чиқимли технологияга ўтиш, чиқиндилиарни заарсизлантириш ва улардан қайта фойдаланиш иқтисодий-экологик жиҳатдан самаралидир.

Инсон хўжалик тармоқларининг барчасида кун мобайнида деярли 300 млн. тонна материал ва моддалар қазиб олиниади, 30 млн тонна атрофида ёқилғи ёқилади, 2 млрд м³ сув ва 65 млрд м³ кислород ишлатилади. Буларнинг барчаси табиий ресурслар сарфланиши ва атроф-муҳит ифлосланишига олиб келади. Инсоннинг чучук сувга бўлган талаби 2% га нам алмашинувига стди. Антропоген газ алмашинуви атмосферадаги биотик газ алмашинувининг 15-18%ини ташкил этмоқда, инсоннинг Ер биомассасидан фойдаланиш даражаси ҳам 10% дан ортди. Натижада инсоннинг биосферага аралашув турлари ва оқибатлари ўзига хос тарзда ривожланди (13-чизма).



13-чизма. Инсоннинг биосфераға аралашув турлари
(Н.М.Мамедов, И.Т.Суравечина бүйінча, 1996).

Хозирги босқычда ресурсларни тиқлаш, зарарсызлантириш, ularни қазиб чиқариш, ишлатыш мұхит ифлосланишидан анча орқада қолмоқда (14-чизма).



14-чизма. Моддаларнинг техноген айланма ҳаракати

Бунда: X - бирламчи хомашё; Т – атроф мухитга тарқалиши; Ч – чиқиндилар; ИМР – иккиламчи моддий ресурслар; ИХ – иккиламчи хом-ашё; ЗР – зарарсизлантирилмаган чиқиндилар.


Моддаларнинг биологик айланма ҳаракатига антропоген таъсирни тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида ҳам яққол қузатиш мумкин. Бундан ташқари сув, кислород, углерод, азот фосфор, олтингутуртнинг айланма ҳаракатларида ҳам антропоген таъсир ўрни сезиларлиди.

3.2. Антропоген таъсир турлари

Табиий ресурслардан фойдаланишининг жадаллашуви атроф-мухит ҳолати билан узвий боғланган бўлиб, унга ҳозирги босқичда икки гуруҳ омиллар таъсир этади. Биринчи, илмий техник инқилоб (ИТИ), иккинчи, демографик омиллар (аҳоли сони ўсиши, урбанизация). Иккала гуруҳ омиллари бир-бири

билин ўзаро боғданган. Бир томондан, ИТИ ютуқлари нисон томонидан ишлаб чиқариш фаолиятига татбик этилса, иккинчи томондан, ИТИ ютуқлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ўсиши ҳамда ўлимнинг камайинши орқали сони ўсишига таъсир этади.

Жамият атроф-мухит тизимидағи ўзаро алоқадор бўлган асосий омиллар, қуйидаги чизмада берилган (15-чизма):



15-чизма. «Жамият – атроф-мухит» тизимидағи ўзаро таъсирдаги асосий омиллар (В.Ф. Протасов, А.В. Молчанов бўйича, 1995).

Ижтимоий-иктисодий кичик тизимда ИТИнинг ишлаб чиқариш кучларини худудий жойлаштириш ва ривожлантириш таҳлил қилинади. Табиий ресурс кичик тизимида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига табиий ресурслар ҳар хил турларининг сифат ва майдор жиҳатдан йўқотилиши таъсири белгиланади.

Биосферага антроноген таъсири турлари таснифи 16-чизмада берилган:



16-чизма. Биосферага мақсадди антроноген таъсирлар таснифи.

Экосфера ва инсоннинг яшаш мухитига антропоген таъсирлар Т.А Акимова, В.В Хаскин (1994) томонидан қўйидаги мезонлар бўйича ажратилади:

Антропоген таъсир жараёнларининг умумий характеристи, инсон фаолияти шаклига караб: 1) ландшафтларининг ўзгариши ва табиий мажмуаларнинг бир бутунилиги; 2) табиий ресурсларнинг йўқолини; 3) атроф-мухитининг ифлосланини.

Моддий-энергетик табиат таъсири: механик, физик (исиқлиқ, электромагнит, радиация, товуш), физик биологик, омиллар ва бошқа бажарувчилар бирлашмаси.

Таъсир объектлари мезонлари: табиий ландшафт мажмуалари, сренинг юза қисми, тупроқ, қазилма бойлик, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, атмосферадаги сувлар, яшаш жойининг микромухити ва микроклими, кишилар ва бошқалар.

Таъсирининг микдорий тавсифи: макон микёсида (глобал, минтақавий, маҳаллий), ягона ва кўп, таъсир кучи ва хатарлилик даражаси (омиллар ва самаралар жадаллиги «микдор-самара» тури тавсифи, поғоналилиги, экологик ва санитар-гигиеник мезонлар месъёрига мослиги, хатарлилик даражаси ва х.к.).

Таъсирининг келтириб чиқарадиган ўзгаришлардаги даврий босқичлари ва тафовутлардаги характеристи бўйича: қисқа ва узоқ муддатли, матонатли ва матонатсан, тўғридан-тўғри ва кетма-кет, самара чизигининг очиқ ва ёниқлиги, занжир реакциясини келтириб чиқариш, қайталанувчи ва қайталанмас ва бошқалар.

Охиригиндан келиб чиққан ҳолда барча антропоген ўзгаришларни мақсадли ва мақсадсиз, алоқадор, иккинчи даражалиларга бўлиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Антропоген таъсирининг баъзи турлари

Турлари	Жараён, ходиса	Шарқ тавсифи (оқибатга)
Бевосита	Дарахтларни кесиш	
Бисвоюта		Эрозия, ер ости сувлари, гидролик режимда ёнгарини, сел ва х.к.
Онгли	Кесилиган ўрмонни қонловчи янги ўрмонзорлар бўниёт этиши	
Онгиз		Табиат қучогига, дам олишига чиққандада ўт-ұланларни танталаш, атроф мухитини ифлослаш ва б.
Ижобий	Ерларни ўзлантириш, воҳалар бўниёт этиши	
Салбий		Ерларнинг шўрланиши, ботқоқланиши, эрозия, ва б.

Табиатта антропоген таъсири нинг барча турларини шартли деб билмоқ лозим. Чунки ижобий таъсир, ҳар қандай маънода кичик бўлсада, салбий оқибатларга сабаб бўлади. Сабаб-оқибатлар қонунидан келиб чиқилса, оқибат ҳам бирор нарса ва жарайига сабаб бўлиши муқаррар.

Таниқли эколог Б Коммонер (1974) табиатта антропоген таъсири нинг бешта турини ажратади:

- экотизимларнинг соддалашуви ва биологик даврлардаги узилиш;
- тарқоқ энергиянинг иссиқлик ифлосланиш тарзида тўпланиши;
- кимс ё ишлаб чиқаришдан чиқувчи заҳарли чиқиндилар миқдорини ортиши;
- экотизимларга янги турларнинг киритилиши;
- ўсимлик ва ҳайвонлар организмида генетик ўзгаришларнинг содир бўлиши.

3.3. Экологик инқирозлар ва экологик инқилоб

Табиатдан нооқилона фойдаланиш экологик инқирозлар ва экологик фожиаларнинг бош сабабчиси ҳисобланади. Экологик инқироз – табиий мажмуалар ҳолатидаги мутаносиблигининг қайта ўзгаришидир. У нафақат инсоннинг табиатта таъсири кучайганлиги билан, балки инсон томонидан кучли ўзгарилилган табиатнинг жамият тараққистига таъсири билан ҳам характерланади. Экологик инқирознинг вужудга келишини кўпинча «bumerang самараси» деб бежиз айтилмайди. Қатор экологик инқирозлар маълум; хусусан, ҳозирги инқироз глобал ифлосланиш билан боғлиқ тарзда, ИТИнинг юқори босқичи билан ҳамоҳангдир. Экологик инқироз мобайнида инсон фаол ҳараратдаги томонда бўлади. Цивилизация тарихи гувоҳлиги шундан далолат берадики, экологик инқироз жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларда инқилобий ўзгариш ясайди.

Экологик инқилоб-«инсон ва биосфера» тизимидағи инқироз ҳолатида инсон томонидан бўладиган реакциядир. У хўжаликнинг барча томонларини қамраб олади ва кишиларни табиатта ҳамда ундан фойдаланишга бўлган қарашлари ўзгаришига олиб келади.

Инсоният тарихида экологик инқироз ва инқилоблар қўйидагиларга ажратилади:

1. Тирик мавжудотлар яшаш муҳитининг ўзгариши, яъни тўғри ривожланиш, юрувчи-антрапогенлар-одамнинг қадимги аждодлари вужудга келиши.

2. Ов ва териб олинадиган ресурслар энг қадимги одамнинг нисбатан бирлашувидаги инқироз.

3. Биринчи антрапоген экологик инқироз- йирик ҳайвонларнинг («консументлар инқирози») ёппасига қирилиши (овланиши) ва у билан боғлиқ қишлоқ хўжалик экологик инқилоби.

4. Тупроқларнинг шўрланиши ва ибтидоий суформа срларнинг деградацияси.

5. Ўсимлик ресурсларининг ёппасига йўқотилиниши ва стиши маслиги экологик инқироз ёки «продуцентлар инқирози».

6. Ҳозирги замон йўл қўйиб бўлмайдиган таҳликали глобал ифлосланиш инқирози. Бу инқироз «редуцентлар инқирози» бўлиб, ИТИнинг юқори босқичига мос келади.

«Редуцентлар инқирози» билан деярли бир вақтнинг ўзида иккита бошқа экологик босим пайдо бўлади: а) термо-динатика (иссиқлик) ва б) экотизимларнинг мустаҳкамлиги иасайди. Улар тропосферанинг қўйи қисмида энергия ишлаб чиқаришнинг экологик чегараланганилиги ва табиий-экологик мутаносибликнинг бузилиши билан боғлиқ. Ушбу экологик инқирозлар яқин келажакда энергетика ва экологик инқилобнинг экологик-режалаштириш асосида очилиши мумкин.

Қисқача холоса

Ер шари аҳолиси сонининг ўсиши ҳамда энергия ва моддий исьматлар ишлаб чиқаришининг ривожланганлиги туфайли модда ва энергия ҳаракати ўзгарди.

Табиатга антропоген таъсир турлари турли-тумандир. Антропоген таъсир бевосита ва билвосита, ижобий ва салбий, мақсадли ва мақсадсиз ҳамда бошқа жиҳатларига қараб ҳам тавсифланади.

Табиатдан ноокилона фойдаланиш пировард натижада экологик инқироз ва экологик фожияга олиб келиши мумкин.

Хозирги даврда табиий ва техник фожиаларнинг такрор содир бўлиши кузатилмоқда. Бу фожиалар мазмун ва моҳият жиҳатдан фарқлансада, кишилар ўлимига, иқтисодий ривожлашига сезиларли таъсир этмоқда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Табиатда модда ва энергиянинг айланма ҳаракатини биласизми?
2. Модда ва энергиянинг айланма ҳаракатига антропоген таъсир нималарда намоён бўлмоқда?
3. Антропоген таъсирининг қандай турларини биласиз?
4. Экологик инқироз ва экологик инқилоб нима?
5. Табиий фожиаларга нималар киради?
6. Техноген фожиаларнинг сабабларини айтиб бера оласизми?

Асосий адабиётлар

1. Акимов Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития. – М.: Российская экономическая академия, 1994.
2. Акимов Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. Экология: природа-человек-техника. - М.: ЮНИТИ – Дана, 2001.
3. Барлыбаев Х.А. Путь человечества: самоуничтожение или устойчивое развитие. - М.: Изд. Гос думы, 2001.
4. Протасов В.Ф., Молчанов А.В. Экология, здоровье и природопользование в России. – М.: Финансы и статистика, 1995.
5. Ревель П., Ревель Ч. Среда нашего обитания. В 4-х книгах. Кн.4. Здоровье и среда, в которой мы живем. - М.: Мир, 1995.

IV боб


АТРОФ-МУХИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ

4.1. Атроф-мухитнинг ифлосланиши ва унинг турлари

Ифлосланиш дейилганда атроф табиий муҳиттга иносон саломатлиги, ҳайвонлар, ўсимликлар ва экотизимлар учун заарлар бўлган ҳар қандай қаттиқ, суюқ ва газсимон моддаларнинг, микроорганизмлар ва энергиянинг (товуш, шовкин, нурланиш тарзида) миқдор жиҳатидан қўшилиши тушунилади.

Бу туңуғчага янада кенгроқ таъриф таникли француз олимни Ф.Рамад (1981) томонидан берилган: «ифлосланиш атроф-мухитнинг иккакаси»дир. Келаеттан энергиянинг таъсими танишини, радиация даражасини, атроф-мухитнинг физик-кимёвий хусусиятларини ва тирик мавжудотларининг япиаш шароитларини бевосита ва бильосита ўзгариши ради. Бу ўзгаришлар инсонга тўғридан-тўғри ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, сув ёки бошқа биологик маҳсулот (модда) лар орқали таъсири этиши мумкин.

Кўпичча фокиали сабаблар туғайти келиб чиқувчи табиий ифлосланиш ҳам мавжуд (масалан, вулканларнинг отишлари), антропоген ифлосланиш эса инсон фаолияти иккакасида содир бўлади (19-чиизма).



Антрапоген ифлосланиш моддий (чанг, газ, курумлар ва ҳ.к.) ва физик ёки энергетик (иссиқлик энергияси, электр ва электромагнит майдон, шовқин, вибрация (тебраниш) ва бошқалар) турларга ажратилади.

Моддий ифлосланиш қуйидагиларга бўлиниди: механик, кимёвий ва биологик. Механик ифлосланишга атмосфера хавоси таркибидаги чанг ва аэрозоллар, сув ва тупроқдаги қаттиқ заррачалар киради. Кимёвий (ингредиент) ифлосланиш атмосфера ва гидросферага тушган турли газсизон, суюқ ва қаттиқ кимёвий бирикма ва элементлар ҳисобига рўй беради.

Биологик ифлослантирувчилар – инсонга зарар келтирувчи барча организмлар тури - қўзиқоринлар, бактериялар, яшил сув ўтлари ва бошқалар туфайли содир бўлади.

Атроф-мухит ифлосланишининг оқибатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Атроф-мухит сифатининг ёмонлашуви;

2. Инсон томонидан хомашё ва материалларни қазиб олиш ва тайёрлаш чоғида модда, энергия, меҳнат ва бошқа воситаларнинг номақбули тарзда йўқотилиши натижасида қайта ишлатиб бўлмайдиган чиқиндилар кўпайиши ва биосферага тарқалиши;

3. Нафақат алоҳида экотизимларни қайта тиклаб бўлмас даражада, балки биосферанинг, шу жумладан, таъсир туфайли атроф-мухитнинг глобал физик-кимёвий жиҳатларида бузилиши рўй беради;

4. Махсулдор, унумдор срларнинг йўқотилиши, экологик тизимлар ва бутун биосфера маҳсулдорлигининг камайиши;

5. Жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи – инсоннинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ҳолати бевосита ёки билвосита ёмонлашуви.

Антрапоген ифлосланишининг алоҳида турларига:

1) мухитнинг хавфли чиқиндилар билан ифлосланиши;

2) шовқин таъсири;

3) биологик ифлосланиш;

4) электромагнит майдон ва нурланиш кабиларни киритиш мумкин.

4.2. Атроф-мухитни ифлословчи асосий манбалар

Атроф-мухитнинг ишлаб чиқариш ва майший чиқиндилар билан ифлосланиши. Ҳозирги вақтда энг ўткир экологик муаммо атроф табиий мухитнинг ишлаб чиқариш ва майший чиқиндилар билан, биринчи навбатда, хавфли чиқиндилар билан ифлосланишидир. Тўпланиб бораётган чиқиндилар атмосфера

ҳавоси, ер ости ва ер усти сувлари, тунроқ ва ўсимликларни ифлословчи асосий манбалар ҳисобланади. Барча чиқиндилаар миший ва саноат (ишлаб чиқариш) турларига ажратилади. Мииший чиқиндилаар қаттиқ, суюқ, баъзан газсимон ҳолатда бўлади. Қаттиқ мииший чиқиндилаар - қаттиқ моддалар йиғинди-сидан (пластмаса, қофоз, ойна, чарм ва бошқалар) ва озиқ-овқат чиқиндиларидан ташкил топади. Суюқ мииший чиқиндилаар хўжалик мииший оқава сувлардан иборатdir. Ўзбекистонда йилига 30 млн. м³ мииший чиқиндилаар вужудга келади. Уларни алоҳида тўплаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмаган.

Саноат (ишлаб чиқариш) чиқиндилари – хомашё, материал, яримфабрикат қолдиқлари бўлиб, ишлаб чиқариш жараёснida вужудга келади. Улар қаттиқ (метал, пластмасса, ёроч чиқиндилари ва бошқалар), суюқ (ишлаб чиқаришдан чиқсан оқава сувлар, ишлатилган органик эритмалар ва ҳ.к.) ва газсимон (саноат печлари, автотранспорт чиқиндилари ва ҳ.к.) кўринишда бўлади. Саноат чиқиндиларининг аксарият қисми, мииший чиқиндилаар каби ахлатхоналарга чиқариб ташланади. Уларнинг атига 20 %гина зарарсизлантирилади, холос. Ўзбекистонда йилига 100 млн.т.дан ортиқ саноат ва мииший чиқиндилаар вужудга келсада, шунинг 0,2 %и зарарсизлантирилайди, ваҳоланки чиқиндиларнинг деярли 14 %дан ортиги зарарли ҳисобланади.

Тоғ-кон ва қайта ишловчи саноатнинг ўзида республика-да йилига 90 млн. т чиқиндилаар ҳосил бўлади. Металлургия тармоғида эса йилига 300 минг т қурум (шлак)лар вужудга келади.

Энг кўп саноат чиқиндилари кўмир саноатига, қора ва рангли металлургия корхоналарига, иссиқлик электрстанцияла-рида, курилиши материаллари саноатига тўғри келади.

Ер юзасининг турли нуқталаридағи экологик фохиали вазият кўп холларда хавфли чиқиндилаар таъсири билан тав-сифланади. Хавфли чиқиндилаар дейилганда, ўз таркибида бирон бир хатарли хусусиятни (захарлилик, портловчи, инфекция тарқатувчи, ёнувчанлик ва ҳ.к.) сақланган, кишилар саломатлиги ва атроф табиий муҳит учун хавфли бўлган чиқиндилаар тушиунилади.

Хавфли чиқиндилаар аср муаммосига айланди ва унга қарши бутун дунёда кенг кураш олиб борилмоқда. Россияда қаттиқ чиқиндиларнинг 10 %и хатарли чиқиндилаарга тўғри келади. Ўзбекистоннинг Учкудуқ шаҳри яқинида жойлашган омборхонада-ги радиоактив чиқиндилаар микдори 3 млн. т. га яқинни ташкил этади. Тошкент вилояти Оҳангарон тумани худудидаги 50 км² майдон ҳам радиоактив чиқиндилаар билан бандлиги маълум.

Радиоактив чиқиндиларнинг асосий манбаи ядро энергетикаси, ҳарбий ишлаб чиқариш, саноатнинг бошқа тармоқлари ва соғлиқни сақлаш тизимидағи радиоактив изотоплар ва аралашмалардан иборат бұлған қаттық, суюқ ёки газ ҳолидаги маҳсулотлар - чиқиндилар бўлиши мумкин.

Радиоактив элементлар, масалан, стронций – 90 озиқ-овқат занжирн орқали ҳаракатланиб, ҳастий фаолият бузилиши, хужайралар ва ҳатто, организмни ўлимга олиб келиши мумкин. Радионуклидлардан айримлари ўлимга маҳкум этувчилик хусусиятини 10-100 млн. йил сақлаши мумкин.

Кўплаб мамлакатларда, хусусан худудида атом электр станциялар (АЭС) ва атом ёқилигини қайта ишловчи заводлар бўлган мамлакатларда ҳозирги вактда катта миқдорда радиоактив чиқиндилар тўпланган. Фақат Россия худудидаги кўмилмаган жами фаол чиқиндиларнинг ўзи 1,5 млрд м³ ни ташкил этади, бу 30 та Черноболь деганидир. Буюк Британияда атом саноати чиқиндиси 2000 йилда: юкори фаолликдагиси – 5000 м³, ўрта фаоли – 80000 м³, паст фаолисинники – 500000 м³ ни ташкил этди.

Шуниси таажижубланарлики, радиоактив чиқиндилар муаммоси вақт ўтиши билан яна ўтқир ва долзарблигича қолмоқда. МАГАТЭ башоратича, 2005 йилга қадар 65 та АЭС ядро реакторлари ва 260 та бошқа ядро қурилмалари тутатилади.

Россия денгиз флотида ҳам радиоактив чиқиндилар миқдори, айниқса, 1993 йилдан бошлаб денгизга бундай чиқиндилар ташланиши тақиқлангандан бери янада кўпаймокда.

Суюқ ва қаттық радиоактив чиқиндилардан ташқари, АЭС ва Атом Вазирлиги объектларида газсимон чиқиндилар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўзида радиоактив аэрозоллар, радиоактив изотопларнинг учиб юрувчи аралашмаларини сақлайди.

4.3. Шовқин таъсири

Шовқин таъсири – атроф табиий муҳиттга заарли физик таъсир шаклларидан биридир. Муҳитнинг шовқин билан ифлосланиши товуш тебранишлари табиий даражасидан йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда ортиши натижасидир. Экологик нуқтаи назардан ҳозирги шароитда шовқин нафақат эшитиш учун нокулай ҳисобланади, балки инсон учун жиiddий физиологик оқибатларни келтириб чиқаради. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида урбанизациялашган минтақаларда шовқин таъсиридан ўнлаб млн.лаб кишилар жабр кўрмоқдалар.


Инсоннинг эшитиш қобилияти қабул қилишга боғлиқ тарзда тебранишлар қайишқоқлиги тебранишлар диапозонида 16

дан 20000 Гц бўлса товуш деб аталади, 16 Гц дан кичиги – инфратовуш, 20000 дан 10^9 – ультратовуш ва 10^9 дан юқориси гипертовушдир. Инсон атиги 16 – 20000 Гц диапозондаги товуш тебранишларини қабул килишга қодир.

Товуш баландлигининг ўлчаш бирлиги 0,1 логарифм шу куч муносабатига тенг бўлиб, инсон қулоғи қабул қиласиди ва унинг тезлиги – жадаллиги децибел (дБ.) деб аталади (20-чизма, Н.Ф. Реймерс бўйича, 1992).

Табиий товуш инсон учун экологик қулайӣ, у аксинча наамоён бўлмайди. Шовқиннинг антропоген манбалари инсон учун ўта нокулаийликларга сабаб бўлади, натижада кишини чарчатади, ақлий имкониятларини пасайтиради, меҳнат қобилиятини сезиларли пасайтиради ва ҳоказоларни келтириб чиқаради.

Шовқин



20-чизма. Товуни кучи (дБ).

Шовқин даражасининг ошиши (>60 дБ) кўилаб имкониятларни келтириб чиқаради, 90 дБ. да эшитиш органидаги бузилиши содир бўлади, 110-120 дБ касаллик бўсағаси, 130 дБдан ортиғи эшитиш органларининг бузилиши чегарасидир. Шовқин 180 дБ га стганда метада ёриқ пайдо бўлганинги аниqlанган.

Антропоген шовқининиг асосий манбалари – транспорт (автомобиль, темир йўл ва ҳаво) ва саноат корхоналари. Атроф-мухитга энг кўп транспорт шовқини (жами шовқининг 80%) таъсири этади. Айрим ширик шаҳарлардаги автомобиль йўлларда шовқин кучи 90-100 дБ га стади, кечаси эса 70 дБдан пастга тушмайди (тунги рухсат этилган месъёр – 40 дБ).

Шовқинининг ҳаддан ташқари кўтарилиши нафакат инсонга, балки ҳайвонларга ҳам, қишлоқ хўжалик экинларининг ривожига ҳам салбий таъсири этиши аниqlанган.

4.4. Биологик ифлосланиш ва магнит майдони таъсири

Биологик ифлосланиш дейилганда антропоген таъсири натижасида экотизимларда улар учун характерли бўлмаган тирик организмлар турларининг (бактерия, вируслар ва бошқалар) тарқалиши тушиунилади. Натижада табиии биологик жамоаларининг яшашибаронти ёмонлашади ёки уларниң ишони саломатлигига салбий таъсири ортади.

Биологик таъсириниң асосий манбалари озиқ-овқат корхоналарининг ва чарм-тери саноатининг оқава сувтари, манишӣ ва саноат аҳдатхоналари, қабристонлар, канализация тармоқлари суғориладиган майдонлар ва бошқалар хисобланади. Ушбу манбалардан турли организм биринчалар ва патоген организмлар тупроққа, тоғ жинслиарига ва ер ости сувларига тушади. Санитария-эпидемология миассасалари маълумотига кўра патоген организмлар ер юзасидан 300 м гача бўлган чукурлосидаги ер ости сувларида ҳам учрайди.

Муҳитниң биологик ифлосланишида инфекция келтириб чиқарувчи ва паразит касалликлар тарқатувчилар алоҳида хатарли хисобланади.

Кейинги даврларда олинган маълумотлар биохавфсизлик муаммоси долзарблиги ва серқирра эканлиги тўғрисида гапиришга ўндаиди. Янги экологик хатар биотехнология ва ген инженериясининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келди.

Ген инженерияси биохавфсизлик масалалари ичидаги биохилма-хилликни сақлаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлганилари кўйидагилар:

- генетик ахборотларини ўй ҳайвонларидан ёввойи турларга ўтказни;

- ёввойи турлар ва кичик турлар ўртасида генетик алманинүүв, шунингдек, поёб ва камайиб бораشتган турларниң генетик ифлосланиш хатари;
- ўсимликлар ва ҳайвонлар интродукциясидаги мақсадлы ва мақсадсиз генетик ва экологик оқибатлар.

Атроф-мухит табиий ҳолатига кучли таъсир этувчи омиллардан бири электромагнит майдон таъсирдиң.

Миллиард йилтар мобайнида ерининг табиий магнит майдони экотизимлар фаолиятига узулуксиз таъсир күрсатып келген. Бу ҳодиса, одатта, магнит бүрөни дейнлиб, барча экотизимларниң ҳолатида номақбул тарзда намоён бўлиб келган, хусусан, инсон организмида ҳам. Бу даврда касалларининг ҳолати юрак хасталиклари, нерв-соматик ва бошқа касалликлар ёмонлашини кузатилади. Магнит майдони ҳайвонларга, хусусан, товуқларга ва ҳашаротларга ҳам таъсир этади.

Илмий техник тараққиётнинг ҳозирги боскичида инсон табиий магнит майдони ўзгартиришига геофизик омиллар туғайли катта таъсир этади.

Ушбу таъсирининг асосий манбаи — электр қуввати узатувчи тизимлар (ЛЭП) ва радиотелевизион ҳамда радиолокация шохобчаларининг электромагнит майдонлариидир.

МДХ ҳудудининг ўзида факат ЛЭП-500 кв.нинг умумий узунлиги 20000 км.дан ортади.

Қисқача холоса

Атроф-муҳит ифлосланиши табиий ва антроноген йўл билан содир бўлади. Антропоген ифлосланишнинг турлари кўп. Атроф-муҳит ифлосланишининг оқибатларини билиш мухим.

Атроф-муҳитни ифлословчи манбаларга ишлаб чиқариш ва маниший чиқиндилар, саноат ишлаб чиқариши, транспорт кабилар киради.

Атроф-муҳитнинг радиоактив, биологик ифлосланиши ўта хатарли. Шунингдек, атроф-муҳит ҳолатига шовқин ва магнит майдонининг ҳам таъсири ортмокда.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Атроф-муҳитнинг ифлосланишини қандай тушунасиз?
2. Антроноген ифлосланишнинг турлари ва оқибатларини биласизми?
3. Атроф-муҳитни ифлословчи манбаларга нималар киради?
4. Атроф-муҳитга шовқин қандай таъсир кўрсатади?
5. Биологик ифлосланиши ва магнит майдони таъсиринни тушунтириб бера оласизми?

Асосий адабиётлар

1. Бертокс П., Радд Д. Стратегия защиты окружающей среды от загрязнений. -М.: Мир, 1980.
2. Защита окружающей среды от техногенных воздействий. Учеб.пособ. (под.ред. Г.Ф.Невской). -М.: МГУ, 1993.
3. Рамад Н.Ф. Основы прикладной экологии. -Л.: Гидрометеогиздат, 1981.
4. Реймерс Н.Ф. Природопользование: словарь-справочник. -М.: «Мысь», 1990.
5. Хефлинг Г. Тревого в 2000 году: Бомбы замедленного действия на нашей планеты (пер. с анг.) -М.: Мысль, 1990.

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ

5.1. Атмосфера таркиби ва тузилиши

Ер курраси ҳаво қоплами атмосфера дейилади. Атмосфера Ернинг ҳимоя қатлами бўлиб, тирик организмларни турли ультрабинафша нурлардан, космосдан тушадиган метеоритларнинг заррачаларидан асрайди. Атмосфера Ер сатҳининг иссиқлик таркибини бир маромда сақладайди. Мабодо атмосфера бўлмаганда эди, унда ерда кечқурун -100°C совук, кундузи $+100^{\circ}\text{C}$ иссиқ бўлар эди. Ерда ҳаёт мавжудлигининг асосий шарти Атмосферанинг мавжудлигиdir.

Атмосфера табиатининг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, тирик организмнинг яшашин учун жуда ҳам зарур. Чунки инсон овқатениз, сувсиз бир неча кун яшashi мумкин, аммо у ҳавосиз 5 дақиқа яшайди. Бир киши бир кечак-кундизда 1 кг овқат, 2 литр сув истеъмол қиласа, бир суткада 25 кг ҳавони ютаркан. Демак, ҳаво ифлосланиши билан ҳар бир организмнинг физиологик ҳолати ҳам ўзгаради. Атмосфера ифлосланишининг фақат саёрамиздаги тирик мавжудотлар, хусусан, одамлар соғлигигагина эмас, балки иқтисодга ҳам катта зарари бор. Шунинг учун ҳозирги кундаги асосий вазифалардан бири атмосфера ҳавосини тоза сақлашди.

Атмосфера аниқ қатма-қат тузилишига эга. Пастки, ҳавосидаги қатлам—троносфера дейилади. Ернинг кенглигига қараб унинг баландлиги 10-15 км ни ташкил этади. Бу қатлам атмосфера массасининг 80%ни ва сув буғларининг ҳам 80%ни яқинини ташкил этиб, унда планетамизнинг турли районларидағи иқлим ва об-ҳавони шакллантирувчи физик жараёнлар ривожланади. Стратосфера тропосферанинг устида, баландлиги 40 кмгacha стади. Бу ерда ердаги ҳаётни асрайдиган ва ультрабинафша нурларнинг асосий қисмини ютадиган озон қатлами жойлашган.

Ундан юқорида ионосфера жойлашган бўлиб у 1300 км баландликкача боради, бу қатлам ҳам Ердаги тирик организмларни космик радиация ва радиотүзиниларнинг зарарни таъсиридан сақлайди. Бу қатламдан кейин 10000 км гача экзосфера жойлашган, бу ерда баландлик ошган сари ҳавонинг зичлиги камайиб боради.

Атмосферанинг асосий таркибий қисмини азот, кислород, аргон ва карбонат ангидрид ташкил этади (4-жадвал).

Азотнинг атмосферадаги хиссаси 78,084%ни ташкил этиб, у инсон, ҳайвон ва ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган кислород ($20,946\%$) учун инерт аралаптирувчи ҳисобланади.

Атмосферанинг тахминий таркиби

№	Газ ва элементлар	Атмосферанинг пастки қатламларидаги таркиби, % хисобида	
		массаси бүйінча	хажми бүйінча
1	Азот	78,084	75,5
2	Кислород	20,946	23,14
3	Аргон	0,934	1,28
4	Неон	0,0018	0,0012
5	Гелий	0,0000524	0,00007
6	Криpton	0,00014	0,0003
7	Водород	0,00005	0,00005
8	Корбонат ангидрид	0,034	0,0466
9	Сұб бүелари: экваторда күтің көңгілекларидә	2,6	-
		0,2	-
10	Озон:		
	тропосфера да стратосфера да	0,000001	-
		0,001-0,0001	-
11	Метан	0,00016	0,00009
12	Азот оксиді	0,000001	0,0000003

Бирламчи атмосфера да эркін кислород бўлмаган ва у асосан сұб бүелари, карбонат ангидрид, метан, аммиак ва олтпингурут водород аралашмасыдан иборат бўлган. Айрим тағқиқотчиларнинг фикрича, биринчи атмосфера да 2,2 млрд йыл олдин оддий сұб ўтлари ҳаёттій жараёни натижасида пайдо бўлган. Тахминан 100 млн. йыл олдин кислородни ҳозирги массасининг 1% иші ташкил этган. Ҳозирда кислородни йылылик ишлаб чиқарыш 100-150 млрд тоннанын ташкил этади ва бунинг ҳаммаси тирик организмларнинг нафас олиши, тоғ жиспеларининг оксидланисиши ва ҳар хил ёқилиғитарни ёқиши жараёнида сарф бўлади.

Углерод – органик дунёснинг асосий элементидир. Атмосферанинг асосий компонентларндан бири озон O_3 хисобланади. Озоннинг пайдо бўлиши ва парчаланиши билан қуёш ультрабинафа ша радиациясини ютиши содир бўлади. O_3 шунингдек, ернинг 20% инфрақизил нурларини ушлаб қолади. Озон қатламини қўпинча «озон экрани» ҳам деб аталади.

Шундай қўлиб, срдаги ҳаётни ўлик коинотдан асровчи ҳаво қатламининг куввати срдаги масштабга қараганда анча – 1,5 минг км. ёки ер радиусининг 0,25 қисми космик масштабда аҳамиятсиз ва срдан қуёшгача масофани $1/100000$ қисмини ташкил этади. Атмосфера ҳавосининг $3/4$ қисми пастки қатлам трапосфера да тўплланган.

Атмосфера зичлиги баландлик ошган сары камайиб боради, оксан сатхида ҳам ҳавонинг зичлиги $0,001 \text{ g/cm}^2$ ни ташкил этади, бу эса сувнинг зичлигидан 1000 марта кам ва шу билан бирга ушбу ҳаво қатлами срдаги ҳаётни коинот таъсиридан асровчи ягона ва донмий ҳимоячидир. Шунга қарамасдан ушбу бронни тузиб

үтиш үн ва юз тонналик метеоридларга насиб қылышни ҳам жуда камдан-кам учрайдиган ҳолатdir.

5.2. Атмосфера ҳавосини ифлословчи маңбалар

Атмосфера ҳавоси тозалығы мұаммоси яңгилік әмас. Бұ мұаммо саноат ва транспортнинг вұжудда келиши билан вұжудда келди. Денярли иккى аср мобайнида ҳавонинг ифлосланышы маҳаллік характерге әга бўлди. Завод, фабрика ва паровоз трубаларидан чикайтган тұтун ва губорлар катта борлықда осонликча тарқалиб кетарди. Аммо XX асрга келиб, саноат ва транспортнинг тез үсіши ҳавога чикадиган токсик чиқындишлар хажми ошишига олиб келдик, энді бу чиқындишлар атмосферада атроф-мухитта ва инсонга зарар стәзазмайдиган миқдор дара-жасида ёйилб кетолмай қолди.

Атмосфера ифлофланиши келиб чиқышига күра, табиий ва сунъий бўлади.

Атмосфера табиий ифлосланышыда космик чаңглар, вулканларнинг отилишидан вұжудда келген моддалар, үсімлик ва хайвонларнинг қолдишлари деңгиз сувининг мавжланишидан ҳавога чиққан туз заррачаларн иштироқ этади. XX аср охиirlарига келиб, атмосфера ифлосланышининг 75%-ини табиий ифлосланыш ташкил этди. Қолган 25%ни инсон фаолияти натижасида рўй берди. Аммо табиий ифлосланыш натижасида атмосфера ҳавосида мухим сифат ўзгаришлири рўй бермайди. Коинотда 10^6 т. чаңг атмосферага тушади. Битта вулкан отилгандан атроф-мухитта 75 млн. m^3 чаңг тарқалади. Булардан ташқари деңгиз суви мавжланганда ҳавога кўпілаб туз заррачалари ажралиб чиқади, шунингдек, нураш туфайли; шамоллар ва ёғин натижасида чаңг кум ва үсімлик чаңглари чиқади.

Атмосферадаги чаңглар ер юзида содир бўладиган жараёнлар учун маълум даражада аҳамиятлайдир. Чанглар ҳаводаги сув буғлари учун конденсация ядрою ҳисобланади ва ёнғинларни вұжудда келтиради, шунингдек, күёшининг тўғри радиациясини ютиб, ср юза-сидаги зиёти нурланишидан асрайди. Бундан кўринишиб турибидики, атмосферадаги чаңглар маълум даражада бўлса атмосферанинг зарур компоненти ҳисобланади ва ундағы ҳодиса ва жараёнларнинг боришини тартибга келтириб туради, аммо кўпинча вулканларнинг отилиши, кучли чаңг-тўзонларнинг кўтарилиши натижасида ҳаво мельердан оптика ифлосланиб, ҳалокатларга сабаб бўлади.

Атмосферанинг сунъий ифлосланышы радиоактив, магнит, шовқин, дисперс ва газсимон, шунингдек, саноат тармоқлари ва технологик жараёнлар бўйича ажратилади.

Атмосферанинг сунъий ифлосланышыда автомобиль транспорти биринчи (40%), энергетика саноати (20%) иккинчи, саноатнинг бошқа тармоқлари учинчи ўринини (14%) эгаллайди. Қынлоқ хўжалиги ишилаб чиқариши, манищай коммунал хўжалиги ва бошқ-

алар хиссасига эса сунъий ифлосланишнинг 26%и тұғри келади.

Инсон фаолияти натижасыда атмосферага карбонад ангидрид (CO_2), олтингуттурт диооксид (SO_2), метан (CH_4), азот оксиidi (NO_2 , $\text{NO}_x\text{CaN}_2\text{O}$) чиқарилмоқда. Аэрозолларни ишлатишда атмосферага хлорфтор углеродлар, транспортдан фойдаланишда – углеводородлар чиқарилади.

Таҳлиллар шуни күрсатадыки, үтган асрда атмосферага чиқарылған корбонат ангидриднинг асосий қисми АҚШ, Фарбий Европа ва Канада мамлакатларига тұғри келади.

5-жадвал

Атмосферага барча технологик манбалардан чиқарылған ифлословчи моддалар (XX асрнинг 90-йиллари)

№	Ифлословчи моддалар	Млн. т/йил
1	Чанг (тұтуннинг каттық заррачалари ва саноат чанты)	580
2	Углерод оксиди	360
3	Учұвчан углеводородлар ва башка органик моддалар	320
4	Олтингуттурт оксиди	160
5	Азот оксиди	110
6	Фосфор бирикмалари	18
7	Олтингуттурт-водород бирикмаси	10
8	Аммиак	8
9	Хлор	1
10	Фтор-водород бирикмаси	1

6-жадвал

1991-2001 йилларда атмосфераны ифлословчи моддалар динамикасы (минг т.)

Йиллар	Стационар манбалар чиқындылары	Харакатдаги манбалар чиқындылари	ЖАМИ
1991	1214	2591	3805
1992	1107	1782	2890
1993	1020	1570	2590
1994	958	1450	2408
1995	904	1653	2557
1996	857	1316	2173
1997	837	1507	2344
1998	776	1419	2195
1999	777	1520	2297
2000	756	1593	2349
2001	712	1538	2250

1991-2001 йилларда атмосферани ифлословчи моддалар салмоғининг ўзгариши

Йиллар	Аҳоди (млн.кмни)	Ифлословчи моддалар (минг т.)	Чиқинди салмоғи (кг/киши)
1991	20,708	3805	183,7
1992	21,207	2890	136,3
1993	21,703	2590	119,3
1994	22,193	2408	108,5
1995	22,562	2557,7	113,4
1996	23,007	2173,7	94,5
1997	23,560	23,44,1	99,5
1998	23,954	2194,7	91,6
1999	24,583	2296,9	93,4
2000	24,650	2348,5	95,3
2001	24,967	2250	90,1

Манба: Национальный доклад о состояний окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан.

ХХ асрнинг 90-йиллари охирига келиб, ер юзида инсоният ҳўжалик фаолияти натижасида атмосферага ҳар йили 500-600 млн. тонна саноат чанги ва тутуннинг қаттиқ заррачалари, 360 млн. тонна углерод оксидлари, 320 млн. тонна углеводородлар, шунингдек, олtingутурт (160 млн. тонна), азот (110 млн. тонна) оксидлари ҳамда фосфор биримлари (18 млн. тонна) ва бошқа моддалар чиқарилган.

Катта майдонлардаги ўрмонларни кесиб, срларни ҳайдаш туфайли тупроқ эрозияси ва дефляцияси кучайди, ўрмон, ўтлоқларда ёнгин кўпайди, қишлоқ ҳўжалигида химикатлар кўплаб ишлатилиши оқибатида атмосфера таркибида чанг, тутун, қурумлар заҳари химикатлар миқдорининг ортишига олиб келди. Маълумотларга кўра, атмосфера таркибидаги чанглар миқдори ўтган асрнинг бошидагига нисбатан ҳозир 20% кўпайган.

Ўзбекистон Республикасида 1991 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ва транспорт ташувларининг камайиши ҳамда ҳавони тозалаш ишлари тўғри йўлга қўйилганиги, натижасида шаҳарлар ҳавосининг ифлосланиш даражаси бироз барқарорлашди ва камайди. Умуман, 1991-2001 йиллар давомида атмосферани ифлословчи моддалар 3,805 мил. тоннадан 2,25 мил. тоннага камайди (6-жадвал).

Атмосфера ҳавосига чиқарилган моддаларни аҳоли жон бошига ҳиссаси 2 баробар камайди ва 90 кг/киши ташкил этди (7-жадвал).

Чиқиндилярнинг 51,9 %и углерод оксида, 16 %и олтингурут диоксида, 17,9%и углеводород, 8,9 %и азот оксида, 6,1 %и каттиқ зарралар ва 0,2 %и бошқа заҳарли моддаларга түгри келади.

Республикада энг ифлосланган шаҳар Навоийдир. Бундан ташқари Нукус, Олмалиқ, Тошкент, Фарғона, Чирчиқ, Ангрен ва бошқа айрим шаҳарларда ҳам ҳаво таркибида айрим чиқиндилярнинг миқдори рухсат этилган миқдор (РЭМ)дан ортиқ.

Дунё автомобиль парки сони ортиб бориши натижасида, атмосфера ифлосланишида транспорт воситаларининг салмоғи ортиб бормоқда.

8-жадвал.

Жаҳон автомобиль парки сонининг ўсиши.

Йиллар	Енгил автомобиллар сони, млн.дона	Юк машиналари сони, млн.дона	Жами, млн.дона
1960	90	29	120
1970	170	42	230
1980	245	62	320
1990	320	82	420
2000	400	102	520

Чунки автомашина, самолёт, тепловоз, қишлоқ хўжалик машиналари жуда катта миқдорда кислородни сарфлаб, атмосферага (таркибида 200 га яқин заҳарли моддалар учрайдиган) ҳар хил газларни (углерод оксида – 260 млн.т, учувчи углеводородлар – 40 млн.т, азот оксида – 20 млн.т) кўрғошиннинг заҳарли бирикмаларини чиқариб, уни ифлослайди. Ҳозир ср шарида 500 млн. дан ортиқ автомобиль атмосферага йилига 350 млн.т. дан ортиқ ҳар хил чиқиндиilar чиқариб, уни ифлосламоқда.

Кўпчилик мамлакатларда, айниқса, АҚШ да атмосфера ҳавоси ифлосланишида транспортнинг ҳиссаси 60 %ни ташкил этади. Саноатлашган баъзи катта шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автомобильлар ҳиссаси 90%га етди (9-жадвал).

9-жадвал

Жаҳоннинг йирик шаҳарларида атмосфера ифлосланишида автомобиль транспортининг салмоғи (% ҳисобида)

Шаҳарлар	Углерод оксида	Азот оксида	Углеводородлар
Москва	96,3	32,6	64,4
Токио	99	33	95
Нью-Йорк	97	31	63

2000 йилда Ўзбекистонда атмосферага чиқарилган жами зарарли чиқиндилярнинг 68 %и автотранспорт ҳиссасига туғри

келган. Айрим шаҳарларда (Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Буҳоро) бу кўрсаткич 80% дан юкори.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишида дунё саноат тармоқларининг ҳам улуши катта. Чунки, саноат корхоналарида, айниқса, ИЭСларда фойдаланиладиган ёқилғи тўла ёниб тутамайди, натижада атрофда кўплаб газлар, чанг, қурум, қаттиқ заррачалар ва радиоактив моддалар чиқаради. Хозир дунё бўйича, жумладан, Ўзбекистонда ҳам энергиянинг асосий қисмини (87%) ИЭСлари етказиб бермоқда. Шунинг учун саноатдан атмосферага чиқаётган чиқиндиларнинг 30%и ИЭСлар хиссасига тўғри келади. 2000 йилда “Ўзбекэнергия” ДАҚ қарашли корхоналар атмосферага 255,5 минг т заарали чиқиндилар чиқарганлар, шунинг 149,9 минг т. (59%) олтингутурт диоксиди. 1 кВт/соат элекстр энергия ишлаб чиқариш учун 6 тонна заарали чиқиндилар чиқариб ташланади.

Атмосферанинг ифлосланишида тоғ-кон саноатининг иштироки ҳам сезиларли. Қора ва рангли металлургия корхоналари асосан Тошкент ва Навоий вилоятларида жойлашган. Ушбу тармоқ корхоналаридан атмосферага жами чиқиндилар миқдори 123,6 минг тоннани, шундан 95 минг тоннаси ёки 77% и олтингутурт диоксиди ташкил этади. Бундай корхоналардан ушбу тармоққа хос бўлган маҳсус заарали моддалардан оғир металллар аэрозоллари, сульфат кислотаси, ционид ва фторидлар атмосферани ифлосламоқда.

Шунингдек, атмосфера ҳавосини ифлослашда қурилиш саноати ва цемент ишлаб чиқариш тармоғининг хиссаси ҳам кам эмас. Уларнинг фаолияти туфайли Оҳангарон, Бекобод, Қарши, Навоий, Нукус шаҳарлари ҳавосини чанг ва углерод оксиди каби чиқиндилар билан ифлосланмоқда. Ушбу тармоқ корхоналари бир йилда 27,6 минг тонна атмосферани ифлословчи заарали моддалар чиқармоқда. Бундан ташқари кимё комплекси ҳам атмосферани ифлословчи жами заарали моддаларнинг 3%идан кўпроғини чиқариб ташламоқда.

Ер юзида аҳоли зич яшайдиган худудлар ва шаҳарлар атмосферасининг ифлосланишида бу худудда яшовчиларнинг хиссаси катта. Бир киши бир суткада 10 m^3 ишланган ва таркибида 4% CO_2 бўлган ҳавони атмосферага чиқаради. Демак, ер юзида 6 млрд киши ҳар суткада атмосферага 60 млрд m^3 ишланган ифлос ва таркибида 4% CO_2 бўлган ҳавони атмосферага чиқаради.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва таркибидаги карбонад ангирид миқдорининг ортиб, кислород миқдорининг камайиши ҳозирги кунда инсоният олдига ушбу муаммоларни ҳал этишни бирламчи вазифа қилиб қўймоқда.

5.3. Атмосфера ифлосланишининг оқибатлари

Антропоген таъсири натижасида атмосфера ҳавоси ифлосланиб, таркибида ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу эса иклимининг глобал масштабда ўзгаришига олиб келмоқда.

Атмосфера ҳавоси таркибида (CO_2) карбонат ангидрит ва метан миқдорининг ошиб бориши натижасида «иссиқхона эфекти» вужудга келади. Бунда CO_2 гази қўёшнинг қисқа тўлқинли нурларини бемалол ер юзасига ўтказиб юбориб, ер юзасидан тарқаладиган узун тўлқинли нурларни ушлаб қолади, натижада Ернинг ўртача ҳарорати кўтарилади. Охирги 100 йилда атмосферада CO_2 миқдори 25%га, месал 100%га ошиди. Бунинг натижасида 2000 йилда ер юзаси ҳарорати XIX аср охиридагига нисбатан + 1,2°C исиди. Бу кўрсаткич 2100 йилда + 6°C стиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Натижада музликлар эриб, океан сувлари кўтарилиб, аҳоли зич яшайдиган қирғокларини сув босади, зоналарнинг чегараси ва табиат ўзгаради. 2050 йилга бориб иклим минтақалари экватордан қутбга қараб 500 км. га сурилиши башорат қилинмоқда.

Бунинг устига кимёвий газлар (хлорфторуглерод) месьёрдан ошиб кетиши оқибатида қўёшнинг ультрабинафша нурларини ушлаб қолувчи озон қатлами смирилиб, юпқалашмоқда (1990 йилда жаҳонда озонни смирувчи моддаларнн ишлаб чиқариш 1300минг т.ни ташкил этди). Натижада ультрабинафша нурлар ер юзасига кўпроқ тушиб, инсонларда ҳар хил қасалникларни кўнайтиради, океанларда планктонг ва чиганоқсимон организмларнинг қирилиб, экинлар ҳосилининг камайиб кетишига олиб келади.

Булардан ташқари саноати ривожланган ҳудудларда атмосфера таркибида антроисеген аэрозонлар кўпайиб, улар конденсация ядроси вазифасини бажариш туфайли булувлар кўпроқ вужудга келади, ифлосланган ёғинлар миқдори кўпайди. Бунга Канада, Марказий ва Шимолий Фарбий Европа мамлакатлари ҳудудида тез-тез «кислотали ёмғир» ёғишини мисол қилиш мумкин. Канадада «кислотали ёмғир» ёғишига асосан АҚШ-нинг шимолий қисмидаги саноат корхоналаридан атмосферага чиқариластган олtingутурт оксиди, азот каби газлар сабаб бўлмоқди. Бу газлар шамол таъсирида атмосферага кўтарилиб, сунгра Канада ҳудудига «кислотали ёмғир» бўлиб тушади. Чунки бу газлар атмосферага кўтарилгач, сув буғлари ҳамда кислород билан реакцияга киришиб, олtingутурт (H_2SO_4) ва азот (HNO_3) кислоталарини ҳосил қиласди. Сунгра ёмғир билан аралашиш, яна ерга тушмоқда. АҚШ атмосфераси ифлосланишидан ву-

жудга келган «кислотали ёмғир» ўта заҳарли бўлиб, Канада ҳудудидаги кўллар, ўтлоқ ва ўрмонларни заҳарлаб, қуритиб қўймоқда, одамлар орасида касалликлар кўпаймоқда.

Фарбий Европада ҳам «кислотали ёмғир» лар вужудга келиб унинг (Жануби-Фарбий шамоллар туфайли) фақат 1/3 қисми ўша жойларга қисман, 2/3 қисми эса Скандинавия давлатлари ҳудудига тушмоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг саноатлашган районларида ҳам ифлос атмосфера ёғинлари содир бўлмоқда.

Саноатлашган катта шаҳарларда бальзан шамол эсмаслиги, ифлос ҳавонинг бир неча кун туриб қолиши натижасида «смог» (инглизча сўз бўлиб, тутунли туман, деган маънони англатади), яъни заҳарли газ ва чанглардан вужудга келган аччиқ туман келади.

Табиат компонентлари – ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонлар бир-бирига узвий боғлиқлигидан, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ифлосланган атмосфера, ўз навбатида, табиатнинг бошқа компонентларига ҳам таъсири этади. Бунинг натижасида сув ва тупроқнинг табиий ҳолатида, киши организмида, ҳайвон ва ўсимликлар танасида салбий ўзгаришлар вужудга келиб, географик қобиқда глобал ўзаришлар содир бўлади:

а) Атмосфера ифлосланишининг иқлим элементларига таъсири. Атмосферанинг антропоген ифлосланиши туфайли иқлимининг глобал ўзгаришидан ташқари унинг элементлари (t ; ёғин) ҳолатида ҳам сезиларни ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Атмосфера ифлосланиши туфайли Москвада атмосферага илсбатан 11% ёғин кўп тушади. Самарқанд шаҳри атрофига илсбатан 1 йилда 6 кун туман кўп туман тушиб, 11 мм ёғин кўп ёқсан. Саноати ривожланган шаҳарлар атрофига илсбатан йиллик ўртacha ҳарорат юкори бўлиши кузатилган. Бунга сабаб кишилар фойдаланадиган барча энергияни иссиқлик энргиясига айлантиради ва унинг бир қисми ер юзасининг қўшимча иситувчи манбаси бўлиб қолади. Шу сабабли саноати ривожланган ва аҳолиси 100 мингдан 500 минггача бўлган шаҳарда ўртacha йиллик ҳарорат атрофдагига илсбатан 1°C юкори бўлса, аҳолиси 0,5-1,0 млн бўлган шаҳарда $1,1-1,2^{\circ}\text{C}$, 1 млн. дан ортиқ бўлган шаҳарда $1,3-1,5^{\circ}\text{C}$ юкори бўлади. Шу сабабли Тошкент шаҳарининг марказида йиллик ўртacha ҳарорат шаҳар атрофдагига илсбатан $1,3^{\circ}\text{C}$ юкори бўлса, бу фарқ Самарқандда $0,5^{\circ}\text{C}$ га, Париж ва Стокгольмда $0,7^{\circ}\text{C}$ га, Москвада 2°C га стади.

б) Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг киши организмига таъсири. Бир киши бир сутка давомида 25 кг ҳаво билан нафас олишини ҳисобга олсак, ҳаво таркибидаги зарарли чанг, қуруқ ва

захарли газлар киши организмида түпланиб боради, аста-секин инсон организмининг заифлашади ва киши организми турли инфекцияларга старли даражада каршилик кўрсата олмайдиган бўлиб қолиши натижасида ҳар хил касалникларни (астма, кўз касалниклари, жигар церрози, қон босими, рак, бронхит, ўтика касаллиги, йўтал) кўпайиши билан бирга нафас олиш йўлларини, юрак-қон томири тизимини шикастланишига олиб келади.

Узбекистонда атмосферанинг заҳарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши аҳоли соғлигига, унинг наслига салбий таъсири кўрсатмоқда. Атмосфера ифлосланиши натижасида ҳар хил касалниклар кўпайиб, туғилаётган болалар ўлимни кўрсаткичи юқорилигича қолмокда.

в) Атмосфера ифлосланишининг сув ресурсларига таъсири. Атмосферанинг ифлосланиши ер юзидағи сув ресурсларига ҳам салбий таъсири этмоқда. Табиатда сув алмашинуви доимий бўлиб, дарё ва кўлларни, ер ости сувларини тўйинтиради. Атмосфера қанчалик ифлосланган бўлса, уларнинг бир қисми ёғинлар орқали ер усти сувларини шунча ифлосламоқда. (минераллашуви ва қаттиқлик даражаси ортмоқда). Бунинг натижасида, хусусан, Узбекистон дарёлари сувларининг сифати пасайиб, ичимлик сув сифатида фойдаланиш талабларига жавоб бермай қолди.

г) Атмосфера ифлосланишининг ўсимлик ва ҳайвонларга таъсири. Саноат корхоналаридан, транспортдан, тоғ-кон саноатидан, машиний-коммунал хўжаликдан, қишлоқ хўжалик машиналаридан чиқаёттан ва атмосферага кўшилаётган чанг, кул, курум, тутуни, заҳарли газлар яна қайтиб Ер юзасидаги ўсимлик баргларига, тупроқ ва сув орқали эса илдизига ўтади, натижада ўсимликлар зарарланиб, уларда модда ва энергия алмашинуви бузилади, ўсимликлар касалланади, курий бошлайди, қишлоқ хўжалик экинлари ва мевали дараҳтлар кам ҳосилли бўлиб қолади.

Ҳайвонлар эса ифлос хаводан нафас олганда организмида заҳарли чанглар ва газлар йигилиб, уларнинг касалланиб, ўлишига сабаб бўлади.

д) Атмосфера ифлосланишининг иқтисодий зарарлари. Атмосферанинг ифлосланиши турар жой ва коммунал хўжаликка, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига, саноатга, тарихий табиий ёдгорликларга ҳам таъсири этади. Натижада, халқ хўжалигига катта зарар стказади. Атмосфера ифлосланишининг келтирган зарарларини қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1) Атмосфера ифлосланиши туфайли материалларининг смирилиши ва коррозияга учраши. Бунда атмосферадаги чанг, курум, қаттиқ зарралар ва баъзи газларнинг таъсирида бинолар, иншоотлар, металлар смирилади, кийим-кечак ва газмоларнинг

бүсеклары бузилади, қадимий тарихий ёдгорликтер нураиди. Мәйлумоттарға қараганда, саноаттың ривожланган, атмосферасы ифлос катта шаҳарлардагы иисбатан 3 баробар, қишлоқ жойларидагы иисбатан 20 баробар, алюминийда эса 100 баробар тез боради, қадимий архитектура ёдгорликтери, жумладан, Үзекистондагы қадимий обидалар, мәрмар ва бронздан ишилган монументтер тез смирилади. Атмосферанинг ифлосланиши, шунингдес, машина ранглари, газмоллар, кийим-кечак, тері материаллариниң ва умуман шаҳардагы түрли хил объектлар ранглариниң тезда ўзgartырып төбөради. Шу сабабли үларни бүяш, тозалаш, смирилган, коррозияга учраганларини қайта тиклаш жуда катта маблағ талағ этади.

2) Шаҳарларда, айниқса, саноатлашган жойларда, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши корхона асбоб-ускуналарини капитал таъмиригача фойдаланыш муддатини ўртача 15 баробар камайтиради.

3) Атмосферанинг ифлосланиши натижасыда жуда күп оғир касалларлар вужудга келмоқда, қишилар жисмоний ва рухий касалларларга учрамоқда, аччиқ туман (смог)дан күплаб одамлар ўлмоқда ва касал бўлмоқда. Булар жуда катта ва тиклаб бўлмайдиган заарадир. Ҳавонинг ифлосланишидан вужудга келган касаллар туфайли одамлариниг ўлишидан ташқари, үларни даволашга, касаллик ва рақасига, ишга яроқсиз бўлиб қолаганинги учун нафақа бериш ҳисобига давлатлар катта зарар кўрмогуда.

4) Атмосфера ҳавосининг ифлосланишидан қишлоқ хўжалиги экинлари катта заарар кўради. Бунда қишлоқ хўжалик экинларининг қуриб ёки кам ҳосил бўлиб қолишидан ташқари, экинлар ҳисолининг таркибида киши учун фойдали элементлар камайиб, заҳарли моддалар микдори кўпаяяди. Масалан, раигли металлургия саноати доирасида бўлган буғдоидаги таъсири зонасидан ташқарида бўлган буғдоидаги таркибига қараганда оқсил моддаси 25-30%, ҳосилдорлик эса 40-60%га кам бўлган.

5) Атмосферанинг ифлосланиши натижасыда вужудга келган аччиқ тутунидан автомобиллариниг юриши, самолётнинг учини қийинлашиб, жуда күп ҳалокатлар бўлади.

6) Атмосферанинг ифлосланиши айрим, чуноччи, ярим ўтказгичлар, ўта аниқ приборлар, вакцина ва антибиотиклар ишилаб чиқариниш жуда қийинлаштириб юбормоқда. Чунки улар факат тоза ҳаволи районларда ишилаб чиқарилади.

7) Завод ва фабрикаларда чиқадиган атмосферани ифлословчи ҳар хил газлар, цемент ранглари, рух, қўроғшин, қалай, фтор, молибден ва бошқалар жуда қимматли ҳомаше ҳисобла-

нади. Ҳозирча уларнинг кўччилиги бекорга атмосферага чиқиб кетмоқда. Агар улар махсус иншоотлар қурилиб, ушлаб қолинса, у тақдирда биринчидан, атмосфера кам ифлосланади, иккинчидан эса, бешуда сарф бўлаётган хомашё тежаб қолинади. Факат мис ва рух эритувчи заводлардан чиқаётган газлар таркибидағи олтингутуртдан фойдаланилса, йилига 1/5 млн тонна сульфат кислотаси олиш мумкин.

8) Атмосферанинг ифлосланиши натижасида географик қобиқнинг табиий ҳолатида ўзгариш юз бермоқда, фотосинтез жараёни бузилмоқда – табиятда модда ва энергия айланишига салбий таъсири этмоқда, оқибатда ср юзасида баҳолаб бўлмайдиган иқтисодий, маънавий заарларни (Ер юзаси ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқ глобал масалалар, сув таркибида заарли моддалар микдорининг кўпайиб кетиши, табиий ўсимликларнинг заҳарланиб, қуриб қолиши, ҳайвонларнинг касалланиши ва бошқалар) келтириб чиқармоқда.

Агар тез орада атмосферани тоза саклаш чоралари кўрилмаса Америка олимни, метеоролог Луис Дж. Баттон (1967) айтганидек, «иккласидан биттаси бўлади: ё одамлар шунга эришадикн, ҳаво кам ифлосланади ёки ҳавонинг ифлосланиши шунга олиб келадики, ср юзида одамлар кам қолади».

5.4. Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар

Агар атмосферада ўз-ўзини табиий тозалаш жараёни бўлмаганда эди, Ер куррасида ҳаво жуда ифлосланиб, ҳаёт учун ҳавф вужудга келган бўлтур эди. Табиий тозаланиш жараёни шундан иборатки, ёнғинлар ифлос моддаларни ҳаводан ювади, шамоллар ҳаводаги ифлословчи моддаларни учириб, бир жойда тўпланишига йўл қўймайди, тупроққа ёки сув юзасига тушган моддалар эса реакцияга киради ва оқибатда нейтраллашиб қолади. Лекин саноат, айниқса, ёқилғи саноати тарақкий этган, транспорти ривожланган, қишлоқ ҳўжалиги машиналашган ва кимёлашган, аҳоли кўпайиб, урбанизация жараёни кучаяётган бизнинг асримизда атмосферанинг сунъий ифлосланиши табиий тозаланишига нисбатан устунлик қилмоқда. Шу сабабли атмосфера ўз-ўзини табиий ҳолда тозалайди, деб хотиржам бўлиш жуда катта салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу туфайли атмосферанинг сунъий ифлосланишдан тозалаш йўлларини жорий этиш, унинг олдини олиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Атмосфера сунъий ифлосланишини олдини олишга қара-

тилган бир қанча чора-тадбирлар мавжуд булиб, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Атмосфера ифлосланишининг олдини олишининг энг қадимий йўли – завод, фабрикалардан тутун чиқарувчи трубаларин баландроқ қуришdir. Маълумотларга кўра, тутун чиқарувчи трубалар қанча баланд бўлса, ифлос чанг ва газлар шунчак кенг майдонга ёйилib, концентрацияси камаяди. Масалан, баландлиги 100 м. бўлган трубадан чиқаётган чанг ва газлар радиуси 20 км бўлган худудга тарқалса, баландлиги 250 м. бўлган трубадан чиқсан газ ва чанглар радиуси 75 км худудга тарқалади. Лекин бу усулда ҳаводаги чанг, газлар микдори камаяди, фақат кенг худудга тарқалади.

2. Саноат корхоналари, коммунал хўжаликлар ва уйлардаги печларда кўмир, торф, қорамой ёқиш ўринига электр энергия стинимаган тақдирда газлардан фойдаланинг ўтиш. Бунда атмосферага чанг, қурум, тутун ва заҳарли газлар кам чиқади.

3. Саноат корхоналарида атмосферага чиқаётган заарли моддаларни тозаловчи ишиоотлар қуриш. Бунда атмосферани кўплаб ифлословчи чанг, қурум, тутун ва заҳарли моддаларни атмосферага чиқаришдан олдин уларнинг заарли таъсирини ўқотадиган тозалаш ишиоотларини барни этиш, ушлаб қолишга ва улардан қайта фойдаланинг эришиш керак. Корхоналарда атмосферани ифлословчи чанг ва газларни электр фильтрлар ва бошқа тозаловчи ишиоотлар орқали тутиб қолини атмосферани тоза сақлаши билан бирга катта иқтисодий фойда ҳам келтиради. Фақат Ўзбекистондаги цемент заводларидан бекорга ҳавога учиб чиқиб, атмосферани ифлословчи чанглар ушлаб қолинса, йилига қўшимча 500 минг т. цемент олиш мумкин бўлади.

4. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашнинг яна бир йўли – саноат корхоналарида, коммунал хўжаликда ишлаб чиқарини технологиясини ўзгартирини, яъни чиқиндилик технологияни жорий этишидир. Бунда технологик жараёснини ўзгартини орқали чанг ва заҳарли газларни атмосферага чиқармасликка эришиш керак.

5. Атмосферанинг ифлосланишида ҳар хил ахлатларини ва ёғоч ишлаш корхоналаридан чиқсан чиқиндилиарни ёкин ҳам катта роль ўйнаиди. Ҳозирча жуда күп давлатларда ахлат ва чиқиндилиарни ёкин одат тусига кирган. Атмосферани тоза сақлаши учун ахлатларни ёқмасдан уларни утилизациялаш ёки шахарлардан ташқаридағи қишлоқ хўжалигига яроқсиз ерларга ёки чукурчаларга ташлаб, устини тупроқ билан беркитиб, рекультивация қилиш лозим. Кўпроқ чиқинди чиқарадиган ёғоч корхоналарида чиқиндилиарни ёқмасдан қайта ишлашига ўтиши керак.

6. Атмосфера ҳавосинн тоза сақлашда саноат объектларини географик шаройитта қараб жойлаштириш мұхим ажамият касб этади. Бунда йирик саноат объектлари ва коммунал корхоналари алохыда саноат зонасыда, үй-жой массивларидан ташқарыда булиши керак. Шунингдек, шамолининг йұналиши үй-жой зонасыдан саноат зонаси томон әсадиган булишига ҳам риоя қилиш лозим.

7. Атмосфера ҳавосини тоза сақлашда автотранспорт газларини, дудларини камайтириш жуда мухимдир. Чунки автотранспорт атмосферага үта захарлы газларни чиқаради. Агар автомобиллар ўрнинг қулай, газ чиқармайдиган электромобилларга фойдаланишига әришсак, у тақдирда атмосфера тоза сақланади.

Шаҳар ҳавосини тоза сақлашда автамобиль ёқилғи сифатнни яхшилаш, хусусан, атмосферага кам газ чиқарадиган, қуюқлаштирилған пропан-бутан газларидан фойдаланишига үтиш яхши натижка беради. Бунда газ түлиқ өниши туфайли атмосферага заҳарлы мөдделар кам чиқади ва бу жарайнни амалга ошириш жуда арзонга тушади.

Автомобиллардан чиқадиган заҳарлы газ миқдорини камайтириш учун яна уларнинг техника ҳолати ва двигателга ёқилғини бир месъерда боришига қатый риоя қилиш керак. Автомобилдан чиқадиган газнинг атмосферадаги миқдори шунингдек, йўлнинг кенглигига, кўча ҳавосининг алмашиб туришига, автомобиль оқимининг шаҳар транспорт артериялари бўйлаб тўхтовсиз харакат қилишига ҳам боғлиқ. Агар чорраҳаларда автомобиллар тўпланиб қолса, ўша жойда заарарли газлар кўпроқ йиғилади. Шунинг учун серқатнов кўчаларда автомобиль тунеллари, кўприклари ва йўловчилар учун ер ости үтиш жойлари қурилади, улар автомобилларнинг тўхтовсиз харакатини таъминлайди. Тажрибалардан маълумки, автомобиль тунили ва кўприклари қурилгандан сўнг, мазкур майдонларда туниель ва кўприк ишга тушгунча бўлған даврдагига нисбатан углерод оксидининг концентрацияси 4 марта камайган.

Шаҳарлар ҳавосини тоза сақлашда транзит транспортларни шахар кўчаларига кўймаслик, уларни шаҳар атрофидағи айланма йўл ҳалиқасини ташкил этиб ўтказиб юбориш яхши натижка беради. Шунингдек, автотранспорт серқатнов кўчалар атрофида ўсимлик зоналари ташкил этиш керак. Чунки бу ўсимлик тўсиклари автомобиллардан чиққан заҳарли газларини ютиб туришдан ташқари шовқин-суронни камайтиради.

Нихоят, шаҳарлар ҳавосини тоза сақлаш учун жамоат транспортининг электроэнергия асосида ишлаб, атмосферани ифлосламайдиган турларидан-метро, троллейбус, трамвайдан фойдаланишига үтиш зарур.

8. Шаҳарлар ҳавосини тоза сақлашида саноат марказларида ҳаво тозалиги мунтазам назорат қилиб туриш катта ахамиятга эга.

Республикамизнинг барча саноатлашган шаҳарларида ва вилоят марказларида атмосфера ҳавосининг ифлосланишини назорат қилувчи маҳсус лабараториялар ишлаб турибди.

9. Атмосферани ифлосланишдан сақлашда, шаҳар ва қишлоқлар ҳавосини соғломлаштиришда ишончли усул – яшил ўсимликлар майдонини кенгайтиришdir. Чунки яшил ўсимликлар ифлос ҳавони фильтрлайди, баргларида чангни ушлаб қолади, ҳароратни пасайтиради, карбонад ангидни ютиб (фотосинтез орқали), биз учун зарур бўлган кислородни ишлаб беради. Маълум бўлишибча, дараҳтлар, буталар ва ўтлар шаҳар ичидағи чангнинг 80%-ини, сульфат ангидридининг 60%-ини ушлаб қолар экан. Дарҳакиқат, шаҳардаги парк, боғлар, қўчалар чистидаги дараҳтлар шаҳар ҳавосини тозалаб турувчи «санитарлик» ролини байкаради. Чунки бўйи 25 метрли битта 80-100 ёшли буқ бир соатда 2 кг карбонат ангидридини ютиб, 2 кг кислород ишлаб беради. Ёки бир гектар қарағайзор 32 т чангни ушлаб қолса, 115 ёшли буқ 45 т чангни, бир туп чинор эса 45 т дан ортиқ чангни баргларида ушлаб қолади. Демак, чаиг кўп бўлган шаҳар ва саноат марказларида кўпроқ кеиг баргли ўсимликлар, хусусан чинор экиш яхши натижка берар экан.

Яшил ўсимликлар ҳавони чаиг ва заарли ғазлардан тозалашдан ташқари яна атмосферага хидли учувчи моддалар – фитонцидлар ажратиб чиқаради. Фитонцидлар эса, ўз навбатида, атмосферадаги ва умуман, ер юзасидаги кўпгина патоген бактериялар, замбурглар ва ҳатто заарли ҳашаротларни ўлдириб, ҳар хил касалликларининг олдини олиб турувчи «санитарлик» ролини ўйнайди. Шу сабабли ўрмонзорлардаги 1 м³ ҳавода 200-300 дона бактериялар бўлса, катта шаҳарлар ҳавосида унинг сони 200-250 баробар кўп.

Маълумотларга кўра яшил ўсимликлар кўп ва жон бошига 2 м³ дан оз тўғри келадиган шаҳарларга нисбатан кишиларнинг ўлиши 1,5 марта кам.

Шундай қилиб, яшил ўсимликлар атмосфера ҳавосини тоза сақлашдан ташқари, кишиларга психофизиологик таъсири этиб, уларга эстетик завқ ҳам беради. Шунинг учун қишлоқ ва шаҳарларимизда яшил ўсимликлар майдонини тинмай кенгайтиришимиз керак.

Кисқача холоса

Ердаги ҳастнинг мавжудлигини асосий шарти атмосфера-нинг мавжудлигидир. Атмосфера асосан озон, кислород, карбонад ангирид, аргон ва бошқагазлардан иборат. атмосфера тўртта катламдан иборат: опропосфера, стратосфера, нопосфера, экзосфера. Атмосфера ҳавоси табиий ва сунъий ифлосланади. Атмосферанинг сунъий ифлосланиши глобал экологик муаммолар (озон тешиги, кислотали ёмғирлар, “иссиқлик эфекти”) ни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, атмосфера ифлосланиши иқлимга, кишилар саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, сув ресурсларига салбий таъсир кўрсатади. Атмосфера ифлосланишининг иқтисодий оқибатлари ҳам мавжуд. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишининг тадбирлари мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Атмосферанинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
2. Атмосфера таркиби ва тузилиши қандай?
3. Атмосфера ифлосланишининг қандай турлари мавжуд ва уларга кисқача таъриф беринг.
4. Ўзбекистонда атмосфера ифлосланишининг манбалари ва ўзига хос ҳусусиятлари.
5. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишининг салбий оқибатлари.
6. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари.

Асосий адабиётлар

1. Барјатов П. Табиатни муҳофаза қилиш. - Т.: Ўқитувчи, 1991.
2. Степановских А.С. Прикладная экология. - М. ЮНИТА. 2003.
3. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т.: Чинор, 2002.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

6.1. Сувнинг инсон ҳаёти ва иқтисодиётидаги аҳамияти ҳамда ер юзида тарқалиши

Ер куррасининг сув қобиги гидросфера дейилади. Планетамиздаги сувнинг 93,96%ини океан ва дениз сувлари, 4,12%ини ер ости сувлари, 1,65%ини доимий музликлар сувлари, 0,026%ини кўл сувлари ва фақатгина 0,0001%ини дарё сувлари ташкил этади. Дунёдаги океан ва денизларнинг умумий майдони куруқлик юзасига қараганда 2,5 баробар кўпдир. Океан сувлари Ер шарининг $\frac{3}{4}$ қисмини эгаллаган бўлиб, ўртача қалинлиги 4000 м га тенг.

Ер юзасининг жами чучук сув микдори 84827200 км кубни ташкил қилиб, бу умумий сув микдорининг 6%ини ташкил этади. Ушбу сувнинг 60 млн. км. кубини ер ости сувлари, 24 млн. км. кубини муз ва корликларга, 750 минг км. кубини кўл сувлари, 75 минг км. кубини тупроқдаги намлик ва фақатгина 1,2 минг км. кубини чучук дарё сувлари ташкил этади (Чирчиқ дарёсининг йиллик сув оқими ҳажми 7 км. кубни ташкил этади). Ер юзидағи жами дарёлар бир ўйлда океанларга 45 минг км. куб сув олиб келади.

Сув ресурсларини қайта тикланиши ва тозаланиши қобилиятига қарамасдан, қишлоқ хўжалиги ва саноатни жадал ривожланиши чучук сув ресурслари сифатига сезилларли таъсир кўрсатди. Агар 1900 йилда жаҳонда сув сарфи 579 км. кубни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 9 баробарга ошиди.

1940 йилдан кишлоқ хўжалигида сув сарфланиши камайиб бормоқда ва аксинча саноатда унинг ҳажми 2 баробарга ошиди. Ҳозирги замонга келиб умумий сув истеъмолининг 65% и (ёки қайтмаидиган сувнинг 85%и) қишлоқ хўжалигига сарфланмоқда, чунки 1900 йилда сўғориладиган срларининг майдони 47 млн. га.ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб 347 млн. га.ни ташкил этди.

Шундан асосий сув истеъмолчилари Осиё (3140 км. куб ёки умумжаҳон сув сарфининг 60%), Шимолий Америка (796 км куб ёки 15%) ва Европа (673 км куб ёки 12%) қитъаларига тўғри келади.

Ҳозирги пайтга келиб жаҳонда сув ҳажми 1 млн. метр кубдан ортиқ бўлган 30000 яқин сув омборлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий сув ҳажми 6000 км кубдан зиёдроқ (бу 1960 йилдаги Орол денизига ўхшаган 6 та сув ҳавзаси демакдир).

Ер куррасида сувнинг бетгұхтов айланиши натижасида дунё оксанларининг суви 3000 йилда, ер ости суви 5000 йилда, музликтар 8000 йилда, күллар 7 йилда, тупроқдаги намлик эса бир йилда, дарё сувлари 31 суткада бир марта алмашыниб, янгиланиб туради.

Сув айниқса организмларнинг яшаши учун жуда мухим аҳамиятта эга. Ер юзидағи тирик организм сувсиз яшаши мумкин эмес. Чунки ҳар қандай ҳайвон, үсимлик ва кишиларнинг хужайра ва тұқымаларида маълум миқдорда сув бор. Үсимлик ва ҳайвонлар организмидә сувнинг миқдори 50-98 %гача бұлади. Гүшт таркибида сув 50 % бұлса, сутда 87-98 %, сабзавотда 80-95 % га стади. Сув айниқса киши организмінің зарур. Чунки инсон вазнининг 70 % и сувдан иборат. Үч күнлик бола баданининг 97 %ини сув ташкил этади. Шу сабабли инсон овқатсыз бир неча хафтагача яшаса ҳам, сувсиз бир неча күн яшаши мумкин, холос. Шундай қилиб, сув инсон баданида маълум миқдорда доимо бұлиши зарур, агар инсон баданидаги сувнинг 12% и йүқөлса, у халок бұлади. Булардан ташқары, сув организмінің терморегулятор вазифасини ҳам бажаради. Шу сабабли бир киши суткада ҳавонинг ҳароратига қараб 2,4-4 литрдан (паст ҳароратда) 6-6,5 литргача (очиқ ҳавода 40 градус бұлғанда) сув ичади. Сув инсон учун, айниқса шахсий гигиенаси учун ҳам зарурдир. Ҳар бир киши үртача шахсий гигиенаси ва мәиший-коммунал зарурияттлар учун суткада 150-200 литр сув ишлатади.

Сувнинг саноат ишлаб чиқариштаги ролі жуда катта. Чунки саноатнинг бирор тармоғи йүқкін үнде сув иштирок этмасин. Шу сабабли 1 тонна ин-газлама ишлаб чиқариш учун 250 м куб, 1 тонна синтетик тола ишлаб чиқариш учун 2500-5000 м куб, 1 тонна никель эритиши учун 4000 м куб сув сафранади.

Сув айниқса қишлоқ хұжалиги учун зарур. Чунки бир тонна бүгдой етиштириш учун 1500 л, 1 тонна жухори етиштириш учун 3 млн. л, 1 тонна шоли етиштириш учун 20 млн. л, 1 гектар пахта учун эса 12-20 минг м куб сув сафранади.

Сувнинг тирик организмінің юқоридаги аҳамиятидан ташқары, у энергия манбаи, транспорт воситаси, оммавий пшиларда ҳам фойдаланылади. Шундай қилиб сув күндалик ҳәстилизнинг ҳамма соҳаларыда күлланиладыган жуда мухим универсал табиий ресурсыдир.

Қишлоқ хұжалиғыда, саноатда, коммунал-мәиший хұжалиқда ва бошқа соҳаларда гидроесфераның фрактат 2 %ини ёки 28.25 млн. км қубни ташкил этувчи чүчүк дарё, күл, актив сув алмашыниши зонасында ер ости сувлари, музликтардаги сувлардан фойдаланылғанда, холос. Бирок чүчүк сув ресурсларыннан 85 %и (24 млн м куб) ҳозирча инсон жуда кам фойдаланастан музликтарга түғри келади.

Кўриниб турибдики, кишиларнинг хўжалиги учун зарур бўлган дарё, кўл ва ср ости сувлар миқдори жуда кам. Бу чучук сувнинг минтақавий стишмаслигидан ташқари глобал стишмаслик ҳавфининг вужудга келишига сабабчиидир. Бунинг устига чучук дарё сувлари сайёрамиз бўйича нотекис таксимланган.

10-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунё аҳолисининг 72 % и яшайдиган Евроосиёда умумий дарё сувининг 31 %ига яқини оқади. Агар Европада жон бошига йилига 4,1 минг м куб, Осиёда 5,0 минг м куб, Африкада 9,1 минг м куб оқим тўғри келса, Жанубий Америкада 34,0 минг м куб оқим тўғри келади. Ер курраси бўйича эса ҳар бир кишига йилига ўртача 7,5 минг м куб дарё суви тўғри келади. Мамлакатлар бўйича ҳам сув ресурслари нотекис жойлашган. Агар Хиндистонда жон бошига йилига 2,8 минг м куб тўғри келса, бу миқдор Норвегияда - 108,8 минг м кубни ташкил этади.

10-жадвал

Материкларнинг чучук сув билан тъзминаланганлиги

Материклар	Дарёларнинг умумий оқими, км куб хисобида	Аҳоли млн. кини хисобида	Йилига аҳоли жон бошига тўғри келадиган оқим, минг м куб хисобида
Европа	2850	710	4,1
Осиё	14810	3000	5,0
Африка	5390	650	9,1
Шимолий Америка	8200	400	21,0
Жанубий Америка	13400	400	34
Австралия	350	17	20,9
Антарктида	Доимий оқим йўқ	Аҳоли доимий яшамайди	
Ер шари бўйича	45000	6000	7,5

Ер куррасининг экваториал қисмида, шимолий ярим шарнинг ўртача ва субтропик минтақаларида сув ресурслари кўп. Жанубий Америка ва Жанубий Африкада бир кишига йилига 19-34 минг м куб оқим тўғри келса, бу кўрсаткич шимолий яримшарнинг субтроник ва ўртача минтақаларида 20 минг м кубдан ортиқроқдир.

6.2. Аҳолиниң жамияттеги тармоқлариниң чүчүк сув билан таъминлаш мүмкілдіктері

Кишилгик жамияттеги фаянсның сувсиз тасаввур этиши мүмкін эмес. Инсон дүнёға келген күндан баштап чүчүк сувдан фойдаланган ва у вактларда тоза сувнинг стилемаслиги сезилмаган. Аҳолининг тез ўсипи, саноаттеги ривожланиши, шаҳарлар сонининг күнайтепи, сұғарма деңгөнчилик майдонининг көнгайып бориши туфайли чүчүк сувга бұлған талаб тобора орта борди. Ҳозирда чүчүк сувга бұлған талаб шунчалық ортиб кетдіки, ҳатто саноатлашған баъзи районларда уннинг стилемаслиги сезилмокта.

Сувдан хұжаликта фойдаланниши иккى гурухга бўлиш мүмкін:

- табиий маңбалардан сув олиб фойдаланиши ёки сув истесъмол қилини. Бунга саноатни, аҳолини, машиний коммунал хұжаликни ва қишлоқ хұжалигини сув билан таъминлаш киради.
- табиий маңблардан сув олмасдан фойдаланиши ёки оқимдан фойдаланиши. Бунга кема қатнови, гидроэнергия олиши, балықчилкідегі фойдаланниши, ёғоч оқизини киради.

Табиий маңбалардан сув олиб фойдаланища дарёлардан, күллардан, ер ости сувидан ёки сув омборларидан олиладиган сувнинг бир қисеми ифлосланиб (бүрланиши, ерга пішмелиб), қолған бир қисеми ифлосланиб табиий маңбаларга құышлади.

Ер шары аҳолисининг тез ўсипи чүчүк сувга бұлған талаби күн сайин ортиб боришига сабабчы бўлмокта. Ер шарыда жон бошига машиний хұжалик әхтиёжлари учун (ичин, овқат пиншірінш, ювинин, кир ювини ва турмушнинг бошка соҳалари учун) шаҳарларда Б. Китанович маълумотига кўра, суткада ўртача 150 л ёки бир йилда 55 м куб, қишлоқларда суткада 50 л ёки бир йилда 18 м куб чүчүк сув сарфланади. Бинобарин, 2000 йил маълумотига кўра Ё куррасида 6,0 млрд киши яшаб, факат машиний әхтиёжин учун бир йилда 189 км куб сув истесъмол қилған. Бунинг 118 км кубни шаҳар аҳолиси, 71 км кубни эса қишлоқ аҳолиси сарфламокта.

Тошкент шаҳрида жон бошига суткада машиний хұжаликлар учун 300 л гача сув сарфланған бўлса, бир йилда 0,2 км кубдан кўп сув керак бўлади. Бу Чирчик дарёсинин йиллик сув миқдорининг 3 %ини ташкил этади¹.

Дунё бўйича сұғарма деңгөнчиликта энг күн сув истесъмол қилинади. Ҳозир дунёда 200 млн. гектар ерип сұғориш

¹ Чирчик дарёсинин йиллик сув миқдори 6,9 км куб.

учун йилига дарёлардан ва ер остидан 2800 км куб сув олиниади. Бу дунёдаги дарёларининг ялни оқимининг 7 %ига түғри келади. Уша олинган 2800 км куб сувининг 17 % ёки 470 км куб қайтарма суви кўринишидан дарёларга ва ер ости сувнiga кўшилади, қолган 83 %и (2330 км куб) эса бутунлай сарфланаб кетади.

Шундай қилиб, Ер куррасида саноат, машиний хўжалик, қишлоқ хўжалик ва бошқа хўжалик иштесъмоли учун йилига 3930 км куб чучук сув ишлатилиб, унинг 1220 км куб дарёларга, оз қисми (қишлоқ хўжалигига) эса ер ости сувларга қайта кўнилиб, уни ифлосламоқда. 1220 км куб ифлос ишлатилиган сувлар тозаланиб, баъзи срларида тозаланмасдан, дарёларга ташлаш оқибатида йилига 11000 км куб чучук дарё сувни ифлослайди. Бу бутун дунё дарёлари оқимининг 32 %и демакдир. Шундан кўриниб турибдики, Ер шарида чучук сувининг стишмаслик ҳафи унинг сугоришда, саноатда, машиний хўжаликда фойдаланилган сувнинг бир қисмини оқава, чиқинди сувларга айланниб, яна дарёларга кўшилишидан унинг сувини ифлосланишидир.

Хозир Ўзбекистонда ҳарак хўжалигининг турли соҳалари учун йилига 71,69 км куб сув сарфланади. Шунинг 60,39 км куб сугоришга, қолган қисми эса (11,30 км куб) саноат, машиний-коммунал ва бошқа соҳаларга ишлатилади. Сугоришга олинаётган сувининг факат 10,07 км куб қайтарма сувга айланади, қолган қисми бутунлай сарфланаб кетади.

Республикамиз саноати, машиний-коммунал хўжалиги ва бошқа соҳаларига сарфланган (йилига 11,30 км куб) сувнинг бир қисми тозаланиб, бир қисми чала тозаланиб, яна бир қисми бутунлай тозаланмасдан сув ҳавзаларига чиқариб ташланади, уларни ифлосламоқда.

Ўзбекистонда олинган чучук сувининг 92 %и қишлоқ хўжалигига, 6 %и саноатда, 0,5 %и коммунал хўжалигига, 1,5 %и буеланинб кетиб сарфланади. Туркменистанда олинган чучук сувнинг 72 %и қишлоқ хўжалигига, 2 %и саноатда, 0,5 коммунал хўжаликда сарфланса, 25,5 %и буеланинб кетади.

Табиий манбалардан сув олмасдан (оқимдан), фойдаланингда дарё ва кўлларда кема қатнови, энергия олини, балиқ овлани ва ёғоч оқизини киради. Дарё ва кўл сувларидан энергия олинида, транспортда, ёғоч оқизинида ва балиқ овланида улар сувларининг факат оқимидан фойдаланилади. Бунда сув микдори камаймайди, лекин баъзан кемалардан тушибан нефть маҳсулотлари ва ёғоч оқизини натижасида дарё суви ифлосланади, моторлар овози эса балиқларга салбий таъсири этишин мумкин, холос.

Сўнгти йилларда сув ресурсларидан дам олиш ва туризмда фойдаланишининг масштаби ўсиб бормоқда. Дам олиш уйлари, турбазалар асосан дарё, сой, жилга, канал, сув омбори, кўллар атрофида жойлаштирилади.

Шу сабабли дам олувчилар ва туристларниң ичиши ва бошқа маниший эҳтиёжлари учун чучук сувнинг сарфланишидан ташқари, ишлатилган ифлос сувларни табиий сув манбалига тўғридан-тўғри тозаланмасдан ташлаб юбориши ҳоллари ҳам учрайди. Натижада ўша ердаги жилга, сой, дарё сувларининг микдорини камайтиришдан ташқари, унинг сифатини ёмонлашиб ифлосланишига сабабчи бўлмоқда.

Орол муаммоси. Дунёда сув сатҳи тезлик билан пасаяётган, аксинча шўрлиги ортиб бораётган берк ҳавзадир. Унинг майдони бундан 40 йил илгари 66,5 минг км квадрат, энг чукур ери 68 м, шўрлиги 9,8 %, сув сатҳи денгиз юзидан 53 м эди. Лекин унинг ҳавзасида суфориладиган срлар майдонинги йил саини ортиб бориши, янги-янги шаҳар, саноат объектларининг вужудга келиши ва аҳолининг қўпайиши натижасида Амударё ва Сирдарё сувига бўлган талаб ортиб, ҳозир денгизга деярли сув қуимаяти. Оқибатда Орол денгизини сув сатҳи 14 м пасайиб, майдони 16 минг км квадратга қискариб, шўрлиги 22-23 %га кўтарилиди, сув ҳажми 290 км куб қискарди. Орол денгизининг саёз-шарқий, жанубий ва шимолий қирғоқларидан денгиз суви 60-120 км чекиниб шурҳоқ срларга айланиб қолди.

II-жадвал

Орол денгизи ҳавзасида ср-сув ресурсларидан фойдаланишини асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Ўлчов бирлиги	1960	1970	1980	1990	1999
Аҳоли	млн. киши	14.1	20	26.8	33.6	39.9
Суфориладиган срлар майдони	минг га	4510	5150	6920	7600	7900
Ялини сув сарфи	куб. км /йил	64.7	83.5	120.7	118.1	107.6
шундак суворинига	куб. км /йил	55.2	74	108.5	106	96.3
1 гектарни суфоринига кетган сув	куб. м / га	12240	14370	15680	13950	12190
Аҳоли жон бошига сув сарфи	куб. м / киши бир йилда	4590	4174	4500	3515	2700
ЯИМ	млрд АҚШдолл.	16.1	32.4	48.1	74	54.5

Ҳозирда ҳавза сувларидан тежамкорлик билан фойдаланилмаслик натижасида, Сирдарё ва Амударё сувлари халиқ хўжалигида бутунлай сарфланиши натижасида Орол денгизининг

суви янада пасайиб, шўрлиги кўтарилиб 41-42 %га етди, денгиз ўрнида шўр ва саёз кичик кўл вужудга келди.

12-жадвал

Орол денгизи ҳавзасида ер усти сувларининг ўртача қўйиллилар кўрсаткичлари, км.куб./йил

Давлатлар	Дарё ҳавзаси		Ҳаммаси
	Сирдарё	Амударё	
Қозоғистон	2.426	0	2.426
Қирғизистон	27.605	1.604	29.209
Тоҷикистон	1.005	59.898	60.903
Туркманистон	0	1.549	1.549
Ўзбекистон	6.167	4.736	10.903
Афғонистон ва Эрон	0	11.593	11.593
Ҳаммаси	37.203	79.28	116.483

Хозирда Орол денгизига Амударё ва Сирдарёнинг суви деярли қўйилмаяпти. Аксинча кўл юзасидан йилинга 40,0 км куб атрофида сув буғланиб кетмоқда. Демак, Орол денгизига сув балансида кириимиға иисбатан сарфи ортнқчадир. Агар Орол денгизига тез орада қўнимимча сув ташланмаса яқин йилларда сув сатҳи ҳозирргига иисбатан 10-15 м пасайиб кетади. Оқибатда кўлда 170 км куб сув қолиб, шўрлиги 77 %га, майдони қисқариб 23 минг км квадратга туниб қолади. Орол сув сатхининг пасайиши минтақада табиий-географик шароитининг ўзгаришига ва у орқали ҳалқ хўжалигига жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар келтириб чиқармокда.

Денгиз суви сатхининг пасайиши туфайли унинг атрофида 3 мли га ер шўрҳоқга айланниб, у ердаги туз, қум ва чангларни учирив атрофидаги обикор ерларнинг ҳар гектарига 0,8-1 т туз келиб тушмоқда. Натижада суғориладиган ерлар шўрлашиб, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, паҳта ва бониқа экинилар ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетмоқда; дengiz сув сатхининг пасайиши туфайли Амударё ва Сирдарё делитасидаги түқайзорлар, яйловлар, ўтлоқлар қуриб қайта чўлланимоқда; дengiz атрофидаги районларда ер ости сув сатҳи пасайиб чорвачиллик учун озуқа бўладиган ўсимликлар қуриб, кўчма қумлар майдони ортмоқда. Агар Орол тақдирин тезда ҳал этилмаса келажакда унинг ўрнида Орол чўли вужудга келади. Бунинг учун келажак авлод бизнинг нопцудлигимиздан, табиатни муҳофаза қилишдаги саводсизлигимиздан, экологик тарбиямизнинг пастлигидан нафраланади. Шу сабабли табиатни бизга инъом этган ажойиб объекти

Оролни энг камида ҳозирги ҳолатида сақлаш учун курашини ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун эса дengизга кўшимча 40 км куб сув келтириш керак. Ҳозирча реал имконият бу Орол ҳавзасида йигилган зовур сувларини тўплаб дengизга оқизишидир. Агар бу вазифа амалга оширилса, йилига кўшимча 20 км куб сув Орол дengизига келиб қўйилиши мумкин. Лекин бу билан Орол дengизи сув сатхини пасайишидан сақлаб қолиш мумкин эмас. Орол дengизи сув сатхини оптимал баланлиқда сақлаш учун халиқ ҳўжалигида дарё сувларидан тежаб фойдаланишига эришиш керак. Бунинг учун биринчидан, суфориш шохобчаларининг фойдали иш коэффицентини ошириш, иккинчидан, суфоришининг энг илғор усулларини қўллаб, экиниларнинг суфориш нормасини насайтириб сувни иқтисод қилиш, учинчидан, мавжуд суфориладиган майдонларда илғор агротехникани қўллаб хосилдорликни ошириш хисобига экин майдонини кенгайтирмасликка эришиш керак.

Дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатларда ҳозир чучук сув стишмайди. ГФР, Бельгия, Нидерландия, Англия, Франция, Данияда, АҚШ, Мексика, Японияда, Африканинг бир қатор давлатларида, Яқин Шарқ мамлакатларида ва бошқа давлатларда чучук сув танқислиги сезилмоқда.

Дунёдаги баъзи давлатларда чучук сув стишмаслигининг асосий сабаблари кўйндагилар:

- халиқ ҳўжалик тармоқлари ва аҳолининг тез ўсиши туфайли чучук сувга бўлган талабининг интенсив ҳолда ўсиши сабабли сув ресурсларининг кўп сарфланиши;
- дарёларининг сув йигадиган ҳавзаларидағи ўсимликларни қирқиши, срларни ҳайдаш, ботқоқликларни қуритиш ва бошқалар туфайли сув тўпланишининг қисқариши;
- чучук сув ресурсларининг саноат, майший-коммунал, қишлоқ ҳўжалик ва бошқа чиқинди, оқава сувлар билан ифлосланиши.

6.3. Ички сув ресурсларини ифлосланишининг асосий манбалари ва салбий оқибатлари

Ички сув ресурсларини ифлосланиши ва бузилишин деганда биз сувда ҳар хил органик, ноорганик, механик, бактериологик ва бошқа моддалар тўпланиб қолиб, унинг физик хоссалари (ранги, тиниқлигига, хиди ва мазаси) ва химиявий таркибининг (реакцияси ўзгаради, органик ва минерал қўшимчалар миқдори ортиб, заҳарли бирималар пайдо бўлиши ва бошқалар) ўзгаришини, сувнинг устида ҳар хил моддалар сузиб, тагига чукавери-

инини, сувнинг таркибида кислороднинг камайиб, ҳар хил бактерияларниң пайдо бўлишини тушунамиз.

Сув ҳавзалари антропоген ифлосланишиниң асосий манбалари ҳар хил бўлиб, уларниң эиг муҳимлари қўйидагилар:

I. Табиий ифлосланиш. Бунга космик чанглар, шамол, дувул, куюн, ёғин ва сел, вулканларниң отилини, ўсимлик ва ҳайвонларниң ўлиши ва чирини, аэропланоилар натижасида келиб чиқувчи моддалар киради;

II. Сунъий ифлосланиш. Бунга эса минерал ифлосланиш, радиоактив ифлосланиш ҳамда органик ифлосланиш киради. Минерал ифлосланиш ўз ичига металлургия, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, төғ-кон, кимё саноатлари орқали вужудга келдиган чиқиндишларни олади. Органик ифлосланиш эса ўз ичига ёғ заводлари, пиво-вино заводлари, машний коммунал хўжалик, чорвачилик саноати ва бошқа шу кабилардан чиқадиган чиқиндишларни олади. Радиоактив ифлосланишга радиоактив чиқиндишлар, ядро қуролларини синаш, радиоактивлашган чиқинди сувларни олади.

Саноат ва машний коммунал хўжалик корхоналаридан ҳам даволаш-соғломлаштириши ва бошқа ташкилотлардан чиқадиган ифлос оқава сувлар; юувучи синтетик моддалар; рудали ва рудасиз қазилма бойликларниң қазиб олинишидаги чиқиндишлар; шахталарда, конларда, нефть корхоналарида ишлатилган ва улардан чиқсан ифлос сувлар; автомобиль ва темир йўл транспортидан чиқсан ташлама сувлар; ёғоч тайёрлани, уни қайта ишлаш ва сувда оқизишда, ташишда ҳосил бўладиган чиқиндишлар; чорвачилик фермалари ва комилексларидан оқиб чиқадиган ифлос сувлар; зипир ва бошқа техник экинларни бирламчи ишлов беришдан чиқсан чиқиндишлар; қишлоқ хўжалик экинларини сувориш натижасида вужудга келган оқава ташландик ва зовур сувлари; ҳар хил минерал ва органик ўғитлар ҳамда заараркунандаларга қарши сепилтган заҳарли хими катлар ишлатилган далалардан оқиб чиқадиган сувлар; шахар ички иосёлкалари ва қишлоқлар территориясида оқиб чиқадиган (ёғин сувлари) сувлар; электр станицяларидан чиқсан исесик сувлар; радиоактив ифлосланиш ва бошқалар.

Сувни ифлословчи бу манбалар орасида эиг муҳим ўринини саноат ишлаб чиқаришидан ҳосил бўлган ва машний-коммунал хўжаликдан чиқсан оқава сувлар эгаллайди. Чунки саноат чиқинди сувлари таркибида тирик организм учун ҳафли бўлган ҳар хил кислородлар, феноллар, водород сульфати, аммиак, мис, рух, симоб, ционид, мишъяқ, хром ва бошқа заҳарли моддалар, ёғ, нефть маҳсулотлари ҳамда ҳар хил биоген моддалар кўп бўлиб,

улар саноат корхоналарида ишлатилган оқава сувлар билин бергә дарё, күл ва сув омборларига қўшилади.

Киши саломатлиги, унинг хужалик фаолияти учун тоза сув катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда ифлосланган сув инсон учун хавфли бўлган хар-хил касалликлар тарқатувчи манбага айланниб, саноат корхоналаридағи технологик жараёнларга салбий таъсир этади, маҳсулот сифатини пасайтириб қимматбаҳо асбоб ускуналарни ишдан чиқаради, гидротехник, темир - бетон иншоотларини, сув қувурларини ва бошқаларни смирилишини тезлаштириб, жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар етказади.

Дарё ва кўл сувларининг зарарли моддалар ва заҳарли химикатлар билан ифлосланиши сувдаги органик ҳаётга таъсир этиб, балиқлар ва сув ўтларини заҳарлайди, қишлоқ хўжалик экинларининг нормал ўсишига ва ҳосилнинг сифатига хам салбий таъсир этади.

Ўзбекистонда дренаж-зовур, саноат ва майший чиқиндилар дарёларга қўшилиши тўфайли, Амударё ва Сирдарёда зарарли моддаларнинг, айниқса экин далаларидан чиққан заҳарли химикатларнинг мумкин бўлган концентрациясининг миқдори нормадагидан 1,8 - 3,0 марта ошиб, оқибатда органик ҳаётга салбий таъсир этиб, балиқлар миқдори камайиб кетди.

Ички сув хавзаларининг ифлосланиши кишилар саломатлигига салбий таъсир этади. Чунки коммунал-майший корхоналардан, касалхоналардан, хаммоллардан, хусусий ўйлардан ва саноат корхоналаридан чиққан ифлос сувлар таркибида медаичак касалликлари, вабо эпидемияси, тиф, ичбуруғи, сил, сибир язваси, столбняк, полимерит, гепатит инфекцияси ва бошқа касалликлар тарқатувчи бактериялар сақланиб қолади ҳамда сув орқали кишилар организмига ўтади.

6.4. Сув ресурсларини ифлосланишдан сақлаш, қайта тиклаш чора-тадбирлари ва тозалаш усуллари

Дунёда аҳолининг тез ўсиши ва урбанизация жараёни, саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг, асосан суфориладиган срларнинг кенгайини чучук сувга бўлган талабни янада кучайтиради, оқибатда ифлос чиқинди сувлар миқдори ортиб, ички сув ҳавзалари тобора ифлосланиб бораверади. Натижада чучук сув ресурсларининг сифатини ёмонлашишидан ташқари, сувнинг табиатда айланиб юриш жараёнига ҳам салбий таъсир этади. Шу сабабли зудлик билан сув ресурсларидан фойдаланишнинг янгидан-янги йўлларини излаб топиш, сув ресурсларининг сифатини текшириш юзаси-

дан қаттиқ назорат ўрнатиш, сув ресурсларининг ифлосланишни мухофаза қилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Сув ресурсларини ифлосланишдан саклашда ва уни қайта тиклашда куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- дунёдаги барча мамлакатлар чучук сувнинг сифат нормативини, яъни сувларда заарарли моддаларнинг нормадаги максимум концентрациясини ишлаб чиқишилари ва жорий этилишига қатъий риоя этиш зарур;

- сув ресурсларининг сифатини пасайиб кетишидан саклаш учун саноат корхоналарида илғор технологияни қўллаб, ифлос оқава сувлар микдорини камайтиришига эришиш керак. Бунинг учун саноат корхоналарида сувдан фойдаланишинг берк (айланма) даврли тизимига ўтиш зарур. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, жумладан, АҚШда, Японияда, ГФРда ва бошқа саноат корхоналари сувдан фойдаланишда шу тизимга ўтган. Бунда маълум саноат корхонасига олинган чучук сув фойдаланилгандан сўнг тозаланиб, совутилиб яна шу корхонада қайтадан фойдаланиш мумкин. Натижада фақат қайтмайдиган сув сарфи (буғланиб кетган қисми, у ётига 10 %ни ташкил этади) тўлдирилиб турилади холос. Ўзбекистон саноат корхоналарида сувдан берк даврда (айланма ва қайта) фойдаланиб, чучук сувни иқтисод қилиши иштироқ кўрсаткичидан анча паст бўлиб, 45 %ни ташкил этади холос. Саноат корхоналарида сувдан берк усулда қайта фойдаланиш Олималиқ кимё заводида яхши йўлга қўйилган. Бунда оқава ишлатилган ифлос сувлар сув ҳавзаларига чиқариб ташламайди, улар тозаланиб қайта ишлатилади, натижада ҳар йили завода 10 млн. м куб тоза сувни иқтисод қилиб қолинмоқда.

Шундай қилиб, саноат корхоналарида сувдан берк ва қайта усулда фойдаланишига ўтиб, бир томондан, ифлосланган сувнинг сув ҳавзаларига оқизилишига чек қўяди, оқибатда дарё, кўл, сувомбори, канал сувлари тоза сакланади;

- сув ресурсларини ифлосланишидан саклаш ва қайта тиклашнинг яна бир чора-тадоирлари, бу бир неча бир-бирига яқин корхоналарнинг сувидан кооперативлаштирилган ҳолда фойдаланишига ўтишдир. Яъни бир корхона ишлатган сувни қувурлар орқали тозаланиб, совутиб, иккинчисига, сўнгра учинчисига ўтказиш мумкин. Сувдан берк усулда кооперативлашган ҳолда фойдаланиш бир оз қимматга тушсада, лекин чучук сув қўплаб иқтисод қилинади ҳамда корхоналардан ифлос сув чиқишига чек қўйилади;

- ифлос чиқинди сувлар микдорини камайтириб, сув ресурсларининг тоза саклашда режали равинада ҳар бир корхона

қошида чиқинди сувларни тозаловчи иншоотларни қуриш ва тозалаш усулларини такомиллаштириб бориш мухим ахамиятга эга. Бу соҳада Ўзбекистонда маълум ишлар қилинаётган бўлса да, лекин сувни кўп ифлословчи кимё, нефть-кимёси, микробиология, рангдор металлургия каби саноат корхоналари қошидаги тозаловчи иншоотларининг ифлос чиқинди сувдаги моддаларнн зарасизлантириш самараси жуда паст. Оқибатда ўша ифлос сувлар тўла тозаланмаслиги туфайли «тозаланган сув» таркибидағи (мис, рух, нефть маҳсулотлари, нитратлар ва бўшқалар) заарали моддаларнинг микдори нормадагидан ортиқдир. Бунинг устига мамлакатимиздаги енгил, озиқ-овқат, сут-гўшт, энергетика каби саноат обьектларида, соғломлаштириш ва кишлөк хўжалик корхоналарида ифлос чиқинди сувини тозаловчи пишоотлар кам, мавжудлари эски ва кичик бўлиб, оқава сувларнинг микдори кўп бўлганилиги туфайли уларнинг бир кисми тозаланмасдан сув ҳавзаларига ташлаб юборилмоқда. Ўша корхоналарда янги, замонавий техника билан жиҳозланган иншоотларни қуриш режаси жуда секин амалга оширилиб, ажратилган маблағнинг фақат 90% и атрофидагина бажарилмоқда. Натижада Ўзбекистонда йилига вужудга келадиган 1283 млн. м куб ифлос чиқинди сувнинг 173 млн. м куб тозаланмасдан сув ҳавзаларига оқизиб юборилмоқда;

• сув ресурсларини тоза сақлашда саноат корхоналарида совутиш ишларини сув ёрдамида эмас, балки ҳаво ёрдамида амалга ошириш усулларини кўллаш зарур. Бу чора-тадбирлар АҚШ, Япония, ГФРда амалга оширилмоқда хамда яхши натижка бермоқда. Ҳаво ёрдамида совутиш 60-70 % чучук сувни тежайди. Ташландик ифлос сув микдорини кескин камайтиради. 1974 йилдан саноат дастгоҳларини ҳаво ёрдамида совутишга ўтилиши натижасида ҳар йили 10,5 км куб атрофида чучук сув тежалмоқда;

• сув истеъмол қилишининг илмий асосланган нормаларини ишлаб чиқиши орқали чиқинди ифлос сувлар микдорини қисқартириш. Чунки ҳозир маълум бир микдордаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун жуда кўп сув истеъмол қилинмоқда. Ўзбекистоннинг Мурунтов олтин конида илғор технологияни кўллаш туфайли сув сарфи уч мартага қисқартирилди;

• сув ресурсларини тоза сақлашда айрим ишлаб чиқариш корхоналарида «куруқ» технологияни кўллаб, чучук сув ишлатмаслик жуда катта ахамиятга эга. Агар 1 т қоғоз тайёрлаш учун ҳозир 250 т сув сарфланса, АҚШ, Англия, Франция ва Японияда қоғозга қуруқ ишлов бериш технологиясини айрим корхоналарда кўллашга ўтиш орқали сув бутунлай ишлатилмайди;

• сув ресурслариниң тоза сақлаб, сифатини яхшилап да иктиисод қилиш мақсадыда келәжакда ҳар бир корхона әхтие-жига олинаётган чүчүк сувнан үчүн эмас, балки дарё, канал, күл, сув омборларига чиқарып ташланыётган ифлос оқава сувнинг микдорига қараб ҳақ тұлашын жорий қилини мақсадға мувофиқ бўлур эди. Бунда маълум корхонадан чиқаётгани оқава сувнинг ифлослик даражасында қараб ҳақ олиниса, ўта ифлос сув үчүн кўпроқ, кам ифлос сув үчүн озроқ ҳақ тұланса натижада, биринчидан корхонадан чиқаётгани ифлос оқава сув микдори қис-қаради, чүчүк сув кам олиниди; иккинчидан, корхоналар берк-айланма усулда сув ишлатишга ўтади; учиничидан, корхона қанча кам ифлос чиқинди сув чиқарса, шунчак кўн маблағини иктиисод қилиб қолади;

• сув ресурслариниң тоза сақлаб, уларни муҳофаза қилишда чиқинди ифлос сувдан суғоришида фойдаланишга ўтиш мухим аҳамиятта эга. Бунда шаҳар чиқинди ифлос сувларидан суғоришида унинг таркибиға қараб, жойнинг табиий географик ша-роитини (тупроқ таркиби, рельефи, гидрологик хусусиятлари ва бошқалар) ҳисобга олиб фойдаланиши керак;

• сув ресурслариниң тоза сақланида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлатылган кимёвий ўғитлар билан ифлосланишини камайтириши керак. Бунииг үчүн қуйидагиларга тұла амал қилини зарур: ўғитларни ишлатып қоңдаларига ва ишлатып нормаларига тұла риоя қилиши зарур; ўғитларни экин экилтган жойларниң ўзига солини зарур; далаларда ўғитларни вактина сақладырылған махсус берк омборлар барып этиши; далада очиқ ҳолда ўғитларни узоқ вакт қолдирмаслик, ўғит солинган жой-лардан суғорини үчүн қуйилған сувни экин экилтган майдондан ташқарыла оқып чиқиншига чек қўйиш ва бошқалар;

• сув ҳавзалариниң заҳарлы химикатлар (пестицидлар) билан ифлосланишиниң олдини олиш жуда мухимdir. Чунки у ўта заҳарлы бўлганлиги сабабли сув ҳавзаларига тушиб сувдаги ўсимлик ва ҳайвонлариниң қирилиб кетиншига сабаб бўлмоқда;

• дарё сувларини ифлосланишидан сақлашда зовур-дренаж сувларидан оқылона фойдаланиши мухим аҳамиятта эга. Шу сабабли, зовур-дренаж сувларини түғридан-түғри дарё ва каналларга ташлаш мақсадға мувофиқ эмас. Ўрга Осиё шароитида зовур-дренаж сувларини бир ўзанга тўплаб Оролга оқизишга эришиши керак. Бунда биринчидан, дарё сувлари ифлослан-майди, иккинчидан, Орол сув сатхини маълум юзада ушилаб ту-ришига кўмаклашади;

• сув ҳавзаларини тоза сақлани учун чорвачилик комплекслари ва фермалардан чиққан ифлос сувлар ва гўнгларини сув

хавзаларига түшишінга мутлақо чек қўйиш керак. Бунинг учун чорвачиллик комплекслари ва фермаларни шундай жойлаштириши керакки, биринчидан, унинг чиқинди ифлос сувлари, гўнгларидан фойдаланаадиган қишлоқ хўжалик экин майдонларига яқин бўлсин, иккинчидан чорвачиллик комплекслари ва фермалар табиий сув манбаларидан узокроқда бўлиб, унинг ифлос чиқиндилари ёмғир сувлари билан ювиліб, сої, ариқ, дарё ва каналга тушмасин;

- сув ресурслари тоза сақлашда саноат, машший коммунал хўжаликларидан чиқкан ўта ифлос сувларни ер остида сақлаш усули катта аҳамиятга эга. Бунда ифлос оқава сувлар ер ости сув қатламига алоқаси бўлмаган жинслар орасига юборилади. Вакт ўтиши билан улар табиий ҳолда тозаланиб, сўнгра сувли қатламга ўтиши мумкин;

- сув ресурсларини тоза сақлаш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган яна бир чора-тадбир бу ёғоч оқизишда дарёларнинг ифлосланишинга йўл қўймаслик, жўмладан ёғоч оқизиш қонда-қонуиларига риоя қилиш, дарёларда ёғочларни якка-якка оқизмаслик, дарёларга ёғочларнинг чўкиб қолишига йўл қўймаслик ва дарёларни ёғочлардан тозалаб туришdir;

- сув ресурсларини ифлосланишидан сақлашда ва уни қайта тиклашда гидрологик-географик чора-тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Гидрологик-географик чора-тадбирларга дарёлар сув режимиини бошқариш, ер ости сув омборларини ташкил этиш, ўсимликлар копламишини, яъни ўрмонлар майдонини кенгайтириши кабилар киради;

- ниҳоят, чучук сувини тоза сақлаш ва уни иктисад қилиб қолишида шаҳар, ички посёлкалари ва қишлоқлардаги водопровод жумракларини очиб, чучук тоза сувни бекорга оқизишга чек қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Агар водопровод жумраги очиб қўйилса 10 секундда 1 л, 2 соатда 1 м куб чучук тоза сув бекорга оқиб кетади. Факат Тошкентда «Водоканал» трестининг маълумотига кўра, 29,4 % хонадонларда сув жумракларининг носозлиги туфайли 1986 йили 11 мли. 230 минг м куб ичимлик сув исроф бўлган. Натижада суткада киши бошига 270 л ўрнига 467 л ичимлик суви сарф қилинган.

Саноат ва урбанизация жараёнининг ҳозирги даражасида сув ресурсларини ифлосланишидан сақлаш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг ўзи старли эмас. Шу сабабдан, ифлос оқава чиқинди сувларни тозалаб ва зарарлизлантирилиб, сўнгра табиий манбаларга оқизиш керак. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида ифлос оқава чиқинди сувларни

тозалашда бир қатор усуллардан фойдаланилмоқда. Булардан энг мұхымлари механик, кимёвий, электролиз, биологик каби тозалаш усулларидір.

1. Механик тозалаш усули. Ифлос оқава чиқиңди сувларни механик усул билан тозалашда маҳсус иншоат қуриліб, сувда әримаййдиган моддалар ушлаб қолынади. Агар сувдаги араалашмаларнинг хажми 5 мм дан катта бұлса темир панжара ёрдамида, ундан кічине бұлса, темир турлар орқалы тутиб олинади. Ифлос сувлар үстіда сузіб юрувчы суюқ моддаларни ёғтуугич, мойтутгич, нефтьтутгич, смолатутгич билан ушлаб қолынади. Шуниндеңдек, ифлос сувлар маҳсус сув тиіндіргічларда тиіндіриліб, қаттық заррачалар чўктириллади, снгиллари сув юзасига чиқарылған, ушлаб олинади.

Механик усул билан мәншій хўжалик чиқиңди сувларидаги әримай қолган араалашмаларни 60%гача, саноат чиқиңди сувларидаги ўша моддаларни 95%гача тозалаш мүмкін. Бунга Тошкент шаҳридаги Салор чиқиңди сувларни тозаловчи иншо-от тишик мисолдір.

2. Кимёвий тозалаш усули. Бунда ифлос чиқиңди сувни тозалашда унга реагентлар (реактивлар) қўшиб, реакцияга киритиб, эриган ва әримаган ҳолдаги ифлослантирувчи моддалар чўктириллади ёки заарасизлантириллади. Ифлос сувларни кимёвий тозалаш усули орқалы сувдаги әримаган моддаларни 95 %гача, эриган ҳолдагисини 25 % гача тозалап мүмкін.

3. Электролиз тозалап усулида маҳсус иншоотда (электролизларда) тұпланған ифлос чиқиңди сувға электр токи юборылади. Натижада ифлос сувдаги заарарлы моддалар емриллади, металлар, кислоталар ва бошқа аиорганик моддалар эса сувдан аякратиб олинади. Уибу усул сўнгги йилларда жаҳоннинг кўп мамлакатларида қўлланилмоқда.

4. Биологик тозалаш усули. Матъумкі, механик, кимёвий ва электролиз усуллари билан ифлос сувларни тозалаш биринчи босқыч ҳисобланади. Иккінчи босқыч эса механик, кимёвий ва электролиз усули ёрдамыда тозаланғансувларни яна биологик тозалашдан ўтказыши, сўнгра сув ҳавзаларига ташлашдан иборат.

Қисқача хулосалар

Сув табиатнинг бебаҳо исьматидир. Сув ресурслариниң ердаги ҳаёт учун аҳамияти жуда улкандр. Сув ресурслари ер юзасида нотекис жойлашган. Айрим мамлакатлар ва минтақаларда сув танқислиги сезилмоқда. Сув ресурслариниң ифлосланиши ва бузилишини манбалалари жуда хилма-хил бўлиб асосийлари саноатнинг оқава чиқит сувлари дир. Сув ресурслариниң ифлосланиши салбий оқибатларга олиб келмокда. Сув ресурсларини ифлосланишининг оддини олиш, қайта тиклаш чора тадбирлари, тозалаш усуллари жуда хилма-хилдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлари

1. Сувнинг инсон ҳаёти ва иқтисодиётидаги аҳамияти қандай?
2. Чучук сув ресурсларининг глобал жойлашишини таърифланг.
3. Аҳолини ва хўжалик тармоқларини чучук сув билан таъминлаш муаммолари нималардан иборат?
4. Чучук сувнинг баъзи жойларда стилемаслик (танқислик) сабабларини ёритиб беринг.
5. Ички сув ресурсларини ифлосланиши ва бузилишининг асосий манбалари нималардан иборат?
6. Сув ҳавзаларининг ифлосланишини салбий оқибатларини кўрсатиб беринг.
7. Сув ресурсларини ифлосланишдан саклаш ва қайта тиклаш чора-тадбирлари қандай?
8. Ифлос чиқинди оқава сувларни тозалаш усуллари қайслар?
9. Ўзбекистонда сув ресурслари билан боғлиқ бўлган муаммоларни айтиб ўтинг.

Асосий адабиётлар

1. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. - Т.: Ўқитувчи, 1991.
2. Степановских А.С. Прикладная экология. - М.: ЮНИТИ, 2003.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т.: Чинар ENK, 2002.
4. Акимов Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития. - М.: Российская экономическая академия, 1994.
5. Акимов Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. Экология: природа - человек - техника. - М.: ЮНИТИ - Дана, 2001.

ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

7.1. Ернинг ҳусусиятлари

Ер пустининг энг устки унумдор қисеми тупроқ бўлиб, у литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферада узоқ вақт мобайнида бир биро билан боғлиқ бўлган физикавий, кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида вужудга келган. Тупроқ унумдорлигини вужудга келишида тирик мавжудотнинг, айниқса микроорганизмларининг роли катта бўлиб, улар ҳаёт фаолияти ва халок бўлиши натижасида тупроқни маълум миқдорда органик моддалар билан бойитади. Шу тариқа тупроқнинг устки қатламларида унумдор қисеми вужудга келади. Бу қисмдаги органик моддаларнинг баъзилари, бир томондан, сув таъсирида эриб, сизот сувлар сатхигача ювилаб тушса, иккинчи томондан, ўсимликлар илдизлари орқали ўша тупроқнинг чукур қисмида ўсиши учун зарур бўлган биринчаларни биринчириб олади. Натижада ўсимлик тупроқдан олинган минерал моддалар ўсимлик халок бўлгандан сўнг тупроқнинг устки қатламида қолади. Тупроқдаги ўша органик қолдиқларининг парчаланишидан биринчалар хосил қиласи.

Шундай қилиб, тупроқ тарқибида ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг чиришидан хосил бўлган маҳсулотлардан гумус вужудга кетади. Демак, моддаларнинг айланма харакатида тупроқ хам иштирок этади, уни олимлар биологик айланма деб атаган. Бу айланма жараён туфайли тупроқнинг унумдорлик хусусияти доимо сақланиб туради. Бу соҳада органик ва минерал ўғитларнинг роли жуда катта. Ўғитлар туфайли янги озиқ моддалар вужудга келибгина қолмай, балки тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари яхшиланиб боради ҳамда унумдорлиги ошади. Демак, тупроқ табиатиниң бонка элементлари билан доимо алоқада бўлиб моддаларнинг умумий айланма харакатида муҳим роль ўйнаиди. Тупроқ, энг аввало, ўсимлик, ҳайвонлар ва микроблар билан бирга мураккаб экологик тизимни (биоценоз) вужудга келтиради ва планстамиз биосферасида ҳаётнинг яшашини таъминлашдек муҳим вазифани бажаради.

Литосфера билан атмосфера ўртасида моддаларнинг алмашинини ҳам тупроқ таъсирида содир бўлади. Шамол натижасида тупроқ устидан кўтарилиган чанг-тўзонлар атмосфера га стиб, ҳавонинг тинниқлигига путур стказади. ср юзасига

келаётган ёруғлик энергияси таъсирини сусайтиради, ёғинларнинг вужудга келишига ҳам таъсир этади. Ёғин сувлари ва шамол таъсирида тупроқ микрорельфи ўзгаради.

Инсон яшаш учун зарур бўлган озуқа ресурсларини ҳам, оксан ва денгиз ресурсларини хисобга олмаганда, ўз ҳаёти учун керак бўлган хамма нарсани тупроқдан олади. Ҳозир Ер шари қуруқлик юзасининг 10,8%и ҳайдаб экин экиладиган ерлардир. Ер шаридаги экинзорлар умумий майдонининг фақат 14% и сугориладиган ерлардир; ана шу сугориладиган ерлардан олинган ҳосил ҳозир дунё ахолисининг 50 %ини озиқ-овқат билан таъминламоқда. Кўриниб турибдики, планетамида ҳали экин экишга ва сугоришга ярокли ер ресурслари кўп.

Сайёрамизда тупроқ қоплами табиатнинг бошқа компонентлари каби экватордан шимолга ва жануб томон зонал ўзгариб боради, тоғлик ерларда эса баландлик минтақалари ҳосил қиласди. Жойнинг геологик тузилиши, иқлими, ўсимликлари ва бошқа табиат компонентлари таъсирида ҳар бир табиат зонасининг тупроқлари турличадир. Ер шари қуруқлик юзаси умумий майдонининг 31 %ига яқини тупроқлари учча ривожланмаган жойларга тўғри келади (15 %ини муз ва тундра зоналари, 15,2 %ини тоғлар, 0,7 %ини қуруқликдаги сувлар ишғол қиласди). Қолган 69 фойизини эса тупроғи яхши ривожланган ўрмон, ўрмонли дашт, чала чўл, чўл, саванналар, субтропик, тропик зоналар ва дарё водийларидағи аллювиал тупроқли ерлардир.

Табиат зоналарида тупроқ қопламининг характеристи ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиши табиий омил таъсирида турлича бўлади. Мўтавъдил минтақада жойлашган қенг баргли ва аралаш ўрмонларда сур тусли ўрмон тупроқлари, ўрмонли дашт ва даштларда қорамтири ва кора тупроқлар зоналари ҳозирча кўпроқ ўзлаштирилган. Бу тупроқ зоналарида бутун ер майдонининг 26-35%ини экинлар ва ўсимликлар экилган жойлар эгаллайди. Дехқончиликда фойдаланиш даражаси жиҳатдан кизил тупроқли субтропик зона 13%ни, каштан ҳамда кўнғир тупроқли чўллар зонаси 7%ни, иссиқ минтақада жойлашган бўз тупроқли чўл зонаси 2%ни ва қизил-кўнғир тупроқли саванна 2%ни эгаллайди. Табиий шароитнинг ноқулайлиги туфайли тундра зонасида дехқончиликда фойдаланилайдиган ерлар йўқ. Дунё ер фонди 13393 млн.га бўлса, шундан 4041 млн.га (30,1%) ўрмонлар билан қопланган ерлар, 2987 млн.га (22,3%) ўтлоқ ва яйловлар, 1457 млн.га (10,8%) ҳайдаладиган ва экин экиладиган ерлар, қолган 4908 млн.га (36,8%) кумли чўллар, музлик ва қорликлар, қишлоқ ва шаҳарлар, саноат обьектлари ишғол қиласган ерларга тўғри келади.

Сайёрамиз тупроқ қатлами табиий ҳолатининг ўзгаришига қишлоқ хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган тадбирлар – тупроқка минерал ўғитлар солиш, тупроқ шўрини ювиш; ерларни текислаш) ва ҳ.к.лар муайян дараражада таъсир кўрсатади.

Кўплаб ахоли нунктлари, завод-фабрикалар, йўллар, каналлар, сув омборлари, карьерлар-бекорчи жинстар уюмлари (отвал) вужудга келиши унумдор тупроқли ерлар майдонининг қисқариб боришига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарларнинг тез ўсиши билан қишлоқ хўжаликни яроқли ерлар майдони қисқариб бормоқда. Масалан, АҚШ да шаҳар ва саноат обьектлари қуриш учун йилнига ўртacha 1,2млн.га ср ажратилади. ГФРда шаҳар қурилиши туфайли йилнига 260 км² ўрмон ёки хайдаладиган ерлар майдони қисқармоқда. ГФР умумий ср фондининг 10%дан ортигини шаҳар ва йўллар ишфол килса, Буюк Британия умумий худудининг 12%нни шаҳарлар эгаллаган.

Ер шарида суткасига ахоли жон бошига 27т минерал хомашё казиб олиниб, унинг умумий ҳажмига нисбатан 2 % миндорида руда ажратиб олинади, қолган қисми (98%) чиқинди таринкасида атрофдаги қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларга ташланади. Очиқ карбер усулида қўмир ва бошқа қазилмалар қазиб олиш натижасида катта майдондаги ерлар бузилган.

Карьер-отваллар ҳисобига қишлоқ хўжалик айланмасидаги ерларнинг қисқариши Ўзбекистонда, айниқса Ангрен ва Олмалиқ төғ-кон саноати раёнларида содир бўлмоқда. Шу сабабли ўша карьер – отвал ишфол қилган ерларни тезлик билан рекультивация қилиш лозим.

Бундай ишлар АҚШда 1943 йилдан бошланган. Биргина қўмир комианиясига қарашли 10минг га карьер-отвалли ерга қайта дарахт экилган. Қайта тикланган бу оромгоҳга ҳар йили 200 минг киши келиб дам олиши, ов қилиши натижасида бунга сарфланган харажатлар тез орада қонланган. Канзас штатидаги яйловларнинг 80 %ини рекультивация қилган карьер-отвалли ерлардир.

7.2. Ўзбекистон ср ресурслари ва улардан фойдаланишини такомиллаштириш муаммолари

Ўзбекистон Республикасининг майдони 447,4 минг км². Шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 28081,0 минг га суфориладиган ерлар 4,2 млн.га дан зиёд, яйловлар ва пичанзорлар – 2296,0 минг га хайдаладиган ерлар 761 минг га, ўрмонлар майдони 1.03 млн. га ни, яйлов ва пичанзорлар майдони 24 млн. тани ташкил этади.

Беда экиладиган майдонларнинг камайганлиги суформа срлар маҳсулдорлигига салбий таъсири кўреатилаётганлиги сезилмоқда, шунингдек, чорва учун ҳам озуқа камайиб бормоқда. Пахта ҳосилдорлиги ҳар гектар майдонга 26ц дан 22,4ц га камайди, ем-хашак экинларнико эса 1,5 марта пасайди. Тан олиш керакки, суформа срларда экинлар экиш тузилмаси халигача такомиллаштирилмаган. Бундан ташқари ҳар йили турли сабабларга кўра ерга экин экилмай қолиб кетишини қандай изоҳлаш мумкин. Бу борадаги кўрсаткич йилига республикада 130-140 минг га ни ташкил қиласди.

Суғориладиган срлардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган муаммолардан бири срларнинг шўрланиши даражаси ортиб бораётганидир. Бинобарин республикада срлар 4 млн. 220 минг га бўлиб, шундан 1 млн. 943 минг гектари шўрланмаган, қолгани турли даражада шўрланган. Узбекистонда барча тупроқлар тарқалган худуднинг 31% и дефляфияга берилимаган холос. Эрозия айниқса, лалмикор срларда кенг миқёсда рўй берган бўлиб, умумий майдони 700 минг га дан зиёд.

Суғориладиган ва лалми срлар маҳсулдорлигини яхшилаш чоралари қўйидагилардан иборат: срларни капитал ва жорий текислаш, шўр ювишни ўз вақтида сифатли ўтказиш, минерал ва органик ўғитлардан оқилона фойдаланиши, пахтазорлар майдонини қисқартириш, тупроқларни бонититлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қисқача хулосалар

Ер пустининг энг устки умумий қисми тупроқ дейилади инсон үз хасти учун керак бўлган хамма нарсани тупроқдан олади. Биологик айланма ҳаракатида тупроқ иштирик этади.

Тупроқнинг хусусиятлари баландлик минтақалари зонаси ўзгариб боради. Сугориладиган ерлар қишлоқ хўжалик ерларининг энг қимматлиси ҳисобланади. Ерларининг унумдорлигига эрозияга, десклозия таъсир этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ердан оқилона фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?
2. Тупроқ-ср ресурслари муҳофаза қилиш чораларини айтинг.
3. Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўлларини таърифланг.
4. Ўзбекистоннинг ср ресурсларини баҳоланг.

Асосий адабиётлар

1. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
2. Степоновских А.С. Прикладная экология. – М.: ЮНИТИ, 2003.
3. Национальный доклад. О состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан 2001.
4. Акимов Т.А., Хаскин В.В. Основы экоразвития. – М.: Российская экономическая академия, 1994.
5. Акимов Т.А., Кузьмин А.П., Хаскин В.В. Экология: природа-человек- техника. – М.: ЮНИТИ. Даны, 2001.

БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

8.1. Биологик ресурсларни хусусиятлари

Табиий ресурслар орасида биологик бойлуклар алохид аҳамиятга эга, чунки улар тугалланмайдыган ресурслар бўлиб маҳсулотларни чексиз муддатда беради. Ўсимлик ва ҳайвонот олами бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ. Агар ўсимликининг бир тури йўқолса ҳашоратларниң 10 дан то 30 туригача қирилиши мумкинлиги аниқланган, ёки баъзи ҳайвонлар шу жойни тарк этиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси барча жойларда сақланиши зарур. Ер куррасида қарийб 1-1,5 млн. ҳайвон турлари яшайди. Бу миқдор ўсимлик турлардан уч марта кўп. ЮНЕСКО матълумотига кўра кейинги юз йил мобайнида инсонниң ҳўжалик фаолияти 25 минг турдаги олий ўсимликлар ва 1 минг турдаги умуртқали ҳайвонларниң қирилиб кетишими хавф остида колдириди.

Ўсимликларниң инсон ҳастидаги аҳамияти ниҳоятда катта: атмосферада кислород балансини тартибга солиб туради, даъловочи ва санитария-тигисеник хусусиятларга эга. Ўрмонлар ҳаводан ис газини истеъмол қилиб тирик организм учун накадар зарур бўлган кислородни фотосинтез йўли билан сткашиб беради. Аниқланишича, 1 га майдондаги яхши ҳолдаги дарахтзор бир йилда 4,6-6,5 т ис газини ютиб 3,5-5,0 т кислород ишлаб чиқаради. Шунингдек, куруқликдаги фитомасса ис газини кўл, дениз ва океанлардаги фитонланктонга иисбатан икки марта кўп истеъмол қилас экан. Сайёравий миқёсда кислород балансини барқарорлаштириша шимолий ярим шардаги иғна баргли ва тропик ҳамда субтропикларниң абадий ям-яшил баргли ўрмонлари энг кўп аҳамиятга эга.

Ўсимлик қоплами ёғин-сочинининг асосий қисмини ўз таналарида тутиб қолганлиги туфайли юзаки эрозиянинг олдини олади, дарахтзорлар зич ўсган дарё ва соё водийларида сурйлма, сел ва чуқурлама эрозия каби ҳодисаларниң содир бўлиши камдан-кам бўлади. Ўсимлик олами, айниқса, тоғ ён бағрларида қор қопламиининг эришини секин-аста кечинига таъсир этади. Текисликларда ўрмон ва ихотазорлар шамол эрозиясининг олдини олади, ёзниң жазирама кунларида соя-салқинли ўзига хос микроиқлим вужудга келтиради.

8.2. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан фойдаланиш муамолари

Республика табиий шароитларининг турли-туманилиги, унинг биологик бойликларининг ҳам ҳар хил бўлининг таъсир этади. Ҳозирда ўсимликларнинг 4168 тури мавжуд бўлиб, уларнинг 577 тури доривор ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди 10 млн. га, шундан қарийб 2 млн. га майдон ўрмон билан қопланган. Ўрмонли ерлар текисликда, қумли худудда 3 млн. га, тоғ ёнбағирларида 0,5 млн. га дан зиёд, қайирлардаги ўрмонлар майдони 31 минг га, тоғ водийларидаги тўқай ўрмонлар майдони 23 минг га. Республикамиз ўрмонларга анча камбағал, мамлақат худудининг 5 %ини ташкил қиласди. Авваллари, хаттохи XIX асрнинг ўрталарига қадар тоғ ёнбағирларининг 700-800 м баландлигигача кенг баргли ва майдон баргли ўрмонлар тушиб келгани. Адирлар ва паст тоғлар писта ва бодомзорлар билан қопланган эди, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Зомин, Соҳ, Санзар ва бошқа дарёлар орқали кесилган боғланган ҳолда (сол килиб) ўрмон ёғочлари оқизилган. “Туркистанские ведомости” газетасида босилган (В.Лим, 1996) хабарига қараганда XIX аср охирларида Самарқандга ҳар йили Панжикент ва Коратенадан кенг баргли ўрмон ёғочларини ёқини натижасида тайёрланган 13440 пуд (1пуд-16кг), арчаларни кесиб тайёрлаган 21120 пуд кўмир келтирилган, яъни йилига 16800 кенг баргли ва 17 минг дона арча дарахтлари кесилган. Тоғлардаги арчазорлар, бодомзорлар, олмазорлар, олчазорлар текислик ва тоғ этакларидаги шаҳарларда яшовчи аҳоли томонидан қурилиш материали, “писта” кўмир тайёрлаш учун тўхтовсиз қирқилиб турган, тоғлардаги дарё ва сой водийларида топилган мис, темир рудаларидан металл олишида кўплаб дарахтлар кесиб ёқилган, шунинг учун ҳам тоғ ёнбағирлари ва дарёлар бўйларидаги тўқайзорлар ўрмонларга жуда ҳам камбағал. Арчазорлар сийрак, баъзан катта майдонларда арча учрамайди, уларни асосан 1800-2000 м баландликдан бошлаб ўсиши кузатилади.

Текисликларда ҳам қора ва оқ саксовул, чиркез, қандим, шувоқ, тўқайзорлардаги турандил, жийда, тол асосан ёқилғи сифатида қирқилиб турганлиги туфайли улар эндиликда сийрак учрайди. Қашқадарё, Зарафшон, Амударё, Сурхондарё, Чирчикнинг тўқайзорлари XX асрга қадар асосан қирқиб бўлинган эди, факат опда-сонда кичик майдонларда дов-дараҳтлар сақланиб қолган. Тўқайзорлар кейинги йилларда беармон йўқ қилинди. Бинобарин, инсоннинг хўжалик фаолияти ўрта асрлар, хусусан XVIII-XIX асрларда ўсимлик қопламиини анча сийраклашувига

жиддий таъсир этган, XX асрда дов-даражтларни қирқини, янги срлар очиш мақсадида тўқайзорларни йўқ қилиш давом этди.

Ўзбекистонда ўрмонларни географик жойлашувига мувофиқ уч тоифага бўлиниади: 1) тоғ, 2) чўл ва 3) тўқай ўрмонлари. Тоғли худуд мамлакатда 6634 минг га га тенг. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон қўмитаси (1995) маълумотига кўра шу майдоннинг 601,1 минг га қисмида ўрмон ўсиши мумкин, ҳозирги кунда эса атига 105 минг га дан зиёдроқ худуд ўрмон билан банд. Тоғ ёнбағирларининг ўрмон билан қопланганлик даражаси 2,5 %. Тоғ ўрмонларига унинг сийраклиги, якка ҳолда ўсувчи дараҳтларнинг кўплиги, дараҳтзорлар орасида яланг бўш жойларнинг бисёrlиги хос. Тоғ ўрмонларини асосини арчазорлар, пистазорлар ва ёнғоқ, мевали дараҳтзорлар ташкил қиласди.

Арча ўрмонзорлари уч турдаги, яъни яримшарсимон, Зарафшон ва Туркистон арча турларидан иборат. Зарафшон арчаси (кора арча) кенг тарқалган ва 1500-2300 м баландликда учрайди. Яримшарсимон (совур) арча 2000-2700 м баландликда тарқалган. Туркистон арчаси асосан Туркистон тоғ тизмаларида 2200-3100 баландликда учрайди.

Тоғ ўрмонлари орасида пистазорлар майдон жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаиди. Писта-қурғоқчиликка чидамли ва қимматли мевали дараҳт. Пистазорлар соғ ҳолда қурғоқчил тоғ этаклари ва паст тоғлар ёнбағирларида тарқалган. Пистазорларнинг асосий қисми Боботоғ тизмасида (Сурхондарё, майдони 50 минг га), қисман Самарқанд атрофида ва бошқа тоғли худудларда учрайди. Арчазорлар билан пистазорлар оралигида бодомзор, ёнғоқ, тоғолча, олма, ўрик, дўлана, наъматак, кора қанд ва бошқа дараҳтли ва бутали ўрмонзорлар жойлашган. Улар кўйлаб мева бериши билан бирга, ёнбағирларин сурилма ва эрозиядан муҳофаза қиласди.

Тоғ ўрмонларининг аҳамияти беқиёс катта, лекин аҳоли ёқилғи билан тўла таъминланманганлиги ва қурилиш материаллари билан ҳам барча жойларда старли таъминланмаганлиги туфайли ўрмонларни қирқини ҳоллари учраб туради. Бозор иктисолиётни шароитида, айниска қурилиш материалларининг қимматлиги аҳолини ёнбағирлардаги дараҳтларни қирқинига ундиайди. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида ҳар бир оила бир йилда ёқилғи сифатида ўртacha $15\text{-}20 \text{ м}^3$ ўтин тўплайди. Қуриган дараҳт ва буталар билан бирга ўсиб турган дараҳтлар ҳам қирқилади. Умуман Уғом, Чотқол минтақасида ҳар йили камида 21 минг м^3 дараҳт ва буталар қирқилади. Агар бу майдорни бошқа тоғли вилоятларни ҳам кўшиб хисобласак катта ҳажмда ўтин тайёрланишини аён бўлади.

Чўл минтақасида ўрмонларининг аҳамияти ишҳоятда узуферор. Кумли чўлда қумларниң кўчиб юришини тұхтатса, сурорма ерларда тупроқни учиб кетишига тўғонок бўлади, яйловларда бута ва дараҳтларни мавжуд бўлиши қоракўл қўйлари иштесъмол қиласидиган турли хил ўт-ўланларининг ўсимиши имкон беради. Оқ ва қорасаксовул, черкез, чоғон, қандим ўрмои ҳосил қилувчи дараҳт ва буталар хисобланади. Улар зич ўсган жойларда яйловлар маҳсулдорлиги гектарига 2 ц дан кам бўлмайди, баъзан 4-5 ц гача кўтарилади.

Аммо Республикасининг чўл қисмида геологик-қидирув ишларининг фаоллашуви, автотранспорт ҳаракатининг кучайиши, турли маъданларни қазиб олишини кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги, шаҳарчалар қурилаётганлиги яйловлар майдонини қисқаришига таъсир қилмоқда, мавжуд ўрмонлар қирқилмоқда. Хисоб-китобларга қараганда 1 км масофада магистрал қувурлар ётқазилиши камида 4 га майдондаги яйловларни бузилишига таъсир этади.

Чўл минтақасида ҳозирга келиб 1 млн. га майдонда ҳаракатдаги қумлар вужудга келган, уларда ҳеч қандай ўсимлик ўсмайди ва яйлов сифатида фойдаланилмайди. Шунингдек, 5 млн. га майдонда маҳсулдорлиги жуда ҳам кам бўлган (гектарига 0,5 ц) яйлов вужудга келган, бу худудда ҳаракатчан қум масивлари устуворликка эга. Улар мавжуд яйловлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатида таркиб тоғсан. Воҳалар (Бухоро, Қарши, Қоракўл, Қорақалпогистон, хусусан Тўрткўл, Элтиққатъя) билан қумли чўлларни бир-бирлари билан туташган минтақалирида 200 минг га майдонда ҳаракатдаги (барханли) қум шакллари мавжуд. Бу ҳол ёқилги сифатида саксовуллар, черкез, чоғонини қиркини натижасида вужудга келган.

Тўқайзорлар йилдан йилга камайиб бормоқда. 1978 йилда уларниң майдони 78 минг га, 1983 йилда-34 минг га, 1992 йилда-31 минг га ча камайди. Амударё дельтасида дараҳтли-бутали тўқайларниң майдони чўллашини муносабати билан, айниқса тез муддатларда кескин қисқармоқда. 60-йилларга қадар худудда тўқайзорлар майдони 270 минг га бўлган ҳолда уларниң майдони ҳозирда 10-15 марта камайди. 70-80-йилларда нахта майдонларини кенгайтириш баҳонасида дарёлар ўзанларига қадар янги ерлар очилди, шунинг учун ҳам кўп тўқайзорлар айни шу даврда бутунлай ўқолди.

Узбекистонда ҳайвонот дунёсининг 600 га яқин тури яшайди, сут эмизувчиларниң 97 тури, қуцларниң 379 тури, судралиб юрувчиларниң 58 тури мавжуд. Республика табиатни муҳофаза қилини давлат қўмитасининг маълумотига кўра,

Ўзбекистонда ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган жойларнинг майдони 38 млн га дан иборат, шундан 0,5 млн га сув хавзаларига тўғри келади. Ҳар йили ўртача 60 минг тача сувда сузуви қушлар, тахминан 2 минг тустовуқ, 13 минг каклик, 500 бош ёввойи тўнғиз, бир неча мингта саїғоқ, 50 мингдан 100 мингтагача тош бақа, 10000-100000 тагача қурбақа ва бошқа ҳайвонлар ов қилинади. Албатта, булар расмий маълумотлар, аслида ов қилинадиган ҳайвонлар, айниқса, қушлар сони бундан кўп, броконъерлар тутган ва отган ҳайвонлар миқдорини хеч ким ҳисоб-китоб қилмайди. Щунинг учун ҳам республикада назорат ўрнатилишига қарамасдан ов қилинадиган ҳайвонларнинг сони борган сарп камайиб бормоқда.

8.3. Биологик ресурслар билан боғлиқ муаммолар

Ўсимликларнинг тупроқни эрозия ва дефляцияга қарши барқарор-лигини оширишда бош омил деб баҳо берилса мубоблаға бўлмаса керак. Чунки ўсимлик мавжуд бўлган жойда сув ёки шамол ўз кучини кўрсата олмайди. Ўсимлик қоплами тупроққа чукур кириб борган сарп уни ювилиш, сурилиш ва ўйин жараёнларидан сақлаиди. Барглари, новдалари ва ноялари, хуллас барча танаси билан ёғин-сочиннинг асосий қисмини қабул қиласди ва тупроққа нам кам тушади, шамол вактида эса унинг йўналишига рўпара бўлиб, унинг кучини анча кирқади. Агар ўсимлик сийрак ёки бутунлай мавжуд бўлмаган шароитда эрозия, дефляция, суримла, сел, гармсл каби нохуш ҳодисалар табиии комплексларга жиёддий зарар етказади (4-чизма). Энг даҳшатлиси тупроқ усти ювилиши ва у қулай шароитларда жар эрозиясига ўтиб кетиши табиатда кўп кузатилади. Кия тоғ ёнбағирларида лёссимон ётқизиқлар ёки лёсс қоплами ёғин-сочин вактида намга бўкиши натижасида оғирлик массаси бир неча баробар ортиб кетади ва мазкур ётқизиқлар остида сув ўтказмайдиган, қумтош ёки намга чидамли бошқа жинслар устида қиялик устида бир неча 10 ёки 100 м га суриллиб тушади. Бу ҳодиса катта ҳудудларда секин-аста, баъзан бир зумда рўй берини мумкин. Сурилган ҳудудда ёки унинг олдида қишлоқ, чорва фермаси, автомобиль йўли, бирор корхона ва бошқа хўжалик обьектлари жойлашган бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида сурилган грунт массиви чукур ва кенг ёриқларга ажralиб кетади ва ўз йўлида учраган барча иншиоатларни яксон қиласди. Тўсатдан бўлган бундай нохуш ҳодисаларнинг иқтисодий зарари ва оқибатлари бир неча юз минглаб сўм билан ҳисобланади.

8.4. Биологик ресурсларни мухофаза қилини тадбирлари

Үрмөннинг амалий аҳамияти ғоятда улуворлиги ва республикада уларнинг маййони нийхоятда камлигини хисобга олиб янги ўрмонзорлар бунёд этиши ишлари муттасиъ олиб борилмоқда. Чүлларда кум рельеф шаклтарининг ҳаракатларининг олдини олини учун ихотазорлар вужудга келтирилган, тоб ёнбағирларида эрозия, суримла ва сел ҳодисаларини ривожланишини тұхтатиб қолини борасыда жойларда тоб ўрмонзорлари яратылды. Сугориладиган ерлардаги ихотазорлар тупроғынан эрозия ва дефляциядан сақлаша хизматлари бенишөя юкори. Лекин шунга қарамасдан мамлакатда ўрмонлар маййониниң кескин равищада кенгайтириши ишларини күнгілдагидек деб бўлмайди. 80-йилларда йилига ўртача 40-50 минг га, 1990, 1992 йилларда 40 минг, 1994-1995 йилларда-30 минг, 1996 йилда 34 минг га маййонда янги ўрмонлар бунёд қилинди ва тикланди.

Бизнингча, янги ўрмонларни камидан йилига 100-120 минг га маййонда бунёд этиши күзланган мақсадга эришишга имкон берада. Бу борада воҳалар билан қумли чўлни туташган мингтакасида оралиқ ихотазорлар вужудга келтириши мақсадга мувофиқ. Чунки бир неча маҳсус қаторларда (оралик масофа 100-200 м) ихотазорлар чўлдан эсадиган иссиқ ва қуруқ чангли шамолларни тутиб қолади, ҳаракатдаги қумларининг мустаҳкамланишини таъминлайди. Чўл шароитида автомобиль ўзларининг иккى чеккасида йўл ихотазорлари (чаркез, қандим, оқсанковул ва б.) вужудга келтирилини аввало йўлини кум босишидан сақласа, бошқа томондан, ўзловчилар эстетик завқ оладилар, ўзларинида ўзига хос микрониёлим вужудга келади. Қумли чўлларда бир томондан, яйловлар маҳсулдорлигининг камлаги, иккичи томондан, ҳаракатдаги қумларининг мавжудлигини хисобга олган холда ихотазорларни вужудга келтириши лойиҳаланилади. Бунда ахоли пунктлари (кудуклар, шаҳарчалар), турли иншиоатлар, сув, нефт, газ қувурлари чеккалари ҳам хисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Тоб ёнбағирларда ўрмонларни бунёд этишда бир қатор омилларни эътиборга олиш даркор. Энг аввали суримла ва эрозияга мойил ёнбағирларни, сел келиши хавфи бўлган сои ёнбағирлари ва ўзанлар чеккалари, кор кўчкилари ривожланишини мумкин бўлган худудлар ўрмон билан қопланишига эришиш зарур. Қишлоқлар ва турли хўжалик иншиоатлари, бинолар, автомобиль ва темир йўллар, рекреация обьектлари атрофлари ва уларнинг худудлари зич дараҳтзорлар билан қопланиши юкорида кўрсатиб ўтилган табиий оғрат келтирувчи ҳодисаларни вужудга келининга имкон бермайди. Янгитдан вужудга келадиган жарликлар, суримиши эҳтимол қилинаётган ёнбағирлар, айниқса, тез муддатларда дараҳтзорлар билан мустаҳкамланишини яхши самара беради. Бундай жойларда мол бокишни такиплаш маъқул.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда тасдиқлаган қарорида 1994-2003 йиллар мобайнида ҳар йили камида 10 минг га майдонда терак ва бошқа тез ўсуви иморат-боп дараҳтлар экиш таъкидланган. Россиядан келтирилаётган ёғоч ва тахта республикага жуда ҳам қимматга тушмокда. Терақ ва бошқа тез ўсуви дараҳтлар экиш билан 8-10 йил мобайнида кўп миқдорда иморатбоп ёғоч тайёрлаш мумкин. Проф. А.Хоназаровнинг ҳисоб-китобига кўра 1 га теракзордан 10 йилда камида 500m^3 , 10 минг га майдондаги теракзордан эса 5 млн. m^3 ёғоч олиниши мумкин. Калифорния тераги эса тез 5-6 йилда вояга стади, бироқ у мўртроқ ва тез синади. Бу жиҳатдан кўк терак билан мирзатерак ёғочи анча қаттиқ ва зичлиги билан ажralиб туради.

Терақларни барча сугориш тармоқларининг чеккасида, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, воҳаларниң экин экилмайдиган ва нотекис жойларида ўстириш имкони бор, ундан ихота ўрмони сифатида фойдаланиш мумкин. Терақдан нафақат ёғоч, тахта, шунингдес, ундан аъло сифатли қоғоз тайёрланади. Терақларни республикада мавжуд бўлган қарийб 200 минг км масофага ҷўзилган сугориш шохобчаларининг чеккаларида вужудга келтириш мумкин, чунки уларниң атниги 7 минг км даги қисмида дараҳтзорлар мавжуд холос. Терақ ва мевали дараҳтларниң темир-бетонли новлар бўйлаб экиласа, аввало сув бўйида ўзига хос микроқўли таркиб топар эди, кейин эса турли мевалар етиширилган бўларди. Бу борада айrim туманларда (Мирзачўл, Қарши чўли, Хоразм) намунали ишлар қилинмоқда. Сув омборлари ва сельхоналар атрофлари дараҳтзорларни вужудга келтириш объекти бўлиши лозим, республикадаги деярли барча сув ҳавзалари чеккалари ўрмонзорлар билан банд эмас.

Интиқ саноат тутунлари ва корхоналари худудларида ва атрофларида маҳсус ихотазор бунёд этиши ҳар жиҳатдан ҳам зарур, чунки дараҳтлар заарли моддаларни, айниқса чангларни ютиб, ҳавони тозалайди, ҳаво намлиги ва ҳароратни ростграб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 дескабрдаги қарорига мувофиқ Қоравулбозор нефт саноати корхоналари атрофида 18 минг га майдонда ўрмонзорлар вужудга келтириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Худди шундай ҳайрли ишини Муборак, Шўртанг газ-кимё саноати, Навоий кимё (“Азот” бирлашмаси) корхоналари ва бошқа саноат объектлари атрофларида вужудга келтириш айни муддао.

Орол бўйида рўй бераётган чўллашиш ҳодисаси бошқа табият компонентлари қатори ўсимлиқ оламининг жиддий зарар кўришига кенг миқёсда таъсир этмоқда. Ўсимликлар табиятда бўлаётган барча ноҳуши ўзгаришларниң энг ишончли индикаторицир. Уларниң бир турдан иккинчи бошқа бир тур(лар) билан алмашини маконда рельеф, грунт сувлари режими, тупроқ ва бошқа компонентларида ўзгаришлар содир бўлаётганлиги натижасида юз беради. Амударё

ва Сирдарёнинг ҳозирги дельталарида (суюриладиган минтақада) аввалги дараҳтли тўқайзорлар сувсизлик ва шўр мухит таъсирида каттиқ зарар кўрди, уларнинг куриши туфайли шамол таъсирида кўчма қумлар ҳаракати фаоллашмоқда. Орол денизининг куриган қисмида қум ва тузларни миграцияси кучаймоқда.

Ушбу тадрижий табиий шароитда заминни мустаҳкамлаш фоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада энг ишончли, арzon, тез муддатларда самара берадиган тадбир маълум лойиҳалар асосида ихотазорларни вужудга келтириш ҳаммадан ҳам қулай ва иктисодий жиҳатдан арzon ҳамда зарурӣ чора хисобланади. Фитомелиорация (ўсимликларни экиш ва ўстириши билан мелиорация қилиш) йўл билан тупроқни эрозия ва дефляциядан саклаб қолиш Амударё дельтаси ва Оролнинг куригаи қисмида 80-йилларнинг 2-ярмида бошланган. Оролни қумли ҳудудларида (Ўзбекистон қисмида) 1989 йилдан эътиборан ҳар йили қамида 10 минг га майдонда қора саксовул, черкез, қандим, чогон ва бошқа куруқ севар ва шўрини хуш кўрувчи ўсимликларнинг уруги ва қаламчасини экиш билан фитомелиорация амалга оширилмоқда. Кейинги вақтларда (90-йиллардан бошлаб) иш майдони ортиб бормоқда. 1998 йилнинг бошларида жами фитомелиорация қилинган майдон жами 150 минг га дан ортди. Албатта бу рақам унчалик кўп эмас агар барча куриган қисм 3,8 млн. га деб хисобланса, унинг қарийб 2 млн га қисми республикамизга тегишли. Ҳозирга келиб ўсимлик экиш мумкин бўлган майдон тахминан 400-500 минг га ни ташкил қиласди. Бинобарин, эндиғина унинг учдан бир қисми нигина ўсимлик билан мустаҳкамлашга эришилди, холос. Бизнингча фитомелиорация ишлари суръатини ва қамраб олинаётган майдон ҳажми қамида 2 марта оширилиши айни муддао. Чунки дениз чекинган сари унинг куригаи қисмида фитомелиорация қилинадиган майдон миқёssi ҳам ортиб бормоқда, демак, шамолни ўловчанлик ва ҳаракат майдони тобора ортиб бормоқда.

Амударё дельтасида ҳам ихотазорлар вужудга келтириши борасида анча ишлар қилинмоқда. Чимбой, Мўйноқ, Бўзатов, Кўнғирот, Қораўзак туманлари ўрмон хўжаликлари ўзанлар бўйларида тўқайзорларни қайтатдан тиклаш, қумли ҳудудлarda фитомелиорация ишларини амалга оширмоқдалар. Энг қизиги шундаки, дельтанинг ботиклар оралиғидаги баландроқ қисмларида ўтлоқ-тақир туироқларнинг тақирсизон тупроқларга ривоҷланиб ўтишлари туфайли жойларда (Кўнғирот-Мўйноқ автомобиль йўлининг икки чеккаси ва унинг ичкари ҳудудлари) табиий йўл билан қора саксовул кенг тарқалмоқда. Гап ана шу табиий йўл билан кенгайиб бораётган қора саксовулнинг аҳоли томонидан кесиб кетилмаслигида. Агарда уларни вегетацияси учун инсон томонидан тўсқинлик қилинmasa, у табиий йўл билан заминни мустаҳкамлаб боради.

Қисқача ҳуласалар

Ўсимликларнинг табиатда модда айланишида ва инсон ҳайтида аҳамияти жуда катта. Ўсимликлар фотосинтез жараёнида CO_2 ни ютиб O_2 етказиб беради. Урмон ресурслари ср юзаси бўйлаб нотекис жойлашган. Ўсимликларнинг кесилиши ва майдонларнинг қисқариши салбий оқибатларга олиб келмокда. Ўзбекистон ўрмонлар, тоғ ва текисликларга бўлинади. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар жуда кўп. Ноёб ва ҳўжалик жиҳатдан аҳамиятли ўсимликларни муҳофаза қилиш зарур. Бу ўсимликларнинг аксарияти «Қизил китоб»га киритилган.

Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Ўзбекистоннинг биологик бойликлари ва улардан фойдаланиш қандай аҳволда?
2. Ўзбекистондаги ўрмоилар тўғрисида нималар биласиз?
3. Ўзбекистонда биологик ресурсларнинг хилма-хиллиги-га сабаб нима?
4. Биологик ресурслардан фойдаланишда қандай экологик муаммолар мавжуд?
5. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиши учун қандай тадбирларни қўллаши лозим?
6. Биологик ресурсларни муҳофаза қилишининг экологик ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти тўғрисида гапиринг.
7. Биологик ресурсларнинг муҳофаза қилишда “Қизил китоб”нинг ўрни қандай?
8. Биологик ресурсларнинг муҳофаза қилишда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар қандай мавқега эга?
9. Ўзингиз яшаидиган жойда биологик ресурсларнинг муҳофаза қилиш борасида нималар қилинаётганлиги тўғрисида гашриб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиши. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
2. Национальный доклад. О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. – Т.: Чинор, 2002.
3. Реймерс Н.Ф., Штильмарк Ф.Р. Особо охраняемые природные территории. – М.: Мысль, 1978.
4. Тетюхин Г.Ф. и др. Некоторые аспекты рационального использования и охраны неживой природы Узбекистана. – Т.: Фан, 1987.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АТРОФ – МУХИТ МУХОФАЗАСИ

9.1. Фойдалы қазилмалардан фойдаланиш жараёнида атроф-мухитини мухофаза қылыш

Саноат ишлаб чиқариши, фан-техника инқилиби рүй берипши билан кишиларниң хұжалик-техник әхтиёжлари ва техника қудрати табиий жараёнын аттарға кеттің таисир этиб, ер қыёфасини жиғдий үзгартыриб юбормоқда. Инсон ақынды қудрати ила яратылған техника кириб бораётганды сфера – техносфера таркиб тошишида минерал ресурслар көптегендегі роль ўйнаиды.

Фан-техника тараққыстарында ер ости бойликларидан фойдаланишида уч хусусият мавжуд: бириңгидан, ишлаб чиқарышининг тез суръаттар билан ривожланиши шығоятта күп миңдердә минерал ресурсларни талаб этады, ҳозирғи пайтда минерал ресурслардан фойдаланишининг ҳажми дунё бүйічі ҳар 15 йылда иккі марта ошмокда; иккіншидан, саноат ва қышлоқ хұжалик фойдалы қазилмаларниң янгидау-янги турларидан фойдаланилмоқда ва айни вақтта улар олдига бутунлай янги талаблар күйілмоқда; учиншидан, геология ва төр ишларидан ер ости бойликларининг жойлашишидегі қонунияттарни тошиш ва илмий башпорат қылыш гуркираб авж олмоқда.

Минерал хомащиенинг күп ишлатылыштың асосан, Ер шарында ахоли сонининг ўсиши ва ҳозирғи кишиларниң хилма-хил әхтиёжлары ортиб бориши билан бағытқыдир. Сүнгіті асрда 100 млрд тонна күмпір ёқылғы ёқыластырылған жағдайда 3 млрд тонна кул чиқарылды. Йылға 1,5 млрд тоннадан ортиқ қаттық ёқылғы ёқыластырылған. Ҳозирғи вақтта йылға 100 млрд тоннадан ортиқ руда ва минерал хомашёлар қазыб олинилмоқда, 3000 млн. тоннадан ортиқ минерал ўғыт ишлаб чиқарылмоқда. Ҳолбук, технологиянынг ўта такомида шамалыңғыдан ҳозир олинған металларниң деярлі ярмашылығынан шамалыңғыдан үзілінген.

Ҳозирғи вақтта бир кишининг әхтиёжини таъминлаштыру үчүн сөрдөн 27 тоннадан ортиқ хомашё, жумладан, 2 тоннадан ёқылғы чиқарылмоқда. XVIII асрда хұжаликта 28 кимёвий элементтден, XIX аср боштарынан 60 га яқын элементтден фойдаланылған бўлса, ҳозирғи замон ишлаб чиқарыши 200 дан ортиқ турдаги минерал хомашёдан фойдаланастырилған.

Минерал ресурслар ҳар қандай мамлакат иктиносидий тараққыстарынан ассоциацияларидан бириншидир. Фойдалы қазилма

конлари бор бўлган турли районлар янги посёлка ва шаҳарлар пайдо бўлади. Минерал хомашё қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкалар жуда кўп. Марказий Осиёда – Шевченко, Навоийда ва Зарафшонда, ҳам улар сирасига киради. Фойдалари қазилмалар конларининг ўзлаштирилиши натижасида рўй берастган урбанизация жараёни ҳозирги кунда деярли ҳамма жойда намоён бўлаётир. Тадқиқотчилар 150 йиллардан сўнг ер юзасининг учдан бир кисми шаҳар аҳоли пунктларни билан банд бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда.

9.2. Ўзбекистоннинг фойдалари қазилмалари ва улардан фойдаланиш

Ўзбекистон замини турли табиий минерал бойликларга эга. Бу серда 2700 дан зиёд қазилма бойликлар конлари ва истиқболли очилини мумкин бўлган конлар аниқланган. Ўзбекистоннинг умумий минерал хомашё салоҳияти 3,3 трлн. АҚШ долларига тенг миқдорда баҳоланмоқда. Йилига умумий қиймати 5,5 млрд АҚШ долларига тенг бойликлар қазиб олинмоқда. Ҳозир республика олтин захираси бўйича дунёда 4-ўринда, олтин қазиб олиш бўйича 7-ўринни, мис бўйича 10-11-ўринни, уран бўйича 7-8-ўринни эгаллайди. Табиий газнинг умумий захираси 2 трлн куб метр, кўмпирники 2 млрд т дан зиёд.

Республика худудининг 60 % и нефть ва газ захиралари билан банд. Шунингдек, 20 дан ортиқ кўмпир конлари ва ҳавзалари, таркибида олтин ва кумуш бўлган конлари, 20 та молибден, 100 дан ортиқ симоб, 10 та суръма, 370 дан ортиқ қурилиш материаллари конлари борлиги аниқланган.

Ўзбекистонда йилига 200 млн. тоннадан зиёд тоғ жинслари қазиб олинади, чиқинди сифатида эса унинг 150 млн. тонна кубдан кўпроқ қисми ташланади. Атрофга чиқариб ташланган бундай қоплама жинслар фақат Олмалиқ ва Навоий тоғ-консаноати мајмуасида 20 минг га майдонни эгаллайди.

Маъданларни очиқ усулда қазиб олинганда истрофгарчиллик 3-8%, мураккаб конларда эса 10-12% ни ташкил этади. Уртacha истрофгарчиллик кўрсаткичи кўмпир конларида 20-49%, қора ва рангли металл шахталарида 15-25% га стади. Шу жиҳатдан Қизилкўмидаги олтин конларида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшима корхонаси аввал ишлатиб бўлинган тоғ жинслари таркибидан яна олтин ажратиб олмоқда. Кўп ҳолларда конлардаги асосий бойликлардан ташқари уларга йўлдош бўлган бир неча минераллар ҳам учрайди. Асосий бойликлардан ташқари қўшимча ми-

рал бойликларни ажратиб олиш иктисодий жиҳатдан мухим. Масалаи, Қалмоққир кони ноёб бўлиб, унинг мис-молибден рудаси билан бирга кўплаб ноёб металлар учрайди. Уларни асосий қисми Олмалиқ тон-кон металлургия корхонасида ажратиб олиш олиникоқда. Шундай конларга Учкулоч, Хондиза конларини киритиш мумкин. Оҳангарон кўмир конида кўмир билан бирга каолин учрайди. 1998 йилда Германиянинг «Крун» фирмаси билан каолин кўшма корхонаси қуришилган.

Маъданларни ишга туширишда кўпроқ портланд ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида очиқ конларда грунт портлатилганда осмонга 100-120 тонна чанг кўтарилади. Грунтларни транспортга ортишда ва текислаш ишларида ҳам 10 т гача чанг ҳавога чиқиши мумкин. Юк ташувчи авто уловлардан сутка мобайнида ҳавога 10 т чанг чиқади. Қурилиш материаллари конларида тош кесиши машиналари ишлагандага 1 м³ ҳавога 1500 мг чанг қўшилади. Очиқ усулдаги маъданларни ишга тушириш атроф-мухитни кўпроқ ифлослайди (портлаш натижасида чанг кўтарилади).

Хозирги даврда ҳам, узоқ даврда ҳам иктисодиётнинг балансли ўсимишга эришишда мамлакат хомашё ресурслари билан цухта таъминланниши мухим роль ўйнайди. Ўзбекистонда қимматли фойдали қазилмаларниң жуда кўпі йирик конларига эга. Бироқ, ҳалқ ҳўжалигини муттасил риҷоҷлантириш минерал хомашенинг турли хилларига бўлган эҳтъяжларни тез ўстиради. Ишлаб чиқаришнинг фойдали қазилмалар билан таъминланниши хаминича старли даражада бўлиши учун бу қазилмаларниң қидириб топилган захираларни ўстириш суръатлари уларни қазиб олишга нисбатан жадалроқ бўлиши кўзда тутилади. Бу ҳол бизнинг ҳалқ ҳўжалигини энергия ва хомашё келгусида ҳам кафолатлашимизга имкон беради.

Ўзбекистон табиий ва жумладан, минерал ресурсларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринда туради.

Мустақиллик йилларида фойдали қазилмаларниң айниқса кўи конлари топилди. Ўзбекистондаги минерал хомашё ресурсларнинг хусусияти шундаки, улар йирик кон корхоналари қуришга имкон берадиган ноёб конлардир. Кон корхоналарниң катта бўлиши капитал ҳаражатларини камайтиришга ва маҳсулот таниархи энг арzon бўлишишга имкон беради. Минерал ресурсларни муҳофаза қилишининг асосий йўналишларидан фойдалаш зарур. Жумладан, конлардан барча фойдали компонентларни тўлиқ ажратиб олиш, ишлаб чиқаришида улардан тежамли, комплекс ва чиқитсиз фойдаланиши, ер ости бойликла-

ридан фойдаланиш инплариининг зарарли таъсирига барҳам бериш, фойдаланиш давомида тарқалған минерал мoddаларининг сунъий түлланиши масалаларини ҳал қилиши ва бошқалар.

9.3. Минерал хомашё ресурсларидан мажмұали фойдаланиш

Минерал хомашё ресурслари тугаб қолиши билан боелиқ бўлган кризис олдини олишининг яна бир йўли бор. Бу эса бойликлари қазиб олиш, бойитиш ва ташишда ирофгарчиликка қарши курашиш, комплекс фойдаланиш масалалариидир. Тикланмайдиган минерал ресурсларни муҳофаза қилиш ҳам асосан ана шундан иборат.

Ишлаб чиқариши интенсивлаштириш ва жуда кўп ички резервларни хўжалик айланмасига киритишда фойдали қазилмаларининг конларида бўлган барча қимматли компонентларни максимал даражада ажратиб олиш жуда катта аҳамиятга эга.

Биринчи технологик жараён – минерал хомашёни ер остидан қазиб олиш ва уни ярим фабрикатга айлантириш жараёнидир. Кон саноати корхоналари конларининг қайтмоини спидриб олишига ҳаракат қиласидилар, фойдали компонентларга қашшоқ ва қийин қазиб олинадиган рудалар эса ўз жойида қолаверади ёки кераксиз жиислар билан биргаликда ер юзасига чиқариб ташланади.

Кўнчилгик фойдали қазилмалар конлари комплексе конлар бўлиб, улар хомашёси таркибида бир қанча фойдали компонентлар бўлади. Бундай компонентлардан фойдаланиш кўнгина ҳолларда иқтисодий жиҳатдан фойдалиди. Масалан, темир рудаларида асосий компонент билан бир қаторда титан, ванадий, кобальт, мис, рух ва бир қанча нодир металлар, нефть конларида газ, олтингугурт, азот учрайди.

Технология тақомплиациялиги туфайли нефть қудукларидан фойдаланилаётганда йўл-йўлакай учрайдиган табиий газининг ярмидан кўпроғи ҳавога чиқарилиб юборилар ва хавфсизлик техникаси нуқтаи назаридан ёндирилиб ташланар эди. Иқтисодий ва экологик нуқтаи назаридан бу катта ирофгарчиликка барҳам беришни тақозо қиласди.

Қаттиқ минерал хомашёдан фойдаланишда ҳам жуда катта ирофгарчиликлар мавжуд. Ишлатилиб ташланган шахта ва конларда млрд- тонна кўмир ва рудалар ётибди. Ён деворларда ва шинши ушлаб турадиган устунларда қаңчадан-қанча қазилмалар қолади. Шахта усули билан кўмир қазиб олинганда саноат захирасининг тўртдан бир ёки иккисидан бир қисми иобуд бўла-

ди. Ер ости бойликларини муҳофаза қилинининг самарали йўлга кўйилмаганлигидан истрофарчилклар бундан ҳам кўн бўлини мумкин. Кўпгина шаҳарлар ва шахтёр наслекалари анчагина кўмпир захирасига эга бўлган қатламлар устига курилган эди. Яқин ўтмишда Кузнецк, Карагандада ва Ўзбекистондаги Анирен ва бошқа кўмпир ҳавзаларида, афсуски, шундай бўлган.

Темир ва бошқа рудаларининг истроф бўлиши ҳам технологиясининг мукаммал эмаслиги оқибатидадир. Бунда устун бўлиб хизмат қилган қатламлар ишлатилмай қолдирилиб, энг қулай ва бой қатламлардангина руда қазиб олингац. Фойдали қазилмаларни қазиб олишга норационал ёндашининг асосий манбани шундаки, кон саноати районининг қайси йўлдан тараккij этиши оптимал дараражада аниқ ва тўла башорат қилинмайди.

Конларни очиқ усулда қазиб олишнинг ривожлантирилиши ер ости бойликларини муҳофаза қилинига ва фойдали қазилмалардан фойдаланишини яхшилашга имкон беради. Бу усул минерал ресурсларининг истроф бўлишини 3-10% камайтиради.

Мамлакатимизда минерал хомашибдан комплекс фойдаланишида кейинги ўйларда каттагина ютуқлар кўлга киритилди. Чуюнчи рангдор металлургия корхоналарида кумуш, висмут, платинанинг деярли ҳаммаси, олтингутуртнинг 30%и, рух, кўроғонин ва миснинг 10%игачаси ажратиб олинаётир. Ўзбекистондаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам ана шундай ўйлар қилинди. Чуюнчи, Озтитонгган, Кўроғонинкои ва бошқа кўроғонин-рух конларида руда бойитини натижасида кўроғонин, рух ва пирит концентратлари олинимоқда. Кўроғонин ва рух концентратини кимёвий қайта ишлаш йўли билан эса сульфат кислота ва селен, пирит кўйиндиларидан кўроғонин, рух, мис, темир ва бошқа элементлар олинимоқда.

Хозирги кунда бойитувчи фабрикалар ва металлургия заводларининг чиқиндиларидан фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Мутахассисларининг фикрича, сўнгти 100 йил ичida ер юзасига 20 млрд тоннадан ортиқ ташқал (шлак) ташланган ва қарийб 3 млрд т кул ҳавога чиқарилган.

Хозирги даврда ҳам, узоқ даврда ҳам иқтисодиётнинг балансли ўсишига эришинда мамлакат хомашиб ресурслари билан иухта таъминланиши мухим роль ўйнайди. Ўзбекистонда қимматли фойдали қазилмаларининг жуда кўпти йирик конларига эга. Бироқ, халқ хўжалигини муттасил ривожлантириши минерал хомашибининг турли хилларига бўлган эҳтиёжларни тез ўстиради. Ишлаб чиқаришининг фойдали қазилмалар билан таъминланиши ҳамиша старли дараражада бўлиши учун бу қазилмаларининг қидириб топилган захиralарни ўстириши суръатлари

уларни қазиб олишга нисбатан жадалроқ бўлиши кўзда тутилади. Бу ҳол бизнинг халиқ хўжалигигини энергия ва хомашё келгусида ҳам кафолатлашимизга имкон беради.

Ўзбекистон табиий ва жумладан, минерал ресурсларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан дунёда оддинги ўринда туради.

Мустақиллик йилларида фойдалари қазилмаларнинг айниқса қўп конлари топилди. Ўзбекистондаги минерал хомашё ресурсларнинг хусусияти шундаки, улар йиррик кон корхоналари куришга имкон берадиган ноёб конлардир. Кон корхоналарнинг катта бўлиши капитал харажатларни камайтиришга ва маҳсулот таннархи энг арzon бўлишишга имкон беради. Минерал ресурсларни муҳофаза қилишининг асосий йўналишларидан фойдалалиш зарур. Жумладан, конлардан барча фойдали компонентларни тўлиқ ажратиб олиш, ишлаб чиқаришида улардан тежкамли, комплекс ва чиқитсиз фойдаланиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ишларининг зарарли таъсирига барҳам бериш, фойдаланиш давомида тарқалган минерал моддаларнинг сунъий тўпланиши масалаларини ҳал қилиш ва бошқалар.

Қисқача хуосалар

